

**УЎК: 297.1
КБК: 86.38+86.2
Д-53**

Диний мутаассиблик: моҳият, мақсадлар ва олдини олици йўллари /
А. Ҳасанов, О. Юсупов, К. Шермуҳамедов, У. Фауров, Ж. Каримов;
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишларни
бўйича қўмита, Тошкент ислом унти Исломшунослик илмий-
тадқиқот маркази. – Тошкент. «Movarounnah» нашриёти, 2013. – 160 б.

Масъул муҳаррир:
Ортиқбек Юсупов, фалсафа фанлари намзоди, доцент

Такризчилар:
Зоҳиджон Исломов, филология фанлари доктори, профессор
Абдумутал Закурлаев, юридик фанлари намзоди, доцент

Китобда ислом динининг тинчликпарварлик, бағрикенглик моҳияти, диний мутаассиблик, экстремизм ҳамда терроризмнинг салбий жиҳозатлари кенгқамровли маълумотлар ва даимилар асосида ёритилган. Шунингдек, соғ исломий тушунчаларнинг соглам ва маърифий мазмунлари ҳамда бугунги кунда фаолият юритаётган диний-экстремистик ҳаракатлар томонидан ислом асосларининг гаражи мақсадларда бўзуб талқин қилинishi мүқаддас динимиз моҳиятига буткул зид экани Куръони карим оянлари, ҳадислар, машҳур уламоларнинг фикрлariга таянган ҳолда очиб берилган.

Китоб Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришини мувофиқлаштириши қўмитаси томонидан молиялаштирилган А-052-1-сонли «Диний мутаассибликнинг вайронкор моҳияти, маънавий қадрияларимизга таҳди迪 ва ёйларда уларга қарши гоявий иммунитетни мустаҳкамлашнинг амалий-татбиқий услублари» номли амалий лоъиҳа доирасида нашрга тайёрланди.

Тошкент ислом университети Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази Илмий ҳайъатининг 2013 йил 17 декабрдаги 4-сонли мажлиси қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2013 йил 20 декабрдаги 3661-сонли тавсияси билан чоп этилди.

ISBN 978-9943-12-257-4

© Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази
© «Movarounnah» нашриёти, 2013

КИРИШ

Бугун замон талаб қилаётган дунёвий билимлар билан бирга, инсон ҳаётининг маъно ва мазмунини англатадиган, эзгулик, меҳр-оқибат, бағрикенглик каби фазилатлардан сабоқ берадиган диний билимларни ҳам пухта ўзлаштирган одамгина давримизнинг кескин ва мураккаб саволларига жавоб топа олади.

Ислом Каримов

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осоийишталиқ, динларабо бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ҳамда ҳамжиҳатлик юртимиз тараққиёти йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Лекин гоялар кураши авж олаётган XXI асрда дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида ҳал этилиши зарур бўлган кўплаб муаммолар юзага келаётгани, кишиларнинг осуда ҳаётини издан чиқаришга қаратилган янги шаклдаги таҳдидларнинг кун сайин пайдо бўлаётгани ва бунинг натижасида бузгунчи гоялар мафкура майдонини куршаб олаётгани барчамиздан огоҳлик ва ҳушёрликни талаб этмоқда.

Бугунги кунда дунёнинг турли ҳудудларида, хусусан Яқин Шарқ минтақасида рўй берадиган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, зиддиятли тўқнашувларга теран қараш ҳиссини ошириш, ҳар қандай кўринишдаги таҳдидларга қарши маънавий-маърифий

ишиларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларни турли мағкуравий хуружлардан ҳимоя қилинша кишиликті жамияти олдида бир қатор комплекс вазифаларни ҳал этиш долзарб бўлиб турибди. Ушбу масалаларга тўхталиб, Президентимиз Ислом Каримов 2013 йил 31 августда «Шаҳидлар хотираси» хиёбонида ўтказилган маросимда уламолар, жамоатчилик вакиллари билан сұхбат чорида «Бундай ғаразли кучларнинг асосий нияти – ҳали ҳаётий тажрибаси, сиёсий-ижтимоий савиғаси етарли бўлмаган, содда ва тўғр ёшларни йўлдан уриш, ўзининг қабиҳ ниятилари йўлида фойдаланиш эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Фақатгина мустақил фикрлайдиган, имон-эътиқоди мустаҳкам, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган эзгу қадриятларга садоқатли бўлган инсонгина бундай қутқуларга учмаслиги, тўғри йўлдан адашмаслиги мумкин. Буннинг учун, албатта, биринчи навбатда фарзандларимизни юксак билим ва маънавий фазилатлар билан қуроллантиришимиз лозим. Уларга биз учун муқаддас бўлган ислом динининг чинакам инсоний мөхиятини, унинг тинчлик, яхшилик, меҳр-шафқат, ҳамжиҳатлик дини эканини тўғри тушунтириб беримиз керак. Бизга ёт ва бегона бўлган турли заарли оқимлардан ҳимояланиш учун одамларга бу борадаги бор ҳақиқатни етказиш зарур. Тაъбир жоиз бўлса, бундай ҳавф-хатарлардан одамларни, авваламбор, ёш авлодни ҳақиқат билан ҳимоя қилиш керак»¹, дея алоҳида таъкидладилар. Шу мақсадда, диний мұтаассиблик, экстремизмнинг келиб чиқиши, уларга молиявий, руҳий кўмак берувчи радикал диний-сиёсий ташкилотларнинг фаолияти, ғоялари ва ғаразли мақсадларининг таҳлилига бағишлиланган тизимли

¹ Аждодлар хотираси муқаддас // «Тошкент оқшоми» газетаси. 2013 йил 1 сентябрь, 177-сон.

тадқиқот яратиш ҳамда кенг жамоатчиликка етказиши мухим аҳамият касб этади.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу китобда муқаддас динимизнинг тинчлик, бағрикенглик моҳияти, жамият хаётида барқарорликка эришишда тинчликпарвар ислом дини гояларидан фойдаланиш масалалари, шунингдек диний мутаассиблиқ, экстремизм ҳамда терроризмнинг салбий жихатлари, соғ исломий тушунчаларнинг соғлом ва маърифий талқинлари ҳамда бутунги кунда фаолият юритаётган диний-экстремистик ҳаракатлар тарғиб қилаётган бузғунчи гоялар ислом динининг асл моҳиятига умуман зид эканни Куръони карим ояллари, ҳадислар, машхур уламоларнинг фикрларига таянган холда таҳлил қилинган.

Шу нуқтаи назардан қарагандан, Аҳаджон Ҳасанов, Ортиқбек Юсупов, Комилjon Шермуҳамедов, Уйғун Faфуров, Жамолиддин Каримовлардан иборат муаллифлар гурӯҳи тайёрлаган мазкур китоб ўқувчиларда диний омил билан боғлиқ турли таҳдидларнинг олдини олиш, диний мутаассибликка қарши гоявий кураш борасидаги тарғибот-ташвиқот ишларида кенг фойдаланиш, ёшларда уларга қарши гоявий иммунитетни мустаҳкамлашда атрофлича билим ва кўникмалар ҳосил бўлишига хизмат килади, деб умид қиласиз.

І БОБ. ИСЛОМ – ТИНЧЛИК, БАҒРИКЕНГАЛИК ВА МАЪРИФАГ ДИНИ

1.1. Тинчликпарварлик ислом динининг моҳияти

Бугунги кунда дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида ҳал этилиши зарур бўлган кўплаб муаммолар мавжуд экани, кишиларнинг осуда хаётини издан чиқаришга қаратилган янги шаклдаги таҳдидларнинг пайдо бўлаётгани ва бунинг натижасида бузғунчи ғоялар мафкура майдонини қуршаб олаётгани очиқ-ойдин хавф туғдирмоқда. Бунга эътиқод умумийлигига асосланган ҳолда якка мафкура ҳукмронлигини таъминлаш орқали жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан ўзига оғдиришга ҳаракат қилаётган кучларни мисол келтириш мумкин. Масалан, ислом ниқоби остида фаолият кўрсатаётган мутаассиб уюшмалар ижтимоий, миллий хусусияти, қайси давлатта мансублигидан қатъи назар, барча мусулмонларнинг маънавий бирлиги ҳақидаги тасаввурларга таяниб, уларни ягона мақсад остида бирлашуви ғоясини илгари сурадилар². Бундай кучлар шу йўл билан ҳар бир давлатнинг ўз тараққиёт йўлидан чиқаришга ҳаракат қиладилар, қаерда ғоявий бўшлиқ, лоқайдлик ва бепарволик мавжуд бўлса, улар ўша ерда пайдо бўладилар.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2013 йил 9 май куни Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари учун берган интервьюсида: «Тинч-осойишта ҳаёт, барқарорликнинг энг муҳим шарти шуки, бегамлик, ва бепарволикка йўл қўймасдан, доимо огоҳ, ҳар томон-

² Карант: Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. – Тошкент: Мухаррир, 2009. – Б. 58.

лама сезгири ва уйғоқ бўлиш, тарихдан, ҳаётдан хосса чиқариб яшаш керак. Бундай қараш, бундай қайфият шу азиз юртимиздаги барча ватандошларимизнинг ҳаётий мақсадига айланишини истардим. Отоқ бўлиб яшайдиган одам четдан келаётган хавф-хетарни олдиндан кўриб, уни бартараф этиши осон кечади. Агар-ки турли бало-қазолардан ўз вақтида огоҳ бўлмаса, уларга бепарво қараса, кейин уларни йўқ қилиш жуда қийин бўлади»³, дея шу масалага алоҳида зъибор қаратдилар. Дарҳакиқат, юрт тинчлиги, бирдамилиги ва соғлом муҳитни қарор топтириш учун одамларда энг аввало, дахлдорлик ҳиссисини кучайтириш даркор. Даҳлдорлик бу шахснинг ён-атрофида бирор инкушликни кўрганида бепарво бўлмаслиги, бу кўнгилсизлик бутун унга зарар келтирмаётган бўлса, балки эртага ўзининг ҳам бошига тушиши мумкин эканини ҳис кўлан ҳолда яшаш демакдир. Шундай экан, огоҳ ва хушёр бўлиш давр талаби бўлиб қолаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Азалдан турмушнинг ободлиги, оиласнинг мустаҳкамлиги ва тинч-осуда ҳаёт кечириш ўзбек халқининг орзузи бўлиб келган.

2013 йил юртимизда «Обод турмуш йили» деб ёзлон қилинишида ҳам ана шундай мақсадлар кўзда тутилган. Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистонимизда тинчлик, осойишталик ва хавфзизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ҳамжи-ҳатликни кўз қорачигидек сақлаш ва мустаҳкамлаш бундан бўён ҳам энг муҳим, ҳал қилувчи вазифамиз бўлиб қолиши даркор»⁴, дедилар. Юртимизда «Обод

³ Каримов И.А. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак.-Тошкент: Ўзбекистон, 2013. - Б. 31-32.

⁴ Инсон манфаати, ҳукуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг баш мақсадидизdir / Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағищланган тантанали маросимдаги маъруzasи. «Ўзбекистон овози» газетаси, 2012 йил 8 декабрь.

турмуш йили» әйлон қилиниши муносабати билан қабул қилингандың дастурнинг асосий йұналишларидан бири сифатида биринчі навбатда шу масалага эътибор қаратылды. Бунинг учун эса, ҳар бир фуқаро давлатимиз ва жамиятимиз тинчлигига раҳна солишга уринаётган ёвуз күчларнинг манбаси, мөхият-мазмұны ҳақида аник түшүнчаларға зә бўлиши ва халқимизни ушбу таҳдидлардан огоҳ қила билиши, юрт тинчлигини асрашга қаратылган амалий ишларни ўзи учун устувор вазифа деб ҳис этиши лозим.

Дарҳақиқат, тарихнинг ўтган қисқа даврида әзгу мақсадларга әришишимизда, ўзлигимиз ва тафаккуrimizni anglashimizda muқадdas dinimizning ўrни va aҳamияti bекиёс. Zero, tinchlikparvarlik, osoйишталик, хотиржамлик islam dininining moхияtinini taşkildi etishi, uning kishilarni tinchlikni asraш va barқarorlikni taъminlaш iйüilda ўзаро ҳамжихатлик va birdamlik билан ҳаракат қилишга даъват этиши fikrimiz isbotidir. «Islam» sўzinining arab tilidagi lugaviy maъnosini – «bўйсуниш», «итоат этиш», istiloхда эса, Аллоҳга тил билан имон keltiriб, dil bilan tasdiқлаш, uning kўrsatmalariiga bўйсунишни anglatadi. Shuningdek, «Islam» sўzinining ўзаги «салом» bўlib, tinchlik, sulx maъnosinini anglatadi. Bunga daliл сифатида bir наслга мансуб одамлар ўrtasida xavfiszlikni taъminlaши, farovonlik va ҳамкорликни anglatiшини keltiriш mumkin. «Салом» сўзи Kуръоннинг 30 dan ortiq жойида takrorlangan. Shuning билан birga, у Аллоҳ таолонинг гўзал исмларидан биридир»⁵.

Тинчлик бебаҳо неъмат экани islam manbalarida ҳам ўз ifodасини топган. Xусусан, Kуръони karimda: **«Эй, имон келтирсанлар! Ёппасига итоатга**

⁵ Шайх Мұхаммад Сайид Тантовийнинг Ватикан Папаси билан сухбатидан. // Ал-Азҳар. – Қохира, 2005. – Б. 36.

лумки, шариат аҳкомларини жорий қилиш Аллоҳ ёки У изн берган пайғамбарларга хос. Бошқа ҳеч ким, бирор-бир сабабга кўра бу ишни амалга ошириши, бандалар устига шаръий амрни жорий қилиши мумкин эмас. Пайғамбар Мұхаммад (алайхиссалом) ҳам ўз умматларига доим енгиллик, осонлик, ўртахоллиятни истаб келганлар¹⁰.

Исломнинг енгил дин экани, уни қийинлаштириш, унга ўзгача талқин ва қарашлар олиб кириш қораланиши Куръон оявлари ва ҳадисларда атрофлича ёритилган. Жумладан, Куръони каримда бундай дейилади: «Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, оғирликни хоҳламайди» (Бақара, 185). «Аллоҳ сизларга (шариат аҳкомларини) енгиллатишни хоҳлайди. Ахир, инсон заиф яратилган-да!» (Нисо, 28). Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда бундай дейилади: «Албатта, дин енгилдир. Кимда-ким уни (ўзича) оғирлаштиурса, дин уни албатта мағлуб қиласди». Шунингдек, Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда ҳам бундай дейилади: «Осонлаштиринг, қийинлаштируманг! Қизиктиринг, бездирманг!»¹¹

Лекин диний-экстремистик ва террорчи ташкилотлар ўзларининг ғаразли мақсадларидан келиб чиқиб, ислом таълимотининг айрим ғоя ва тамоилилари мазмун-моҳиятини бир ёқлама, нотўғри талқин қилиб, одамларни ҳидоят йўлидан адаштиришга уринмоқда. «Биз ислоҳотчилармиз» дея иддао қилаётган бундай оқимлар ўзларининг қарашлари ва амалиётига қўшилмаганларни «адашганлар»га чиқармоқда. Натижада мусулмон бўлмаган мамлакатлар аҳолиси ўртасида исломнинг «ёвузлик салтанати» ва таҳдид манбаи сифатида қабул қилинишига, «исло-

¹⁰ Қаранг: Ҳидоят ортига яширинган залолат / Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – Б. 112.

¹¹ Имом Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. Китаб ал-иймон. 38-ҳадис.

мофобия» («исломдан қўрқиши», «исломдан даҳшатга тушиниши»)нинг турли қўринишлари пайдо бўлишига ҳам замин яратмоқда. Бундай ёндашув ва талқинлар жамиятдаги ижтимоий бирликка таҳдид солиб, ич-ки парокандаликни келтириб чиқармоқда. Ислом уламоларининг кўрсатмаларини инкор қилишдан тап тортмайдиган, диний бирлик, ақидавий яқдилликка реал таҳдид туғдирувчи, ўзаро низоларга кўмилиб кетган гурухлар учун ғоявий замин яратмоқда.

Тинчлик уруш ва низоларга барҳам бериш орқалигина таъминланади. Афсуски, турли қарама-қаршилик ва зиддиятларни келтириб чиқариш йўли билан ўз мақсадларига эришишни кўзлайдиган кучлар бор экан, сунъий равишда низоли вазиятларни вужудга келтиришга қаратилган ҳаракатлар ҳам тўхтамайди. Зоро, ғоялар кураши авж олган XXI асрда ҳам тинчлик неъмати кўплаб мамлакатлар учун ҳамон орзу бўлиб қолмоқда. Бунга 2011–2013 йилларда баъзи араб мамлакатларида рўй берган ва ҳамон давом этаётган сиёсий инқирозлар оқибатида юзага келган қонли тўқнашувлар мисол бўла олади. Мазкур оммавий тартибсизликлар туфайли Тунисда 300 нафар, Мисрда 800 нафар, Ливияда 14 минг нафар, Сурияда 140 мингта яқин киши ҳалок бўлган. Яқин Шарқ давлатларида бўлиб ўтган хунрезликлар, гўёки «араб баҳори» номи билан бегуноҳ одамларнинг ёстигини қуригаётганлар ҳам асосан динни ниқоб қилиб олган кучлар экани, улар экстремистик оқим ва террористик гурухлардан фойдаланаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Тинчликка рахна солиш, жамият равнақи ва ҳалқ фаровонлигига зиён етказиш, фитна қўзғатиши, тоифаларга бўлинниб ўзаро низолашиш умуман ислом динига ёт ҳолат ҳисобланади. Буни қуйида келтирилаётган Куръон оятларида, ҳадисларда, уламоларининг фикрларида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, Куръон оятла-

рида бундай дейилади: «Аллоҳ фасод (бузғунчилик) ни ёқтирмайди» (Бақара, 205). «Уларга: «Ер юзида фасод (бузғунчилик) қилмангиз!» – дейилса, улар: «Албатта, биз чин ислоҳчилармиз», – дейдилар. Огоҳ бўлингки, айнан уларнинг ўзлари бузғунчилардир, лекин (буни ўзлари) сезмайдилар» (Бақара, 11–12). «Фитна қотилликдан ҳам ашаддийроқдир» (Бақара, 191). Имом Фаззолий айтадилар: «Диний мутаассиблар диндан фойдаланган ҳолда кишиларга ҳужум қиласидиган катта йўлдаги қароқчилардир»¹².

Ҳадисларда ҳам: «Сендан маслаҳат сўраган кишига тўғри (йўл) кўрсат, акс ҳолда, унға хиёнат қилган бўласан» ҳамда «Яхшиликка ундовчи одам, яхшилик қилган кабидир»¹³, деб таъкидланган. Демак, ислом динида жамият барқарорлигининг асоси бўлган тинчлик, осойишталиқ, эзгулик нақадар улуғланишига икрор бўлиш мумкин.

Юкоридаги каби ҳолатлар турли хил кўнгилсизлик ва хавф-хатарларнинг олдини олиш учун кишиларнинг ҳар қадамда огоҳ ва хушёр бўлиб яшашлари кераклигини кўрсатади. Бугун лоқайдлик сабаб кичик бир хатодек кўринаётган иш эртага катта кулфатларни бошлиб келиши муқаррар. Зоро, лоқайдлик ва бефарқлик турли нохушликларнинг келиб чиқишига замин яратади. Ушбу масалаларга тўхталиб, Президент Ислом Каримов «Тинчлик-осойишталиқ мустақил тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг асоси экан, бунинг учун курашиш, керак бўлса, бу йўлда фидойилик кўрсатиш лозим»¹⁴, деб таъкидлайдилар.

¹² Ҳидоят ортига яширинган залолат / Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – Б. 11.

¹³ Имом Муслим, Саҳиҳи Муслим. Китаб ал-имора. 3516-ҳадис.

¹⁴ Каримов И.А. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – Б. 31.

1.2. Ислом динида бағрикенглик гоялари

Ислом динининг тинчлик ва осойишталика бўлган эътибори юқори бўлиши билан бир қаторда, бағрикенглик унинг негизи ҳисобланади. «Бағрикенглик» тушунчаси илмий фаолият ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари, жумладан, сиёсат ва сиёсатшунослик, социология, фалсафа, илоҳиёт, ижтимоий ахлоқ, киёсий диншунослик каби фанлар доирасида кенг истифода этилади. Лотинча «tolerare», яъни «чиdamoқ», «сабр қилмоқ» маъносини англатган бу сўз, асосан бирор нарсани, ўзгача фикр ёки қарашни, ўз шахсий тушунчаларидан қатъи назар, имкон қадар бағрикенглик ва чидам билан қабул қилишни англатади. Хусусан, ушбу тушунча деярли барча тилларда бир хил ёки бир-бирини тўлдирувчи маъно касб этиб, «чиdamлилик», «бардошлилик», «тоқатлилик», «ўзгача қарашлар ва ҳаракатларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш», «муруватлилик», «химматлилик», «кечиримлилик», «мехрибонлик», «ҳамдардлик» каби маъноларга эга.

Тараққиётнинг асосий омилларидан бири бўлган бағрикенглик борасида 1995 йил 16 ноябрда БМТ тизимида Фан, таълим ва маданият соҳасида ихтисослашган ташкилот (ЮНЕСКО) Бош конференциясининг 28-сессиясида «Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси» қабул қилинди¹⁵. Декларацияда ирқи, жинси, келиб чиқиши, тили, динидан қатъи назар, бағрикенгликни тарғиб этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат билан қараш каби мажбуриятлар белтилаб қўйилган. 1995 йил «Халқаро бағрикенглик» или деб эълон қилинди. «Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси»даги «толерант» сўзи ўзбек тилига «бағрикенглик» деб таржима қилингандан бери у тилимизда ўрнашиб қолди. Рус ти-

¹⁵ Қаранг: http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/toleranc.shtml

лида «терпимость» сүзи бошқасында «снисходительность», яғни бағрикенглик, кенгфөълилк маңноларини англатади. Диний соҳа ҳақида гап кетганда руслар «веротерпимость» сүзини ишлатищади. Ўзбек тилида «диний бағрикенглик» ибораси айнан шунга адекват хисобланади.

Диний бағрикенглик тури дин вакиллари эътиқодидаги мавжуд ақидавий фарқлардан қатын назар уларнинг ёнма-ён, ўзаро тинч-тотув яшаши ҳамда ҳар бир диний таълимотга ҳурмат билан қарашни англатади. Ҳар ким ўз эътиқодига амал қилишда эркин бўлгани ҳолда, бу ҳуқуққа бошқалар ҳам эга эканини эътироф этмоқ лозим. «Бағрикенглик тамоийлари Декларацияси»да таъкидланганидек, «Бағрикенглик бўлмаса тинчлик бўлмайди, тинчликсиз эса тараққиёт ва демократия бўлмайди¹⁶.

Жаҳон динлари ичида энг ёши хисобланган ислом дини ҳам ўзининг илк давридаёқ бағрикенлик дини сифатида намоён бўлди. Мальумки, ислом ўзидан аввалги динларни (яхудийлик, насронийлик) эътироф этибгина қолмасдан, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини қонун билан мустаҳкамлаб қўйган. Шунингдек, уларнинг маданият ва анъаналарига эҳтиром билан қарашга ҳамда улар билан адолатли муносабатда бўлишга буюрган. Аллоҳтаоло Куръони каримда бундай дейди: «... **бирор қавм (кишилари)ни ёқтирмаслик сизларни уларга нисбатан адолатсизлик қилишга ундамасин!**» (*Монда*, 8). Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган ҳадисда Муҳаммад (алайҳиссалом) шундай дейдилар: «Кимки аҳли зиммага бирор заҳмат етказса, Қиёмат куни Мени ўзининг душмани сифатида кўради»¹⁷.

Дарҳақиқат, Ислом илк даврларданоқ ўзидан олдинги динларга ҳеч қандай тазийик ўтказмади, турфа

¹⁶ Бағрикенглик тамоийлари Декларацияси // ЮНЕСКО Ҳалқаро меъёрий ҳужжатлари. – Тошкент: Адолат, 2004. – Б. 92.

¹⁷ Имом Шавконий, Ал-Фаваид ал-мажмууъа, 495-ҳадис.

мазхаб ва мағкураларга қарши таассуб этмади. Ислом биринчи кунларданоқ барча самовий динлар бир манба, бир булоқдан сув ичишини таъкидлаб қелади. Унинг таълимотига биноан барча Пайғамбарлар биродардирлар, рисолатда улар ўртасида ҳеч қандай афзалик йўқ, эътиқодга, динга мажбурлаш мумкин эмас, илоҳий диёнатларнинг барча ибодатхоналари химоя ва мудофаа қилиниши керак, динлардаги ихтилофлар қотиллик ва адоватларга сабаб бўлмаслиги, яхшилик, силаи раҳмдан тўсмаслиги лозим. Бу борада Куръони каримда: «**Дин тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз юртингиздан (ҳайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишингиз ва уларга адолатли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолатли кишиларни севар**» (*Мумтаҳана*, 8). Шунингдек, Расулуллоҳ (алайҳиссалом) ўзларинининг ҳадисларида: «Сиз ўзингиз яхши кўрган (муҳаббат қилган) нарсани биродарингизга раво кўрмагунингизча комил мўмин бўла олмайсизлар»¹⁸, деб марҳамат қилганлар. Имом Нававий шу ҳадисни бундай шарҳлаган: «Ҳадисда келган «муҳаббат» сўзидан мурод инсонлар ўртасидаги муҳаббат эмас, аксинча, биродарига яхшилик ва манфаатларни тилашдир. Бу умум башариятга нисбатан, яъни у мусулмонга ҳам, коғирга ҳам бирдай яхшилини исташ лозим деганидир»¹⁹.

Шуниси эътиборга моликки, жаҳон динларининг ичида, фақат Исломда эътиқод эркинлиги очиқ-

¹⁸ Имом Бухорий. Саҳихи Бухорий. Имон боби. 13-ҳадис.

¹⁹ Қаранг: Ваҳба Зухайлий. Мавқиф ал-ислам мин иттибӯз ар-ри-салат ал-иляҳийя ал-ухро ва мин ал-анбиё ва ар-руслу ве ал-кутуб ал-иляҳий // 2003 йил Маккада ўтказилган Ислом олами лигасининг «Давлатлараро ҳамкорликда ислом ва замонавий маданият» номли конференциясида сўзлаган нутқидан.

<http://www.themwl.org/Subjects/default.aspx?d=1&l=AR&cid=16&cidi=114>

ойдин эълон қилинганды. Куръоннинг Бақара сураси 256-оятида «**Ла икроҳа фид-дин**», яъни «**Динда мажбурлаш йўқ**» дейилган. Баъзи радикал оқим вакиллари жиходнинг уруш маъносида келган оятлар нозил бўлгандан сўнг ушбу оят мансух бўлган, деб иддао қиласидар. Ваҳоланки, Куръон илмлари орасида носих ва мансух илми бўлиб, бу илм оятларнинг қай бири носих ва қай бири мансухлигини ўрганишга оид илмдир. Бу борада суриялик машҳур уламо Рамазон Бутий бундай дейди: «Куръон илмларидан бўлмиш носих ва мансух масалалари фақатгина ҳукмий оятларга тааллуклидир. «**Ла икроҳа фид-дин**» ояти эса «жумла хабарийя», яъни дарак гап бўлиб, у ҳеч қачон мансух бўлмаган. Шунинг учун бошқа дин вакилларини мажбуран ислом динига киритиш Куръон оятларига зиддир. Қолаверса, ислом динига мажбурлаб эътиқод қилдирилган инсоннинг имони Аллоҳнинг наздида заррача ҳам қадрли бўлмайди»²⁰.

Бу борада Пайғамбаримиз Мұҳаммад (алайхиссалом) ислом умматигагина эмас, бутун инсониятга намуна бўлдилар. У зот Мадинага ҳижрат қилганларида давлат ишларида барча амаллари ўша ерлик яхудийлар билан уларнинг ақидаларини ҳурмат қилишга асосланган аҳднома тузиш бўлди. Расууллоҳ (алайхиссалом) аҳли китобдан бўлган қўшнилари билан яхши муносабатда бўлар, ҳадя бериб, улардан ҳам турли ҳадялар қабул қиласидилар. Мадинага Ҳабашистон насронийларининг вакиллари келганда уларни масжидга тушириб, зиёфат бердилар ва хизматларини қиласидилар. Ҳатто, Нажрон насронийларига масжиднинг бир томонида ибодат қилишга ижозат бердилар²¹.

²⁰http://nasseemasham.com/ar/Pages/showVideo.php?file=../Component/video/Boti/Jihad_fly/Jihad_03.flv

²¹ Аҳмад Шалабий. Ал-Ислом. – Қоҳира: Дор ан-наҳда ал-мисрийя, 1997. – Б. 165.

Асли насроний роҳиби бўлган инглиз тарихчиси Карен Армстронг «Муқаддас уруш» китобида бундай ёзади: «Муҳаммад фақатгина Макка мушриклири билан эмас, бир пайтнинг ўзида маҳаллий яҳудий қабилалари билан тил бириктириб ҳужумни режалаштирган Шом насронийлари билан ҳам урушишга мажбур бўлган эди. Аммо бу унинг қалбида душманларга нафрят тугдирмади, уни аҳли китобни лаънатлашга олиб келмади. Мусулмонлар ҳаётларини ҳимоя қилишга мажбур бўлишди. Лекин душманларининг динига қарши муқаддас урушга кирганлари йўқ. Борди-ю, уришишга мажбур бўлиб қолишса, инсонпарварликни унтишмасди. Улар диний ходимларни, роҳибларни безовта қилишмасди, урушда қатнашмаётган ожиз кишилар, аёллар, ёш болалар, кексаларга тегишимас, уларга заарар етказишмас эди. Улар тинч аҳолини ўлдиришмаган, бино ва уй-жойлардан ҳеч бирини вайрон қилишмаган»²².

Кўпинча Қуръони карим ва ҳадиси шарифлардаги баъзи ўринларни, айниқса, муқаддас уруш – жиҳод тўғрисидаги кўрсатмаларни нотўғри, жангарилик руҳида талқин қилинади. Ваҳоланки, соғ исломий нуқтаи назардан қаралса, бундай урушлардан асосан мудофаа мақсадлари кўзланган. Пайғамбар Муҳаммад (алайҳиссалом) вафотларидан кейин у зотнинг ишларини давом эттирган Хулафои рошидин (тўғри йўлдаги халифалар)лар ҳам озод килинган ўлкалардаги маҳаллий аҳолига, мусулмон бўлиш ё бўлмаслигидан қатъи назар, мурувват ҳамда бағрикенгликнинг олий намунасини кўрсатишган.

Халифа Абу Бакрнинг (розияллоҳу анху) Шом фатҳига жўнаётган қўшинга берган қуйидаги кўрсатмаси, бу борада тўлиқроқ тасаввур қилиш имконини беради: «Болаларни, аёлларни, кексаларни ўл-

Armstrong. Holy war. – London, 1987. – P. 38.

дирманг. Хурмо дараҳтларига ўт қўйманг ва буталарни кесманг. Туяларни, бошқа ҳайвонлар подасини ўлдирманг... Сиз ўзга ишлар, охиратига хизмат қилиш билан машғул одамларни учратасиз. Шунда уларни ўз холига қўйинг...»²³.

Иккинчи халифа Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анху) ўзга динларга меҳр-мурувати ва адолатпарварлиги билан ислом дунёсидан ташқарида ҳам маълум ва машхур эди. Ҳазрат Умар (розияллоҳу анху)нинг Куддус насронийлари билан имзолаган хавфсизлик шартномасига мувофиқ, шаҳардаги черковлар бузиб ташланмаслиги, мусулмонлар насронийларнинг ибодатхоналарини эгаллаб олмаслиги ва уларда ибодат қиласлиги кафолатланган эди. Бу зот Куддусга фотиҳ сифатида киргандарида «Куддус ал-кубрө» черковида туришганида аср намозининг вақти кириб қолади. Кейинчалик мусулмонлар буни далил қилиб черковни масжид қилиб олишмасин, дея бу ерда намоз ўқишдан бош тортгандилар. Шаҳар фатҳ этилганидан кейин кўп ўтмай, Несториан патриархи Иешуяб II дўстига ёзган мактубида шундай сўзларни битган эди: «Худо Ўзининг иродасини адо этган... бу араблар бизга ҳеч қандай зарар етказишмади. Ҳақиқатан, улар динимизга, руҳонийларимизга, черков ва узлатгоҳларимизга ҳурмат билан қарашди»²⁴.

Шу ўринда ислом тарихида машхур бўлган бир воқеани келтириб ўтиш жоиз. Дамашқ, Хумс ва Суриянинг бошқа шаҳарлари мусулмонлар томонидан фатҳ этилгач, ерли аҳолидан уларни ҳимоя ва мудофаа этиш эвазига солиқ (жизя) олинади. Рум императори Ҳирақл улар билан ҳал қилувчи жангда тўқнашиш учун катта қўшин тўплаётганини эшитган қўмондонлар

²³ Қаранг: Ҳорун Яҳё. Ислом террорни лаънатлади. – Тошкент: Мовароуннахр, 2003. – Б. 33.

²⁴ Ўша китоб. – Б. 34.

фатҳ этилган шаҳарларни ташлаб чиқиб, Румга қарши урушиш учун кучларни бир жойга тўплаш керак, деган қарорга келишади. Холид ибн Валид Ҳұмс аҳлини, Абу Убайда Ҷамашқ аҳлини, бошқа қўмондонлар қолган шаҳарларнинг аҳолисини йиғиб: «Биз сизларни ҳимоя ва мудофаа қиласиз, деб молларингизни олган эдик. Ҳозирда эса сизларни ҳимоя қилишга қодир эмасмиз. Мана сизлар берган моллар, қайтариб олинглар», дейишади. Шаҳарлар аҳолиси: «Аллоҳ сизларга зафар ато этсин. Аллоҳга қасамки, сизларнинг ҳукм ва адолатингиз Румнинг жабр-зулмидан яхшидир. Аллоҳга қасамки, улар сизнинг ўрнингизда бўлишганида олган нарсаларини асло қайтариб беришмаган бўларди», деб жавоб беришади²⁵.

Афсуски, бутунги кунда экстремистик ташкилотлар томонидан бир қатор ғайриинсоний ғоялар тарғиб қилинмоқда. Жумладан, уларга кўра, милодий йил ҳисобини ишлатиш, бошқа дин вакилларининг байрам, маданий тадбирларида иштирок этиш ва табриклиш, кийган кийимларини (жумладан, костюм, пальто, галстук, шим ва кўйлаклар) кийиш ҳам имонсизлик ҳисобланади. Мутаассиблар ҳатто улар билан ишлаш, ёрдам сўраш, ноисломий давлатларга яшаш учун кўчиб бориш ёки у ердан кўчиб кетмаслик, исломий бўлмаган мамлакатларга саёҳат учун боришни ҳам имонсизлик, деб баҳоламоқдалар.

Шунингдек, ислом байроғи остида фаолият кўрсатаётган диний-экстремистик харакатларнинг раҳнамолари мусулмон бўлмаганларни ўлдириш мумкинлиги ҳақида «фатво»лар чиқармоқда. Жамиятдаги бағрикенглик ва ҳамкорлик муҳитини хавф остида қолдирадиган, диний-конфессионал асосдаги низоларга замин яратадиган бундай даъватлар исломнинг

²⁵ Аҳмад Шалабий. Ал-Ислом. – Қоҳира: Дор ан-наҳда ал-мисрийя, 1997. – Б. 168.

асл мәғиятига бутунлай зиддир. Пайғамбаримиз (алайхиссалом) ўз даврларида зиммий (мусулмонлар билан ақдлашиб, ҳимояга үтган ғайридин)ни үлдирған бир мусулмонни қасосчиси келиб қатл қылганида: «Ақдга вафо қилишга мен энг муносибман»²⁶, деган фикрлари ҳам ушбу хуносанинг ўринли эканини тасдиқлайды.

Бугунғи кунда ислом шиорларини ўзига байроқ қилиб олган диний-экстремистик оқимлар ўзга дин вакилларини гаровга олиш, турли қийноқларга солиш ва ҳаттоки, шафқатсиз услубларда қатл этишдек мудхиш ишларга күл урмоқдалар. Сүнгги йилларда мазкур ҳаракатлар янада авж олаётганини күришимиз мүмкін. 2008 йил 26 ноябрдан 29 ноябргача «Деккан Мұжоқидин» экстремистик ташкилоти томонидан Мумбай (Хиндистон)даги «Тож Маҳал» мәхмөнхонаси, «Леополд» кафеси, шаҳар шифохонаси ва «Яхудийлар марказы»ға уюштирилған террорчилик хуружлари оқибатида 195 киши ҳалок бүлған, мингта яқын киши оғир тан жароҳати олған. 2013 йил 21 сентябрда Кения пойтахти Найробида жойлашған «Вестгейт» савдо марказыға Сомалидаги «аш-Шабаб» ташкилоти жангарилари қуролли босқинни амалта ошириб, нафақат бошқа дин вакиллари, балқи ислом таълимотларини түлік билмаган мусулмонларни ҳам қийноққа солишиди. Натижада, 70 га яқын инсон ҳаётдан күз юмиб, 200 дан ошиқ инсонлар тан жароҳати олишди. Юқоридаги ҳолатлар бундай ҳаракатларнинг күлами кенгайиб болаётганини күрсатади.

Маълумки, Қуръони карим Рұм сураси 22-оятта күра, одамларнинг тили ва рангидаги фарқлар Худонинг мұъжизалариңдан. Миллий ва диний ранг-барапник ҳамда әзтиқод әркинлигини қарор топтириш масалаларыда Қуръони карим бутун-

²⁶ Имом Шофиъий. Мұснад. 983-хадис.

лай бағрикенглик рухи билан сугорилган²⁷. Демак, дунёдаги турли-туманлық Яратганнынг иродаси ва ҳикмати билан боғлиқ. Аллоҳ дастлаб одамзодни бир уммат қилиб яратганди, сўнгра уларни турли қабила, халқ ва динларга ажратишни ирода қилди. Бундай ранг-барангликдан мақсад – умумий фаровонлик йўлида инсонлар бир-бирлари билан мусобақа қилмоқлари даркор. Бошқа жамоалар билан ҳамжи-ҳатликни чуқурлаштириш учун мусулмонлар улар билан, айниқса, китоб ахли – яҳудийлар ва насронийлар билан мулоқот қилмоқлари лозим. Куръон бу дунёни барча халқ ва дин вакиллари тинч-тотув яшайдиган замин деб эълон қилди. Динларнинг турли-туманлиги «Агар Раббингиз хоҳласа эди, Ер (юзи)даги барча кишилар ёппасига имон келтирган бўлур эдилар. Бас, Сиз одамларни мўмин бўлишларига мажбур қиласизми?!» деган «Юнус» сурасидаги 99-оятига кўра, Яратган томонидан ўрнатилган экан, уни бекор қилиш ёки ҳаммани бир дин байроби остида зўрлаб бирлаштириш мумкин эмас. Умуман олганда, Куръони каримнинг эллиқдан ортиқ сурасидаги юзлаб оятларда мусулмонлар мўмин-қобиллик, тинчликпарварлик ва бошқа эътиқод вакилларига нисбатан бағрикенгликка даъват этилганлар. Демак, ислом дини ҳамиша инсон қадр-қимматига катта эътибор берган ва бошқа дин вакилларининг ҳаёти, шаъни, ор-номуси ҳамда ҳақ-ҳукуқларини юксак қадрлаган. Шайх Юсуф Қарзовийнинг «Ислом инсон қалбига чуқур ҳурмат билан муносабатда бўлувчи ва бегуноҳ одамларга ҳужум қилишни кечирилмас гуноҳ, деб ҳисобловчи сабр-тоқат динидир»²⁸, деган фикрлари ҳам сўзимиз исботидир.

²⁷ Қаранг: Тавфиқ Ибрагим. Вперед к кораническому Исламу. Восток (ORIENT) Ислам минбаре, 2006, №4.

²⁸ Қаранг: <http://qaradawi.net/articles/86-2009-12-12-10-35-10/6297-2012-10-31-10-50-30.html>

Юқоридагилардан холоса қилиб айтишимиз мүмкінки, ислом дини азалдан бағрикенг дин сифатида намоён бўлган ва бўлиб келмоқда. Бу Қуръони карим ва Мұхаммад (алайхиссалом) ҳадисларига асосланган. Расулуллоҳ (алайхиссалом) ҳаётлик ҷоғларида ҳам, у кишидан кейинги халифалар ҳам бошқа дин вакилларига нисбатан бағрикенглик билан муносабатда бўлишган.

Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистон мамлакати ҳам минг йиллар давомида динлар-аро бағрикенглик ўлкаси сифатида эътироф этилади. Ҳақиқатан ҳам, ўзбек халқи ўзининг бутун тарихи давомида ҳамма вақт бошқа халқ, миллат ва дин вакилларига нисбатан ўзининг ҳурматини намоён этган. Бу борада Президент Ислом Каримов таъкидлаганлариdek, «Минг йиллар мобайнида Марказий Осиё ғоят хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва тинч-тотув яшаган марказ бўлиб келди. Этник сабр-тоқат, бағрикенглик ҳаёт бўронларидан омон қолиш ва ривожланиш учун зарур табиий меъёрларга айланди. Диний бағрикенглик ҳамиша диний заминдаги адватга қарши ўзига хос қалқон вазифасини ўтаган. У турли эътиқодларнинг бир замон ва маконда биргаликда мавжуд бўлишига, уларнинг ташувчилари ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг шаклланишига йўл очган»²⁹. Бу ўз навбатида юрт тинчлиги, тараққиёти ва умуминсоний маданият ривожига хизмат қилган.

Демак, диний бағрикенглик – хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир ватанда, олийжаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва

²⁹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳафғизликка таҳди, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Ташкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 141-142.

ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади, нафақат дингдорлар, балки бутун жамият аъзоларининг ҳамкорлиги ва ўзаро ҳамжиҳатлигини назарда тутади. Бутун дунё миқёсида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ва мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади.

1.3. Ислом – билим ва маърифат дини

Ислом дини инсон манфаатлари ва жамият тараққиётiga хизмат қилувчи ҳар қандай кашфиёт ва янгиликларни юксак қадрлаган, қўллаб-қувватлаган. Ислом таълимотида илмнинг юксак қадрланишини ҳадислар ҳам тасдиқлайди. Буюк бобокалонимиз Имом Бухорий таъкидлаганлариdek: «Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай». Албатта, ислом илм-маърифатга асосланган динdir.

Исломнинг асосий манбалари ҳисобланган Куръони карим ҳамда ҳадиси шарифда илм ўрганишга ва уни ўргатишга тарғиб қилиниб, аксинча, илмсизлик ёки уни ўрганишга лоқайдлик қаттиқ қораланади. Жумладан, Куръони каримнинг илк нозил бўлган оятининг ўзидаёқ Аллоҳ таоло «Ўқи!» деб амр қилди. «Илм» сўзи турли маъноларда Куръонда 811 ўринда тақрорланиши унинг ўрни қанчалик юқори эканини кўрсатади.

Расулуллоҳ (алайхиссалом) ўзларининг кўплаб ҳадисларида илм эгаллашга, олимларни яхши кўришга чақирганлар. Жумладан, Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда: «Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарзdir»⁵⁰ деб таъкидлаганлар. Куръони каримда: **«Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни** (баланд) даража (мартаба)-

⁵⁰ Сунани Ибн Можа. Фазлу-л-улама. 22-ҳадис.

ларга күтарур» (*Мужодала, 11*), дейилган. Ибн Ҳажар Асқалоний ушбу оятни қўйидагича тафсир қиласди: «Албатта даражаларни кўтариш улут фазлу марҳаматтга далолат қиласди ва дунёда олий мартаба, шон-шуҳрат каби маънавий юксакликни ҳамда жаннатдаги олий мартаба каби хиссий юксакликни ўз ичига олади»³¹.

«Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири»да эса ушбу оят қўйидагича тафсир қилинади: «Илм ва олимларнинг фазилатлари, икки дунёда эришадиган даража ва мартабаларига доир оят ва ҳадислар жуда кўп учрайди. Расулulloҳ (алайхиссалом)дан олим кишининг бир кунлик ибодати илмсиз обиднинг қирқ йиллик ибодатига тенг экани, қиёматда шафоат қилиши, агар у таълим ҳам берса, Ер ва осмонлардаги барча жонзот Аллоҳдан унга мағфират сўраши ва бошқа кўп башоратлар саҳиҳ ҳадислар орқали ривоят қилинган. Сулеймон (алайхиссалом)га Аллоҳ таоло илм, бойлик ва подшоҳлиқдан бирини танлашни буюрганида, у илмни танлайди. Илмнинг шарофатидан унга бойлик ва подшоҳликни ҳам қўшиб берилади»³².

Бошқа бир оятда эса: «Аллоҳ адолатда (барқарор) туриб, шундай гувоҳлик берди: «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир», фаришталар ва илм эгалари ҳам. (Албатта) Ундан ўзга илоҳ йўқ. У Азиз (кудратли) ва Ҳаким (хикматли)дир» (*Оли Имрон, 18*). Ушбу оядда Аллоҳ таоло ўзининг ягоналигига фаришталар билан бир қаторда илмли кишиларни ҳам гувоҳ қилгани олимларнинг даражаси Аллоҳ таолонинг даргоҳида ҳам улут эканига далолат қиласди.

³¹ Ибн Ҳажар Асқалоний. Фатхул борий бишарҳи саҳиҳ ал-Бухорий. – Қоҳира: Дор ал-ҳадис, Ж. 1. 2004. – Б. 141.

³² Қаранг: Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири (Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур). – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт матбаа бирлашмаси, 2012. – Б. 543.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда бундай де-йилади: «Абу Дардо (розияллоҳу анху): «Расулуллоҳ (алайхиссалом) бундай деганларини эшитдим: «Ким илм истаб бир йўлдан юрса, Аллоҳ уни жанинат йўлла-ридан бирига йўллаб кўяди. Фаришталар илм толи-би учун қанотларини пасайтирадилар. Албатта, олим ҳақига осмонлару ердагилар, ҳаттоки, сув остидаги балиқлар ҳам истиғфор айтадилар. Олимнинг обиддан афзаллиги бадр кечасидаги тўлин ойнинг бошқа юл-дузлардан афзаллиги кабидир. Олимлар Пайғамбар-ларнинг меросхўрлариридир. Пайғамбарлар динор ва дирҳамни мерос қолдирмадилар. Балки илмни мерос қолдирдилар. Ким уни олса, (меросдан) тўлик насиба-сини олибди»³³.

Куръон ва ҳадислар исломнинг асосий манбалари бўлиши билан бирга, мусулмонлар ҳаётини ташкил этиш учун муҳим қўлланма ҳам ҳисобланади. Шундай экан, Куръон ва суннатга асосланган ҳолда, мусулмонларнинг манфаатларидан келиб чиқиб, инсон камолоти ва жамият фаровонлиги, ижтимоий барқарорлик ва тараққиётни кўзлаб фатво чиқариш алоҳида билим ва малакани талаб этади. Мўътабар манбаларга кўра, араб тили, Куръон ва ҳадис илмла-ри, фикҳ ва ислом тарихини жуда чуқур ва мукаммал биладиган мужтаҳидларгина шундай хукм чиқариш ҳуқуқига эгадир³⁴. Бироқ тарих ва замонавий вокелик диндан ёвуз мақсадда ҳам фойдаланиш мумкинли-гини кўрсатади. Бундай ҳаракатлар муқаддас ислом дини қоидларидан фойдаланган ҳолда амалга оши-рилганини ва оширилаётганини ҳам афсус билан қайд этиш лозим.

Сўнгги йилларда экстремистик ва террорчи гурух-лар ӯз ҳаракатларини «шаръий» деб исботлаш учун

³³ Жомиъут Термизий. Илм китоби. 2625-ҳадис.

³⁴ Қаранг: Алимов У. Суннат ва ҳадис. – Тошкент: Sharq, 2012. – Б. 67.

Ўзларини «мужтаҳид» деб эълон қилиб, турли манфатларни кўзлаган холда «фатволар»ни чиқариб келмоқдалар. Бу эса, бир томондан, инсонларни адашиб, нотўғри йўлларга кириб кетишларига сабаб бўлса, иккинчи томондан, жамиятда ўзаро тушунмовчилик, адоват кайфиятининг пайдо бўлишига замин яратмоқда. Шу ўринда, мужтаҳид ким, мужтаҳид даражалари, фатво нима, унинг тарихи, уни кимлар беришга ҳақли экани тўғрисида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

«Мужтаҳид» сўзи луғатда – «тиришқоқ» деган маънони билдиради. Шаръий истилоҳда эса, мужтаҳид деб Куръон, суннат ва бошқа шариат манбалари асосида ҳукм чиқара оладиган кишига айтилади. Уламолар киши мужтаҳид даражасига эришиши учун Куръони карим, ундаги ҳукмий оятларнинг маъноси ва уларнинг шаръий ҳукмини, ҳукмий ҳадислар ҳамда уларнинг маъноси ва ҳукмини яхши билиш, шунингдек, Куръон илмларини чуқур ўргангандан бўлиши, фикҳий масалаларни ёддан билиши, араб тили грамматик қоидалари билан бир қаторда балоғат ва фасоҳат каби унга доир бўлган илмларни ҳам ўзлаштирган бўлиши лозим, деб таъкидлашади.

Бугунги кунда мужтаҳид даражалари хусусида бир қанча фикрлар мавжуд бўлиб, улар бир-биридан жузъий ҳолатдагина фарқ қиласди. Ҳанафий мазҳаби манбаларига кўра, мужтаҳидлик даражалари қуидаги қисмларга бўлинади:

«Мужтаҳид фи-ш-шариъа» ёки «мутлақ мужтаҳид» – Куръон ва сунна асосида усулу-л-фикаҳни ишлаб чиқади ҳамда шариат саволларига жавоб беради. Бу тоифа уламоларга тўрт мазҳаб асосчилари киради;

«Мужтаҳид фи-л-мазҳаб» (мазҳаб ичидаги мужтаҳид) – ижтиҳод даражасига эришган, бироқ у ўзи усул ва қоидаларни ишлаб чиқмайди, балки, бирор

мазҳаб асосчисининг йўлидан боради. Бунга Имоми Аъзамнинг (раҳимаҳуллоҳ) шогирдлари Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад Шайбонийларни келтириш мумкин;

«Мужтаҳид муқайяд» ёки «мужтаҳид фи-л-масаил» (муайян масалалар мужтаҳиди) – мазҳаббоши томонидан жавоб берилмаган янги масалалар юзасидан мужтаҳид мутлак ишлаб чиқсан усуллар асосида ижтиҳод қиласди. Бу тоифага Имом Таҳовий, Имом Сарабхий ва Имом Кархий каби уламолар киради;

«Мухарриж» – ўзлари мустақил равишда ижтиҳод қила олмайди, лекин, мужтаҳидлар томонидан билдирилган, кўринишидан икки хил тушуниш мумкин бўлган ижтиҳодга аниқлик киритади. Бунга мисол тариқасида Имом Розий ва Имом Журжонийларни келтириш мумкин;

«Муражжих» – бу тоифа уламолар ҳам ижтиҳод қилишга қодир бўлмаса-да, бир масалада мужтаҳиднинг икки хил фикри бўлса, далилларга таянган ҳолда улардан бирини танлайди. Бунга Имом Қудурий ва Имом Марғинонийларни киритиш мумкин;

«Фатво мужтаҳиди» – бу тоифа мужтаҳидлар ўз мазҳаблари ичидағи масалаларни яхши ўзлаштирган ҳамда ўз фаолияти давомида улардан кенг фойдаланағиган уламолардир. Бунга Имом Ҳаскафий ва Ибн Обидин каби фақиҳлар мансубдирлар³⁵.

Мужтаҳид томонидан бирор масала юзасидан чиқарилган ҳукм «фатво» деб аталади. «Фатво» арабча сўз бўлиб, «саволга жавоб бериш», «шариат масалалари юзасидан фатво чиқармоқ», «маслаҳат бермоқ», «муфтийнинг холосаси» маъносини англатади³⁶. Ис-

³⁵ Ваҳба Зуҳайлӣ. Ал-Фиқху-л-исломий ва адиллатуху. – Дамашқ: Дор ал-Фикр, 1985. – Б. 47-48.

³⁶ Ибн Манзур. Лисону-л-араб. – Байрут: Дор ас-Содир, 2003. – Ж. 15. – Б. 145-147.

тилохда эса, сұраган кишига шаръий далил асосида хукм чиқаришга нисбатан қўлланилади³⁷.

Лугавий жихатдан фатво берувчи инсон «муфтий» деб аталади. Бу борада олимлар бир қанча фикрларни билдиришган. Жумладан, Имом Қарафий шундай дейдилар: «Муфтийлар Аллоҳ таолонинг таржи-монлариidir. Чунки, улар нассга таянган ҳолда ҳукм чиқарадилар»³⁸. Имом Шотибий эса: «Муфтийлар уммат учун Расулуллоҳ (алайхиссалом) мақомларида бўладилар. Бунга далил қилиб юқорида айтилган: «Олимлар пайғамбарларнинг меросхўрлариidir. Пайғамбарлар динор ёки дирҳам эмас, балки, илмни мерос қилиб қолдиригандар», деган ҳадисни келтирадилар», деб шарҳлаганлар³⁹.

Дастлаб фатво бериш мақомида Расулуллоҳ (алайхиссалом) турганлар. У киши Аллоҳ таоло томонидан вахий қилинган ҳолда фатво чиқарғандар. Расулуллоҳ (алайхиссалом) билан саҳобалар ўртасидаги сұхбатлар одатда савол-жавоб тарзида бўлар эди. Расулуллоҳ билганларига жавоб берар, билмаганларига Аллоҳ таолодан шу саволга жавобни билдиришни сўрар эдилар.

Расулуллоҳ (алайхиссалом)дан сўнг саҳобалар, улардан кейин тобеинлар фатво берганлар. Шундай бўлсада, фатво беришнинг масъулияти оғир эканини ҳис қилиб, саҳобалардан Умар ибн Хаттоб, Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Оиша онамиз, Зайд ибн Собит, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анхум)лар каби саноқли кишиларгина фатво чиқарғандар. Ибн Абу Лайло айтадилар: «Расулуллоҳ (алайхиссалом)нинг 120 та ансорларини учратдим. Уларнинг

³⁷ Жалолиддин Суютий. Адабу-л-фатйа / Мұхий Ҳилол таҳқики. – Қохира: Дор ал-офоқ ал-арабийя, 2007. – Б. 35.

³⁸ Имом Қарафий. Ал-Фурӯқ / Ҳалил Мансур таҳқики. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1997. – Ж. 1. – Б. 358.

³⁹ Имом Шотибий. Ал-Мувафақот / Мұхаммад Абдуллоҳ Диroz таҳқики. – Байрут: Дор ал-матрифа, 2007. – Ж. 4. – Б. 178-179.

бирларидан савол сўраганимда кейингисига ўтказар, ундан сўрасам у бошқасини кўрсатар эди. Охири айланниб яна биринчи савол берган кишига келдим»⁴⁰. Ушбу ҳолатда ҳам кўришимиз мумкинки, саҳобалар фатво беришда ниҳоятда эҳтиёткор бўлганлар.

Саҳобалардан сўнг, тобеинлар ёки улардан кейинги даврда яшаган уламолар ҳам фатво беришдан ўзларини сақлардилар. Жумладан, тобеинлардан бўлган Шаъбийдан бир савол сўралганда у киши: «Билмайман», деб жавоб қиласдилар. Шунда одамлар: «Сен Ироқ фақиҳи бўлсанг, «бilmayman» дейишга уялмайсанми?» деганда Шаъбий: «Фаришталар: **«Зоти покинг ҳаққи, бизда Ўзинг билдирганингдан ўзга илм йўқдир»** (Бақара, 32), дейишга уялмаган, мен нега уялай», деб жавоб берган эканлар⁴¹.

Фатво бериш масаласида мазҳаббошиларидан бири бўлмиш Имом Молик: «Инсон бирор саволга жавоб беришдан олдин ўзини дўзах ёки жаннатда тасаввур қилисин-да, кейин жавоб берсин», деган эканлар. Бир куни у кишидан савол сўрашганда: «Билмайман», деб жавоб берадилар. Савол берган киши: «Бу осон савол бўлса, шуни ҳам билмайман дейишликка уялмайсанми?» деганда, Имом Молик ғазабланиб: «Осон масала?! Билиб қўй, динда осон масаланинг ўзи йўқ! Аллоҳ таолонинг: **«Зоро, Биз Сизга оғир Сўзни (Қуръонни) туширажакмиз»** (Муззамил, 5), оятини эшитмаганмисан?! Илмнинг барчаси қийин, жумладан сен сўраган нарса ҳам», деб жавоб берганлар⁴².

Суннийлик мазҳабларида мазкур масалада ижтиход эшиклари XIII асрда ёпилгани ҳамда бутунги

⁴⁰ Носир Абдуллоҳ Маймон. Ал-Фатва: хатаруҳа, аҳаммиятуҳа ва мушкилатуҳа фи-л-аср ал-ҳазир. – Макка, 2008. – Б. 16.

⁴¹ Абу Абдуллоҳ Хароний. Сифат-ул-фатва ва-л-муфти ва-л-мустафтий. – Байрут: ал-Мактаб ал-исломий, 1976. – Б. 9.

⁴² Носир Абдуллоҳ, Маймон. Ал-Фатва: хатаруҳа, аҳаммиятуҳа ва мушкилатуҳа фи-л-аср ал-ҳазир. – Макка, 2008. – Б. 17.

кунда мужтаҳидлик мартабасига эришиш тӯғрисида икки хил фикр мавжуд. Шундай бўлса-да, хар қандай холатда ҳам бирор-бир ҳукм чиқариш зарур бўлса, аввало мазҳаблар таълимотига таянилади, агар уларнинг бирортасида масаланинг ечими топилмаса, мусулмонларга осонлик ва қулай шароит яратиш нуқтаси назаридан фатво беришга салоҳиятли ҳамда ваколатли инсон томонидан фатволар чиқарилиши мумкин. Ижтиҳод қилиш мумкин эмас, ижтиҳод эшиклари ёпилган, деб иддао қилувчиларга қарши равишда мазҳаб уламолари ўз қарашларини билдиришган. Жумладан, машҳур уламо Рамазон Бутий: «Ижтиҳод эшиклари очик, уни ёпишга ҳеч кимнинг ҳақ-хуқуки йўқ. Лекин унинг тартиб-қоидлари бўлиб, бирор ким улардан ўз билганича, манфаати йўлида фойдаланишга ҳақли эмас», дейдилар.

Юртимиизда бу борада Ўзбекистон мусулмонлари идораси фаолиятини келтириб ўтиш мумкин. Диний соҳада пайдо бўлган муаммо юзасидан, айнан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан чиқарилган фатволарга асосланилади.

Демак, фатво мусулмонлар ҳаётида мухим аҳамият қасб этади. Бугунги кунда фатво беришга ҳамма ҳам ҳақли эмас. Акс ҳолда, бу каби холатлар қанчадан қанча бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилишига ҳамда асл таълимоти тинчлик бўлган ислом жоҳиллик, ёвузлик, босқинчилик ва котиллик дини сифатида намоён бўлишига сабаб бўлади. Узоққа бормайлик. Масалан, 2005 йил 12–13 май кунлари Андижонда содир этилган террорчилик хуружлари олдидан, «Акромийлар» жамоаси масъуллари томонидан маҳсус варага тайёрланиб, барча жамоа аъзолари орасида тарқатилган. Унда ташкилот асосчиси Акром Йўлдошев томонидан Куръони каримнинг «Саф» сурасидаги оятлар жамоа манфаатларига мослаб шарҳланниб, гаразли мақ-

садларда талқин қилинган. Асосий эътибор мавжуд ҳокимиятга қарши қуролли курашга даъват қилиниб, бунинг оқибатида Акром Йўлдошев томонидан « ... кураша беринглар, сизларга Аллоҳ ёр бўлсин» деб очик жиҳодга «фатво» берилган⁴³.

Ваҳоланки, ислом қоидаларига биноан фатво бериш хуқуқи юқорида қайд этилганидек, фақатгина ақида, фикҳ илмида мукаммал даражага етган, Куръонни тафсирлари ва турли илмлари билан тўлиқ ёд билувчи, қолаверса, «муфтий (фатво берувчи)» мартабасига эга бўлган муайян шахсларгагина берилиши маълум. Шунингдек, Имом Аҳмад ибн Ханбал (рахимаҳуллоҳ)дан қанча ҳадисни ёдлаган одам фатво бериши мумкинлиги ҳақида сўралганда, улар муфтий камида 400 минг ҳадисни билиши кераклигини айтганлар. Расулуллоҳ (алайҳиссалом)нинг «Кимда-ким илмсиз фатво берса, унга Аллоҳ таоло, фаришталар, осмону ердаги барча мавжудотларнинг лаънати бўлсин»,⁴⁴ деган ҳадислари ҳам экстремистларнинг бундай даъволари ислом асосларига зидлигини кўрсатади.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда жаҳонда баъзи ҳаракатлар томонидан ислом дини ҳақида турли нотўғри фикрлар тарқатилаётгани, террорчилик каби иллатларни айни пайтда бевосита исломга боғлаб, муборак динимиз ва мусулмонларга нисбатан нафрят ўтини ёқишига уринаётгани ёки ўзларининг манфур ишларини амалга оширишда «буюртма» бўйича чиқарилган маҳсус «фатволар»дан фаол фойдаланаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ваҳоланки, муқаддас динимиз ҳар қандай ёвузликни инкор этиши юқорида Куръони карим оятлари, ҳадислар, машҳур уламоларнинг фикрлари орқали баён этилди.

⁴³ Қаранг. Каримов А.А. Дин ниқобидаги юргузарлар ёхуд «акромий»лар фитнаси. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. – Б. 33.

⁴⁴ Ибн Асокир. Тарихи Димашқ. 5521-ҳадис.

Юқоридагилардан хуоса қилиб, исломда илм, маърифатли бўлишга, Яратган томонидан инсонларга берилган неъматлар ҳақида билим орқали тадаббур қилишга тарғиб қилинган. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло тафаккур қилмайдиган, ўзининг ким эканини англаб етмайдиган, бугуннинг ҳузур-халовати билан яшаб, эртаси ҳақида қайғурмайдиган, онгсиз кимсаларни Куръони каримда «...Уларда қалблар бор, (лекин) улар билан «англамайдилар». Уларда кўзлар бор, (лекин) улар билан «кўрмайдилар». Уларда қулоқлар бор, (лекин) улар билан «эшитмайдилар». Ана ўшалар ҳайвонлар кабидирлар. Балки улар (янада) адашганроқдирилар. Айнан ўшалар ғофиллардир» (Аъроф, 179), деб таърифлайди. Шунингдек, Ҳасан Басрий (раҳимаҳуллоҳ) ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: «Инсонлар илм ўрганиб амални тарқ қилгандарида, тиллари ила севишиб, қалблари ила адоватда бўлсалар ва силаи раҳмни узсалар, Аллоҳ уларни лаънатлаб, қулоқларини кар ва кўзларини кўр қилиб қўяди»⁴⁵. Дарҳақиқат, ислом оламининг эътиборли уламолари томонидан мўътабар манбалар асосида берилаётган фатволар ёки раддияларни тан олмаётган турли фирмә ва оқим тарафдорларини ҳам юқоридаги оят ва ҳадисларда келтирилган кимсаларга киёслаш мумкин.

Умуман олганда, ислом илмсизлик ва жохилликни коралайди, илм олиш, жаҳолатдан маърифатни устун қўйиш каби эзгу фазилатларга буюради. Ҳақиқатда жохиллик ёмон иллат бўлиб, жоҳил инсонлар барча ёмонликларга ҳеч қандай тўсиқсиз кириб кетаверадилар. Жаҳолат инсон ҳаётини барбод қиласди, охиратини куйдиради. Маърифат эса инсон қалбига сайқал беради, маънавий, руҳий дунёсини гўзаллаштиради, инсонга шон-шуҳрат келтиради, улуғлайди. «Маъри-

⁴⁵ <http://shameela.ws/browse.php/book-9472/page-47>

фат» сўзи «билим», «Аллоҳни таниш» каби хислатларни ўзига жамлайди. Бунга зид равищда илмни диний ва дунёвий турларга тақсимлаб, айрича қараш инсон маънавиятининг емирилишига олиб келади. Бу фикр исботи учун узоқ ва яқин ўтмишишимизда мисоллар кўп. Абу Али Ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Имом Бухорий, Абул Муъин Насафий каби улуғ аждодларимиз гарчи собиқ тузум уларнинг диний илм соҳиблари бўлганини яширган бўлса-да, улар энг аввало ислом дунёсининг ардоқли олимлари, том маънодаги илм эгалариidlар. Қуш ҳам ёлғиз қаноти билан парвоз қила олмагани каби, инсон ҳам бир ёқламалик билан комил ва тўлиқ бўла олмайди. Шу жиҳатдан Президент Ислом Каримовнинг: «Биз дин билан дунёни, дунё билан динни ўрганамиз» деган гаплари биз учун дастуриламал бўлмоғи лозим. Ана шунда биз ҳар томонлама, тўла мукаммал инсон, аждодларимизга муносиб фарзанд бўла олган бўламиз.

П БОБ. ДИНИЙ МУТААССИБЛИК, ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРЧИЛИКНИНГ ШАКЛАРИ, ФОЯВИЙ ИЛДИЗЛАРИ ҲАМДА ЗАМОНАВИЙ КҮРИНИШЛАРИ

2.1. «Мутаассиблик», «экстремизм» ва «терроризм» тушунчаларининг мазмун-моҳияти

Диний экстремизм ва терроризм каби ҳодисаларнинг илдизлари узоқ тарихга бориб тақалса-да, улар ҳеч қачон ижтимоий барқарорлик ва тараққиёт учун бугунгидек таҳдид солмаган. Шундай экан, унинг олдини олиш ва унга қарши курашиш инсониятнинг истиқболига дахлдор масалага айланди. Ушбу вазифаларга тўхталиб, Президентимиз Ислом Каримов «Биринчи галда, террорчиларни тайёрлайдиган заминга, ғояга, мафкурага эътибор бериш, шуларга қарши курашиш керак. Болаларимизнинг онгини ва ҳаётини бузадиган, эртанги кунига мутлақо ишончини йўқотадиган мана шундай ғояларга қарши биз курол билан эмас, ғоя билан курашишимиз зарур»⁴⁶, деб таъкидлайдилар.

Зеро, илмий истилоҳда қўлланаётган «мутаассиблик», «фундаментализм», «экстремизм», «терро«ризм», «фанатизм» каби атамалар деярли барчага тушунарли бўлса-да, ҳар киши уларни ўзича талкин этиши мумкин. Кенг маънода бу атамалар қонуний ҳокимиятга қарши курашувчи ижтимоий-сиёсий гурӯх ва оқимларга тегишлидир. Аммо муайян минтақа ёки дин билан боғлиқ бўлган тадқиқотларда юқори-

⁴⁶ Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз қуч-кудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ, 12-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – Б. 253–254.

даги атамаларнинг ҳаммаси ҳам доимо қўл келавермайди. Масалан, «фундаментализм» атамаси аслида асримиз бошида АҚШ протестантлари орасида қўйидаги беш ақида: Исонинг бокира аёлдан дунёга келгани, унинг инсоният гуноҳларини оқлаш учун қурбон бўлгани, жисман қайта тирилиши, ер юзига жисмонан иккинчи марта келиши, ниҳоят, Китобнинг муқаддаслигини ўз ичига олган таълимотга берилган ном сифатида пайдо бўлган.

Бу атама ислом динига нисбатан олинганида фақат бир ақида – Исонинг бокира аёлдан туғилганида ўхшашлик бор, холос. Охирги пайтларда матбуотда ўзини мусулмон ҳисобловчи мутаассиб жангариларни «фундаменталистлар» деб аташ одат тусига кириб қолди. Кўриниб турибдики, бу фундаментализмнинг илк маъносига мувофиқ келмайди. Агар ўз эътиқодларини фаол тарғиб қилаётган инжилчи-христиан фундаменталистларининг кўплаб жамоалари жаҳон бўйлаб ҳозир ҳам мавжудлигини ҳисобга олсак, Миср, Жазоир ва бошқа давлатлардаги мутаассиб мусулмон гурухларига нисбатан «фундаментализм» эмас, балки «ислом никоби остидаги экстремизм» иборасини ишлатиш маъқулроқ кўринади.

«Экстремизм» (лотинча – «ақл бовар қилмас даражада», «ҳаддан ошиш») жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга зид радикал қараш ва ҳаракатларни англатади. Бундай ҳаракатларга диний тус бериш диний экстремизмга олиб келади.

«Диний экстремизм» – жамият учун анъанавий бўлган диний қадриятлар ва ақидаларни рад этиш, уларга зид ғояларни алдов ва зўрлик билан тарғиб қилишга асосланган назария ва амалиётни англатади. Экстремистик қарашларни барча динларда, буддизм, христианлик, исломдаги турли оқимларда учратиш мумкин. Масалан, мутахассислар католик

чековининг эркин фикр юритувчи, хукмрон феодал-католик чекови ақидаларини рад этувчи кишилар – папа ҳокимияти душманларини таъқиб қилиш учун XIII асрда тузилган ва минглаб одамларнинг курбон бўлишига олиб келган инквизиция фаолиятини ҳам экстремизмнинг ўзига хос кўриниши сифатида баҳолайдилар⁴⁷. Аммо ҳозирда ислом дини ниқоби остидаги диний-сиёсий ҳаракатлар аъзолари томонидан турли жиноятлар содир этилаётгани жамият хавфсизлигига жиддий таҳдид солмоқда.

«Фундаментализм» – (лотинча – «асос») тушунчасининг маъноси муайян ижтимоий ҳодисанинг дастлабки кўринишини англатади.

«Диний фундаментализм» – «Маълум дин вужудга келган илк даврига қайтиш ва бу йўл билан замонанинг барча муаммоларини ҳал қилиш мумкин», деган фикрни илгари суриш таълимотини англатади. Истилоҳда ақиданинг ўзгармаслигини ҳимоя қилалигандан, уларнинг ҳар қандай мажозий талқинига мурросасиз, сўзма-сўз талқинга асосланган эътиқодни ақлга таянган мантикий далиллардан устун кўядиган, муайян диний эътиқод шаклланишининг бошланғич даврида белгиланган барча йўл-йўриқларни қатъий ва оғишмай бажарилишини талаб қиладиган диний оқимларни ифодалашда кўлланилади.

«Фундаментализм» атамаси юқорида қайд этилганидек, аслида христиан дини билан боғлиқдир. «Фундаментализм» ибораси илк бор I Жаҳон уруши арафасида вужудга келган протестантизмдаги ортодоксал оқимларни ифодалаш учун ишлатилган. Бу оқим 1910 йилдан кейин шу ном билан атала бошлаган. Фундаменталистлар христианликнинг анъанавий ақидала-

⁴⁷ Диний экстремизм ва терроризмга қарши қурамнинг маънавий-маърифий асослари / Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013. – Б. 88.

рига, айниқса, Библияning мутлақо мукаммаллигига ишонишни мустаҳкамлаш, уни сўзма-сўз шарҳлашга қатъий риоя қилишни талаб қилдилар. Бу оқим кейинчалик Америкада кенг тарқалиб кетди. 1919 йили Филадельфияда Жаҳон христиан фундаменталистлари ассоциациясига асос солинди.

ХХ асрнинг 70-йилларидан бошлаб, бу сўз исломга нисбатан қўлланила бошлади. Бунда «фундаментализм» атамаси – Куръон ва ҳадисларни сўзма-сўз талқин этувчи, илк исломга қайтишга қаратилган ақидаларни тарғиб қилувчи диний-консерватив руҳдаги йўналишга нисбатан ишлатилди. Бунинг натижасида жаҳон матбуотларида ислом никобидаги мутаассиб жангариларини «фундаменталистлар» деб аташ ҳам одат тусига кирди.

Шундай экан, экстремизм ёки фундаментализмни фақат муайян дин билан боғлаш мутлақо асоссизdir. Ҳусусан, ислом дини, у билан боғлиқ турмуш тарзи ва қадриятлар мажмуи ҳеч қачон экстремистик тузилмаларнинг гўё дин ва мусулмон жамоаси равнақи йўлида амалга ошираётган террорчиллик хуружларининг асосий сабаби сифатида қаралиши мумкин эмас.

Ислом шиорларидан танлаб фойдаланадиган, диннинг асл моҳиятини бузиб талқин қиласидиган экстремистик тузилмалар худди юқоридаги каби гўёки, кенг ҳалқ оммаси билан узвий бирлик мавжудлигини кўрсатиш, аслида эса жамиятда тартибсизлик ва парокандаликни юзага келтириш учун маблағ йиғиши, асосий таҳдид манбаи сифатида одамлар онгу шуурини эгаллаш, жамиятда бекарорлик келтириб чиқариш орқали ҳокимииятга эришишдек эҳтиёжларини қондириш мақсадини кўзлайди. Ўзларини «исломий», деб эътироф этадиган бундай тоифалар сиёсий жабҳада инқилобий ва қўпорувчилик усуллари билан қонуний ҳокимииятга қарши курашда ўзларини намоён

қилса, бошқалари таргибот-ташвиқот ишлари, диний таълим, турли жамоат ташкилотлари, мактаб, университет ва оммавий ахборот воситаларига кириб бориш, айниқса, фойдаланиш осон ҳамда қулай бўлган аудио ва видео маҳсулотларини тарқатиш билан кўпроқ шуғулланадилар.

Ҳозирги даврда кўплаб экстремистик уюшмалар ва мутаассиблар турли динлар, шу жумладан, христианлик, ислом, яхудийлик динлари таълимотидан фойдаланмоқдалар. Шу билан бирга, диний риторика уларга кўзда тутилаётган жамиятнинг аниқ шаклу шамойилини тақдим этмаган ҳолда (бу улар учун худди анархистлар каби унчалик аҳамиятга эга эмас) хаёлий жамият ҳақидаги тасаввурлардан фойдаланиш имконини беради⁴⁸. Бунда энг муҳими тартибсизлик ва беқарорликни келтириб чиқаришдир. Унга эришиш эса, ўзига хос умумий мақсадни ташкил этади, дейиш мумкин.

«Ақидапарастлик» («ақида» – арабча – «ишонч», «бирор нарсани иккинчисига боғлаш») муайян шароитда, бирон-бир ёки тамойилга қатъий ишониб, уни мутлақлаштириш асосида шаклланган қоида ва тартибларни шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда, кўр-кўронга кўллаш ёки шунга уринишни англатади. У муайян қонун ва қоидалар таъсир доирасини сунъий кенгайтиришга уринишда ёрқин намоён бўлади. У ёки бу ҳодиса, қоида ёки тамойилни мутлақлаштиришга асосланган ёндашувни ижтимоий ҳаётнинг истаган соҳасидан топиш мумкин.

«Мутаассиблек» (араб. «ғулув кетиш», «чуқур кетиш») муайян ғояларнинг тўғри эканига қаттиқ ишо-

⁴⁸ Диний экстремизм ва терроризмга қарши қурашнинг маънавий-матърифий асослари / Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013. – Б. 89.

ниш, уларга муккасидан берилиш, «Ўзгалар» ва «Ўзгача» қараш ҳамда ғояларга муросасиз муносабатда бўлиш, бошқа фирмә ва мазҳабларни бутунлай рад этиши, уларни тан олмасликда намоён бўлади. Мутаассиблик барча даврларда турли дин ва йўналишлар орасида кескин низо ва тўқнашувлар келиб чиқишига сабаб бўлган.

Онги заҳарланган ва мутаассибга айланган кишилар ўзлари қилаётган ишларни тўғри деб хисоблаб, ҳар қандай номақбул ишлардан ҳам бош тортмайдилар. Ваҳоланки, уларни бу йўлга бошлаган «раҳнамолар»нинг асл мақсади моҳияттан ғайриинсоний характеристерга эга. Мутаассибликтининг жирканч башараси дунёning турли нуқталарида содир этилаётган кўпорувчилик ва хунрезлик воқеаларида яққол намоён бўлмоқда.

Айни пайтда, дунёвий ва диний билимларнинг саёзлиги, соғ диний тушунчаларнинг асл мазмунини билмаслик ҳам мутаассиблик ғояларнинг тарқалишига сабаб бўлиши мумкин. Бу жараённинг энг хатарли жиҳати динни сиёсийлаштириш воситасида ҳокимиятга интилиш, динни нотўғри талқин қилиш билан одамлар орасига нифоқ солиш, кўпорувчилик ишларини амалга ошириш ва ғаразли манфаатларни рўёбга чиқаришга уринишларда намоён бўлмоқда.

Демак, диний экстремизм келиб чиқишининг биринчи ва асосий сабаби мутаассиб фикр ва қарашларнинг пайдо бўлишидир. Мутаассиблик диний экстремизм ва терроризмга замин тайёрлайди. Шу ўринда қайд этиш жоизки, кўп манбаларда ишлатилган «ақидапарастлик» сўзи ҳозирги воқеликдан келиб чиқиб «мутаассиблик» сўзи билан алмаштирилган ҳолда истеъфода этилмоқда.

«Террор» (лотинча – «қўрқитиш», «ваҳимага солиш») – ахолининг кенг қатламларида даҳшат ва қўр-

кув үйғотиши, жамиятда беқарорлық келтириб чиқариш орқали давлат ҳокимиятини әгаллаш мақсадыға қаратылған жиной фаолиятдир.

Террор – оммавий ва сиёсий мақсадларга эришиш учун зұравонлиқдан ҳамда зұравонлик қилиш билан таҳдид солишдан мунтазам фойдаланишдир. Шундай қилиб, «террор» душманни жисмоний зұравонлик йөли билан құрқитиши, ҳатто уни жисмонан йүк қилишни англатади. «Терроризм» эса террор амалиётидир. Бу икки түшүнчани шу тарзда чегаралаш мақбул бўлса, у ҳолда террордан келиб чиқсан терроризм асло янги ҳодиса бўлмай, бизгача асрлар қўйиндан етиб келган, деб ҳисоблаш мумкин⁴⁹.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида «терроризм»га қуйидагича таъриф берилган: «Терроризм – халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва куролли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, ахолини құрқитиши мақсадыда давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ва юридик шахсни бирон-бир фаолиятини амалга оширишга ёки амалга оширишдан тиийлишга мажбур қилиш учун зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга ошириш таҳдиди, шунингдек, террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, ишлаб туришини, молиялаштирилишни таъминлашга, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситалар

⁴⁹ Қаранг: Фойибназаров Ш. Халқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 10.

ва ресурслар бериш ёки йигишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолият»⁵⁰.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган, «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонунида қўйидагича таъриф берилган: «Терроризм – сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлигига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий обьектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, ҳалқаро ташкилотни, жисмоний ва юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур этишга, ҳалқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверентетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлиги-га путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб иғвогарликлар қилишга, аҳолини қўрқитишга, ижтимоий сиёсий вазиятни бекарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар; террорчи – террорчилик фаолиятини амалга оширишда иштирок этаётган шахс, террорчилик гурухи – олдиндан тил бириктириб террорчилик ҳаракатини содир этган, бундай ҳаракатга тайёргарлик кўрган ёки уни содир этишга суиқасд қилган шахслар гурухи; террорчилик ташкилоти – икки ёки ундан ортиқ шахснинг ёки террорчилик гуруҳларининг террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун барқарор бирлашуви»⁵¹.

⁵⁰ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. (2008 йил 1 июлгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан киритилган) – Тошкент: Адолат, 2008. – Б. 85.

⁵¹ Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуни // Ҳалқ сўзи. 2001 йил 20 январь.

Юқорида келтирилган таърифларда терроризмнинг ниҳоятда муҳим бир хусусияти – унинг муайян сиёсий мақсад ёки амалий натижаларига эмас, балки у ёки бу хуруж натижасида одамлар орасида, ижтимоий фикрда юзага келадиган хавотирли акс-садо, шов-шувга эришишга қаратилгани таъкидланган. XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб, терроризмнинг мөжароларни келтириб чиқарувчи ҳодиса сифатидаги салоҳияти, бутун-бутун минтақалар йўналиши турлича бўлган террорчи ташкилотлар ва гуруҳлар фаолият кўрсатган жойларга айланиб қолди. Бунинг натижасида, террорчилик ҳаракатининг кўламигина эмас, балки методлари ҳам ўзгарди. Унинг энг даҳшатли кўринишларидан бири – ўзини аввалдан ўлимга тайёрлаган террорчи-камикадзелар томонидан амалга оширилаётган ҳаракатларни келтириш мумкин.

Қайд этилган фикрлардан келиб чиқиб, терроризм тушунчасини куйидагича таҳлил қилиш мумкин: Терроризм – сиёсий мақсадда амалга оширилаётган террорнинг назарияси ва амалиёти бўлиб, у икки қисмдан иборат:

Биринчиси, террорнинг маънавий-мағкуравий жиҳати. У террорчиларнинг хис-туйғуга асосланган ғоялари, мавҳум тушунчалар («диннинг соғлиги», «халқ баҳти», «халқ манфаати»)га таянади. Улар реал воқеилиқдан эмас, ўз шахсий тасаввурлари дунёсидан келиб чиқиб ҳаракат қиладилар;

Иккинчиси, террорнинг амалий томони бўлиб, у террорчилар, террорчи гуруҳлар ва ташкилотлар томонидан юқоридаги талабларни бажариш (террорчилик актларига тайёргарлик кўриш ва уни амалга ошириш) натижасида ўз мақсадларига эришишдан иборат⁵².

⁵² Қаранг: Сафарова Н.О. Терроризм (тарихий-фалсафий таҳлил) – Тошкент: NOSHIR, 2009. – Б.18-19.

Мусулмон мамлакатларида террорчи уюшмалар оммавий бўла олмагани учун аҳолининг кент қатламлари номидан ҳаракат қилиш таассуротини уйғотиш мақсадида диний шиорлардан ниқоб сифатида фойдаланадилар. Демак, террор, террорчилик фаолияти, террорчи биргаликда бир бутун ҳодиса сифатида терроризмни ташкил этади. Ҳозирги даврда у глобал миқёс касб этиб, халқаро терроризм шаклини олди.

«Халқаро терроризм» – тушунчаси давлатлар, халқаро ташкилотлар, сиёсий партия ва ҳаракатларни бекарорлаштиришга қаратилган сиёсий кўпорувчилик фаолиятини ифодалайди. У оғир жиноятлардан бўлиб, узоқ давом этган жараёнларнинг ҳосиласи ҳисобланади.

Халқаро терроризм феномени айниқса, XX аср бошларидаги авж ола бошлади, яъни халқаро терроризмга қарши курашда давлатлараро ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши ўтган асрнинг 30-йилларидан бошланган. Масалан, 1934 йилда Мадридда бўлиб ўтган жиноятчиликка оид қонунларни унификациялаштириш муаммоларига бағишлиланган конференцияда терроризмнинг «Аҳолини даҳшатга солиш ва ҳар қандай ижтимоий ташкиллашувни йўқ қилиш мақсадида бирор-бир воситани кўллаш» деган маънодаги таърифи қабул қилинишига эришилган. 1937 йилда 20 дан ортиқ давлат терроризмнинг олдини олиш ва бундай ҳаракатлар учун жазолаш ҳакидаги Конвенцияни имзолади⁵³.

Бугунги кунда террорчилик услублари анча кенгайганини таъкидлаш зарур. 1970-йилларда бирор шахс ёки сиёсий арбобга қарши уюштирилган террор амалиёти кўпроқ учраган бўлса, ҳозирда жамоат жойларида, самолёт, автобус ва поездларда портлашларни содир этиш орқали кўплаб тасодифий кишиларнинг курбон

⁵³ Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари / Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013. – Б. 158.

бўлишига олиб келадиган қўпорувчиликни амалга оширишга эътибор берилмоқда. Экспертларнинг фикрича, бундай ҳаракатлар биринчи навбатда нобуд бўлганлардан кўра, унинг гувоҳларига қаратилган.

Халқаро террорчилик ҳаракатларининг асосий белгилари:

- халқаро ҳуқук ҳимоясидаги обьект ёки субъектларга қарши қаратилгани;
- давлатлар чегараларини бузиш орқали амалга оширилиши;
- аъзолари икки ёки ундан ортиқ давлат фуқаролари, шу жумладан, ёлланма шахслар бўлган экстремистик гурухлар томонидан содир этилиши;
- экстремистик гурухлар таркибида қўпорувчилик ҳаракатлари бўйича хорижлик йўриқчиларнинг қатнашиши;
- экстремистик гуруҳ аъзоларининг бошқа давлатлар ҳудудида ташкил этилган маҳсус лагерларда тайёргарлик кўриши;
- тайёргарлик кўриш ва қўпорувчиликни содир этишда хорижий давлатлар ва экстремистик уюшмалар ёрдамидан, халқаро тус олган ноқонуний куроляроғ савдоси ва наркобизнесдан келадиган молиявий манбалардан фойдаланилиши⁵⁴.

Хозирда диний-экстремистик ва террорчи ташкилотлар ўз мақсадларини амалга ошириш учун халқлар ўртасида биринчи навбатда миллатчилик ва диний айирмачиликни келтириб чиқариш ва шу йўл билан бир давлатда яшаётган турли миллат вакиллари ўртасида миллий, диний ихтилоф ва низоларни вужудга келтиришга уринмоқда. Шу боис, Президент Ислом Каримов ер юзида содир бўлаётган бундай оғатлар-

⁵⁴ Қаранг: Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари / Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: «Гошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013. – Б. 97.

нинг қандай кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида шундай дейди: «Таассуфки, баъзан ислом дини ва диний ақидапарастлик тушунчаларини бир-биридан фарқлай олмаслик ёки ғаразли мақсадда уларни тенг кўйиш каби ҳолатлар ҳам кўзга ташланмоқда. Шу билан бирга, ислом динини ниқоб қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган мутаасиб кучлар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, гўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, бош-кўзини айлантириб, улардан ўзининг нопок мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Бундай ножӯя ҳаракатлар аввало мұқаддас динимизнинг шаънига доғ бўлишини, охир-оқибатда эса маънавий ҳаётимизга салбий таъсир кўрсатишини барчамиз чуқур англаб олишимиз ва шундан хулоса чиқаришимиз зарур»⁵⁵.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, замонавий воқелик инсон қалби ва онги учун бўлган курашларнинг янгидан-янги усул ва воситаларининг қўпайиб бораётгани, айниқса, бу борада дин омилидан фойдаланишга уринишларда яққол намоён бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кунда инсонларни бундай заарли, таъбир жоиз бўлса, манфур оғатлардан асраб-авайлаш барчани янада ҳушёрликка, эҳтиёткорликка, ҳар жиҳатдан ақл-идрок билан иш тутишга ундейди.

2.2. Диний мутаассиблик ва экстремизм келиб чиқишининг тарихий-ижтимоий илдизлари

Ислом байроғи остида фаолият кўрсатаётган экстремизмнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихнинг муайян даврида устувор бўлган кўплаб омиллар, турли жараёнларнинг ўзаро таъсирлашувининг на-

⁵⁵ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 37.

тижаси деб тушуниш мумкин. Ўрганиш, дин никоби остида пайдо бўлган экстремистик ҳаракатларнинг гоявий илдизлари ислом тарихининг биринчи асрига бориб тақалишини кўрсатади. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек: «Асримиз вабоси бўлмиш бу жирканч иллатнинг факат шафқатсиз кўринишларини эмас, балки илдизларига етиб бориб, жамият ҳаётидан, дунё халқлари ҳаётидан уни тагтомири билан суғуриб ташлаш – барча давлатларнинг энг долзарб вазифаси бўлиши керак, бу йўлда барчамиз бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилишимиз, қаттиқ кураш олиб боришимиз шарт»⁵⁶.

Тарихий манбаларда мазкур оқимларнинг тарқалиши, фаолияти ва уларнинг ўзига хос йўналишлари батафсил таҳлил қилинган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда фаолият кўрсатаётган деярли барча экстремистик гуруҳлар ўша оқимларга хос хусусиятларни ўзида жамлаган ҳолда, улар қўллаган услуб ва гоялардан кенг фойдаланиб келмоқда.

Ислом никобидаги экстремизмнинг ilk вакиллари сифатида 657 йили халифа Али (розияллоҳу анҳу) аскаридан ажралиб чиққан, ўзларини ҳақиқий мусулмон, сафларига қўшилмаганларни «диндан қайтган» деб эълон қилиб, уларга қарши муросасиз кураш олиб борган «хорижийлар» (арабча – «ажралиб чиққанлар», «исёнчилар») диний-сиёсий оқими фаолияти фикримизнинг исботи бўла олади.

Демак, исломда дастлаб пайдо бўлган фирмә хорижийлардир. Бошқа динларда бўлгани каби, мусулмонлар ичida ҳам фирмәлар бўлган. Пайғамбар Муҳаммад (алайҳиссалом) айтганларидек, Ислом динида 73 та фирмәга бўлиниш юз беради. Уларнинг биттасигина тўғри йўлда, қолганлари эса, залолат-

⁵⁶ Каримов И.А. Ҳавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б. 105–106.

да ҳисобланади. Қуръон оятлари ва ҳадисларда ҳам фирмаларга бўлинмасликка буюрилади. Хорижийлар ўз талқинларидағи «соф» ислом қоидаларига қатъий риоя қилиш тарафдори эди. Илк исломда инсон эътиқодини белгилашда ниятга эътибор берилган бўлса, хорижийлар амалга қараб баҳо берди. Айнан хорижийлар ўз қарашлари ва фаолиятига кўшилмаганларни кофирга чиқариш, уларга қарши «жиход» олиб бориш ҳақидаги ғояларни ишлаб чиқиб, террор услубини қўллаш орқали ҳукмдорларни жисмонан йўқ қилиш амалиётини бошлаб берган эди. Шунингдек, хорижийлар диндор кишининг ислом арконларига содиқлигини қилган ишларига қараб баҳолаш керак, деб ҳисоблаб, ўзларининг талқинидаги ислом қоидаларига риоя қилмаган ҳар қандай ҳукмдорга бўйсунмаслик, уни ағдариб ташлаш зарурлиги хақидаги ғояни илгари сурган эди. Бундай ғоялар ҳокимият учун курашнинг зўравонликка асосланган усуслари келиб чиқишига ва минглаб кишиларнинг ҳалок бўлишига олиб келди.

VII асрнинг иккинчи ярмида хорижийлар орасида раҳбарларининг исми билан аталадиган бир неча фирмалар пайдо бўлди. Ана шундай мутаассиб фирмалар орасида энг муросасиз ва шафқатсиз жамоа номини олган Нофіъ ибн Азрақ (в.685й.) бошлигидаги «Азрақийлар» оқими алоҳида ўрин эгаллайди. Азрақийлар гунохи кабира (катта гунох) қилган барча мусулмонларни «кофир» деб, уларнинг таълимотига кўшилмаган кишиларга қарши жиход эълон қилиш, ҳаттоки, қария, аёл ва болаларнинг қонини тўкишни ҳалол, деб билганлар.

IX аср охирида Ироқда юзага келган «қарматийлар» экстремистик ҳаракати эса ислом арконларини тан олмаган ҳолда, ҳаж амалини ҳам бидъат, бутпарастлик деб эълон қилган эди. Ҳаракат ўз номи-

ни унинг асосчиси Ҳамдон ибн Ашъаснинг лақаби Қармат сўзидан олган бўлиб, унинг маъноси манбаларда турлича «калта оёқ» ёки «қизил кўз» каби маъноларда ифодаланган. Қарматийлар ислом тарихида ўчмас доғ қолдирган жиноятларни содир этган. Улар хаж мавсумларида карвонларга хужум уюштириб, қароқчилик ва босқинчилик билан кун кечиргандар. Хусусан, 930 йилда улар Маккага бостириб кириб, шаҳарни талон-тарож қилгандар, бир неча минг ҳожиларни ва Макка аҳолисини қатл этиб, асирга олганлар. Улар: «Биз тошга сифинувчиларга карши курашмоқдамиз», дея ҳожиларни бутпарастга чиқариб, ўзларининг қабиҳ ишларини оқламоқчи бўлганлар. Каъбани вайрон қилиб, қора тошни иккига бўлиб, Баҳрайнга олиб кетгандар, фақат 20 йилдан кейин катта тўлов эвазига у Маккага қайтарилиган⁵⁷.

XI аср охирида Эронда юзага келиб, махфий равишда иш кўрган «Ҳашшошийлар» (арабча – ҳашиш (наша) чекувчилар, гиёхвандлар) террорчилик оқими эса, ҳокимиятни эгаллаш мақсадида уларга хайриҳоҳ бўлмаган ҳукмдорларга суиқасд уюштириш амалиётини олдинга сурган эди. Узок вақт ҳашшошийлар кўплаб ҳукмдорларга таҳдид солиб турган, ҳаттоки, айrim Европа мамлакатлари раҳбарлари ўз хавфсизликларини таъминлаш учун уларга тўлов тўлашга мажбур бўлган⁵⁸. Шу билан бирга, «ҳашшошийлар» замонавий террорчилар томонидан ҳам кенг қўлланилаётган, оддий кишилар ва ёшларга гиёхванд моддаларни истеъмол қилдириб, ўлса шубҳасиз жаннатга тушишига ишонтирган.

Бузғунчилик ва зўравонликка асосланган, эътиқодий бирликка таҳдид соглан бундай оқимлар фаоли-

⁵⁷ Хуснiddинов З. Ислом йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. – Тошкент: Мовароуннахр, 2000. – Б. 27.

⁵⁸ Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий наприёти, 2003. – Б.310.

яти ўз даври уламолари томонидан қаттиқ қорала-ниб, сultonлар томонидан таъқиб қилинганини ало-хида таъкидлаш лозим. Масалан, Умавий ва Аббосий халифалар хорижийларни бутунлай қириб ташлаш сиёсатини олиб борган эдилар. Ислом моҳиятига ёт бўлган бундай оқимларнинг барчаси охир-оқибатда таназзулга дучор бўлган.

Шундай бўлса-да, исломнинг моҳиятига бутун-лай зид бўлган юқоридаги ғоялар ва амалиёт шакл-лари кейинги даврларда ҳам ривож топганини ай-тиш жоиз. Исломда «инқилобий кураш» таълимотини яратган суриялик Аҳмад ибн Таймия (1263–1328)нинг турли ақидавий масалаларда ашъарийлик ва мотури-дийликка зид фикрлари кейинчалик турли мутаассиб гурух, ва ҳаракатлар етакчилари мафкурасига асос бўлиб хизмат қилди. Бунинг натижасида бугунги кун-да ҳам фаолият юритаётган экстремистик ҳаракатлар ўзига байроқ қилиб олган соҳта салафийлик ҳаракати шаклланишига замин яратилди.

Аслида «салафийлик» араб тилидаги «салаф» сўзи-дан олинган бўлиб, «аждодлар», «аввал яшаб ўтганлар» маъноларини англатади. Хадисларга кўра, Пайғамбар Мұхаммад (алайҳиссалом) замонида ва ундан кейинги икки даврда яшаган мусулмонлар хақиқий салафлар саналади. Ислом уламолари илк мусулмонларни «са-лафи солиҳ», яъни «солиҳ аждодлар» деб ҳисоблашда яқдилдир. Улардан кейинги даврларда яшаган мусул-монларга нисбатан «салаф» ёки «салафий»лар тушун-чаларини ишлатиш мумкин эмас. Бироқ сўнгги йил-ларда «салафи солиҳларга эргашиш» шиорини никоб қилиб олган мутаассиб кучлар пайдо бўлганини ало-хида қайд этиш лозим⁵⁹.

⁵⁹ Қаранг: Мелиқузиев Ж. Ҳалокат тузоги. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013. – Б. 5.

Тарихий адабиётларда XVIII асрда ислом динини «асл ҳолатига қайтариш» байроғи остида «ад-Даъва ад-дамавия», яъни «қонли даъват» номини олган ҳаракатлар пайдо бўлган бўлса, XIX асрнинг иккинчи ярмидан ўз олдига халифаликка асосланган ислом давлатини барпо этиш вазифасини қўйган сохта салафийлик ғоялари «ислоҳотчилик», «панисломизм» ниқоби остида янгидан жонланди.

Сохта салафийларнинг асосий мақсади дунёвий давлат тамойилларини коралаш ва инкор қилиш, давлатни тўнтариш орқали ҳокимиятни қўлга киритиш ҳамда халифаликка асосланган тузумни ўрнатишdir. Қандай шаклда чиқмасин ва қандай гоя остида ҳаракат қилмасин, сохта салафийликнинг бузгунчилик моҳияти ўзгармай қолмоқда. Буни уларнинг Куръон оятларининг мажозий маъноси борлигини рад этиш, Пайғамбар Муҳаммад (алайҳиссалом)нинг туғилган кунини нишонлашни инкор этиш, ўзларига эргашмаган мусулмонларни кофириликда айблаш, бугунги кун билан эмас, балки ўрта асрлар тафаккури доирасида яшаш каби ислом асослари бузилишига олиб борадиган ғоялари мисолида ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, ҳар қандай янгиликни «бидъат» хисоблаш, анъанавий мазҳабларни инкор қилиш, тасаввуфни умуман тан олмаслик, марҳумлар рухига Куръон тиловат қилиш ва хайр-эҳсон қилиш мумкин эмас, деб хукм чиқариш ҳам сохта салафийликка хосдир.

Юқорида қайд этилганидек, Ибн Таймия ва унинг издошлари ақида ёки ибодат масалаларига кўпроқ эътибор қаратишган бўлса, сохта салафийликнинг кейинги давомчилари таълимотларида сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш зарурлигини байроқ қилиб кўтардилар. Бу исломнинг сиёсийлашиши ва «ислом халифалигини тиклаш» ғояларининг кенг ёйилиши-

га олиб келди. Ҳозирда сохта салафийлик ғоялари остида асосан Шимолий Африка, Яқин Шарқ, Кавказ ва Марказий Осиёнинг айрим худудларида фаолият олиб борадиган ҳаракатлар жамиятдаги эътиқодий бирлик, барқарорлик ва тараққиёт учун реал таҳдидга айланган.

Бугунги кунга келиб, ўзини «Салафийлар» деб атётган диний-сиёсий гурӯҳлар «Ислом жамиятини куриш давлатчиликнинг асоси бўлиши керак», деган шиор остида одамларнинг онги ва турмуш тарзидан миллий қадрият, урф-одатларни сикаб чиқариш, шариат аҳкомларига кўр-кўрона риоя қилишга мажбурлаш, амал қилмаганларга нисбатан қаттиқ жазо қўллаш каби хатарли мақсадларни кўзлаб ҳаракат қилмоқдалар. Мутаассиблик кўринишларидан бўлган сохта салафийлик миллий маънавиятимиз, мустақиллигимизга реал таҳдид сифатида намоён бўлмоқда. Шундай экан, юртимиз тинчлиги, осойиштаги, равнақи ва фаровонлиги доимий ҳамда қатъий ҳаракатларни талаб этади.

2.3. Марказий Осиё минтақасида фаолияти кузатилган диний-экстремистик ҳаракатларнинг ўзига хос ҳусусиятлари

Марказий Осиё минтақасида диний мутаассиб оқимлар фаолияти XX асрнинг 80-йиллари бошларида хорижий экстремистик марказлар саъй-ҳаракатлари билан шаклана бошлади. Минтақада хориждан келаеттган молиявий ёрдам ҳисобига жангари сифатида фойдаланиладиган шахсдарни танлаш ва тайёрлаш билан шуғулланадиган гўруҳлар пайдо бўлди. Марказий Осиё республикалари мустақилликка эришган 1990-йилларнинг бошларида эса, бу гурӯҳлар фаол-

лашиб кетди. Шунинг натижасида, минтақада диний экстремизм асосан фирмабозликка асосланган янги грухҳарнинг пайдо бўлиши, наррасмий йўл билан диний сабоқ бериш, ноқонуний тарздадиний маҳсулотлар тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, миссионерлик ва прозелитизмнинг авж олиши каби кўринишларда намоён бўлди.

Диний экстремизм ва терроризмнинг жамият барқарорлиги ривожига кўрсатган салбий таъсири Марказий Осиё минтақасида фаолияти кузатилган бир қанча мутаассиб ҳаракатларнинг мақсади таҳлил қилинганида янада яққол намоён бўлади. Минтақада асосан «Ҳизбут-тахрир», «Туркистон ислом ҳаракати», «Акромийлар», «Нурчилар» каби грухҳарнинг фаолияти кузатилди.

Ҳизбут-тахрир ал-исломий

Ташкилот номи. «Ҳизбут-тахрир ал-исломий» (араб. «Ислом озодлик партияси»). «Ҳизбчилар», «тахрирчилар» деб ҳам юритилади.

Асосчиси ва юзага келиш тарихи. Фаластилинлик Тажийиддин Набаҳоний (1909–1979) мазкур экстремистик ташкилотнинг асосчиси хисобланади. Истроил давлатини ташкил этиш ҳақидаги БМТ қароридан кейин 1947 йилда оиласини олиб, Фаластииндан Байрутга кўчган. Аслида Мисрдаги «ал-Ихвон ал-муслимун» («Мусулмон биродарлар») ташкилоти аъзоси бўлган Набаҳоний 1953 йилда мазкур жамоа аъзолигидан чиқиб, Куддус (Иерусалим)да «Ҳизбут-тахрир ал-исломий» ташкилотини тузган.

Набаҳоний вафотидан сўнг ҳизбга фаластилинлик Абдулқадим Заллум (1925–2003) бошчилик қилди. Унинг раҳбарлиги даврида ташкилот собиқ Иттифоқ таркибиға кирган республикаларда (асосан Марказий Осиё ҳудудида) ўз фаолиятини жадаллаштирган

Ташкилот ғоялари ва асослари. Даставвал Фаластинни озод қилишни мақсад қилган Набаҳоний, ке-йинчалик бутун дунё мусулмон мамлакатларини бирлаштирувчи ягона халифалик давлатини қуриши бош мақсад деб эълон қилган. Шундан кейин эса, ушбу шаклланган ислом умматининг даъватлари орқали бутун дунёда халифалик давлатини қуриш мумкин, деб ҳисоблайди.

Ҳаракат стратегияси. Ташкилот ҳукуматни қўлга олишда қуйидаги услубларни қўллади:

– фикрий кураш. Бу омма орасида ўзининг «маданий» қарашларини тарғиб қилиш орқали бўлади;

– фикрий инқолоб. Бунда маданий ва сиёсий фаолият олиб борилиб, ҳизбнинг фикрлари жамият онгига сингиши билан юзага келади;

– ҳукуматни эгаллаш. Бу босқич «тарбияланган уммат» орқали барча ҳукмни қўлга олиш билан якунлади.

Сўнгги йилларда «Хизбут-тахтир»да ғоявий якдиллик йўқолиб, фаолиятида юзага келган самарасизлик таркибий бўлинишларга олиб келди. Ундан «Хизбун-нусра» гурухи ажралиб чиқди. Шунингдек, «Хизбут-тахтир»нинг «Аёллар қаноти» кучайтирилиши баробарида, улар орасида ўзини ўзи ўлдириш, яъни «истишҳод» амалиётидан кенг фойдаланилмоқда.

Структураси. «Хизбут-тахтир»нинг аъзолари ўртасида тақсимланган вазифалар аниқ белгиланган бўлиб, унга кўра, «Амир Қиёдат» (дунё бўйича халифалик давлатининг энг катта раҳбари), «Мўътамад» (вакил, маълум бир давлат бошлиғи), «Масъул» (жавобгар, вилоят бўйича бошлиқ), «Нақиб» (раҳбар, раис, туман бўйича бошлиқ), унинг ёрдамчиси эса «Мусоид» ва ундан кейинги лавозимдагилар «Жихоз аъзолари» (бошқарув идора аъзолари) деб аталади. Ҳаракатга кирувчиларни ўқитишга масъуллар «Муш-

риф» (гурұх раҳбари) дейилса, үқувчилар «Дорис» (үқувчи) деб белгиланған.

Молиявий манбалари. Маңгумотларга күра, «Хизбут-тахрир»нинг асосий ҳомийлари сифатида айрим давлатларда жойлашған, ұз сиёсий мақсадларини күзлаган баъзи ташкилотлар молиялаштириб туришини келтириб ўтиш мүмкін. Бундан ташқари, ҳар бир жамоа аъзоси үзининг ойлик даромадидан 10 % миқдорда маблағ ажратиб туради. Айрим кузатувчиларнинг хуносаларига күра, ҳизбнинг бошқарув вакиллігини улар билан доимий алоқада бўлган халқаро террорчилик ташкилотлари ҳам қўллаб-қувватламоқда. Айни пайтда, жамоа аъзолари томонидан «хазина»ни бойитиш учун исталган бошқа маблағлар (адабиёт сотуви, тижорат тузилмалари ва партия тарафдорлари бўлган алоҳида шахсларнинг ихтиёрий ажратмалари ва бошқалар) ташкил этилиши мумкин.

Харакатга аъзолик. «Хизбут-тахрир» аъзолари масжид, маҳалла ва бозорларда асосан динга мойиллиги бўлган ёшларни (улар үзининг одоби, тарбияси ва оиласи ахволи билан бошқаларга ўрнак бўла оладиган ва ўзи ҳам даъват қилганида «бешлик» халқалар тузиб, шахсларга ұз сўзини ўtkаза оладиган бўлиши шарт) жалб қилиб, уларни ҳалқаларда аввал ислом тарихи хусусидаги сухбатлар билан билим даражасини аниклашади. Кейинчалик улар орасидан иқтидорли, даъватини бошқаларга ўtkаза оладиган ва ҳизбга фойда келтирадиган кишиларни ажратиб олиб, уларга аста-секин жамоанинг тактика ва стратегиясини белгилаб берувчи дарслар олиб борилади.

Минтақадаги фаолияти. «Хизбут-тахрир» жамоаси ғояларининг Марказий Осиёга кириб келиши 1980 йилларнинг ўргаларига тұғыр келади. Бу давр-

да жамоа таълимотларига оид чет давлатларда нашр этилган турли хилдаги китоб, рисола ва журналлар ноқонуний йўллар билан минтақага олиб кирилди. Мазкур ташкилот 1992 йилдан бошлаб, Ўзбекистон худудида ўзининг ўта заарарли фаолиятини олиб боришига ҳаракат қилиб келган.

Харакатга муносабат. «Хизбут-тахрир»нинг фаолияти Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ливан, Миср, Иордания, Германия, Россия, Покистон ва Сурия каби бир қатор давлатларда қонун билан тақиқланган.

Туркистон ислом ҳаракати

Ташкилот номи. «Туркистон ислом ҳаракати» (собиқ «Ўзбекистон ислом ҳаракати») диний-экстремистик ва террорчи ташкилот.

Асосчиси ва юзага келиш тарихи. Ушбу ташкилот 1996 йилда «Ўзбекистон ислом ҳаракати» номи остида ташкил этилган. Ҳаракатни шакллантиришда 1992 –93-йилларда Ўзбекистонда фаолияти тақиқланган «Адолат уюшмаси» (Наманганд), «Ислом уйгониш партияси» (1990 йил Астраханда асос солиниб, 1991 йил январидан Ўзбекистонда фаолият кўрсатган), «Одамийлик ва инсонпарварлик» (Кўқон), «Туркистон ислом партияси», «Ислом лашкарлари» (Наманганд) каби диний-экстремистик гурухларнинг собиқ фаоллари иштирок этган.

Ташкилот ғоялари ва асослари. Ташкилотнинг асосий мақсади Марказий Осиё ҳудудида «Буюк ислом халифалиги»ни тузиш, унда мусулмонлар яшайдиган Кавказ ва Россия Федерациясининг Волга бўйи республикаларини қамраб олишдан иборат.

Ҳаракат стратегияси. Ташкилот ўз мақсадига эришиш учун қўпорувчилик ва террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш, ҳарбий ҳаракатлар уюстириш, одамларни гаровга олиш орқали минтақадаги

ички сиёсий вазиятни беқарорлаштириш каби воситалардан фойдаланади.

«Туркистан ислом ҳаракати» сұнгги йилларда талафотлар, структуравий үзгаришлар, раҳбар аъзолар орасидаги йүқотишиларга дуч келди. Ҳозирда ғоявий тарғибот кучайтирилиб, босма ва электрон нашрлар тарқатилишига катта ургу берилмоқда.

Структураси. Ташкилот 5–7 кишидан иборат («жамоат» деб аталыш) кичик ячейкалардан тузилган бўлиб, «жамоат» аъзолари фаол жисмоний тайёргарлик билан шугулланиб, қўпорувчилик ишларини амалга оширади.

Молиявий манбалари. Ҳаракатнинг молиявий манбаларини наркобизнес, талон-тарож орқали қўлга киритилган ҳамда бажарилган қўпорувчилик ва террорчиллик амалиётлари эвазига йирик террорчи ташкилотлар томонидан берилган маблағлар ташкил қиласи.

Минтақадаги фаолияти. «Туркистан ислом ҳаракати» гурухи жангарилари 1999 йили Тошкент шаҳри ва вилоятида, 2000 йили Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида, 2004 йили Тошкент ва Бухорода, 2005 йили Андижонда, шунингдек, 1999, 2000 ва 2006-йилларда қўшни Қирғизистонда, 2006 йили Тожикистонда террорчиллик ҳаракатларини амалга оширишда иштирок этган. Мазкур гурух минтақадаги террорчи ташкилотлар билан яқин алоқага эга.

Ҳаракатга муносабат. АҚШ давлат департаментининг энг хавфли халқаро террорчи ташкилотлар рўйхатига киритилган.

Акромийлар

Ташкилот номи. Асосчисининг номидан келиб чиқкан ҳолда, «Акромийлар» фирмаси «имончилар», «биродарлар», «халифачилар» деб ҳам аталади.

Асосчиси ва юзага келиш тарихи. «Ҳизбут-тахрир» ташкилоти асосчиси Тақийиддин Набаҳоний асарларидан таъсирланган ҳолда, 1992 йилда Акром Йўлдошев (1963–2009) томонидан Андижонда шакллантирилган.

Ташкилот ғоялари ва асослари. «Акромийлар»нинг бош ғояси – исломий бошқарув шаклидаги давлатни барпо этиш ҳисобланиб, бунинг учун босқичмабосқич ҳаракат қилиш, аввал Фарғона водийсида халифалик тузуми барпо этиш ва кейинчалик уни миңтақанинг бошқа ҳудудларига ёйиш мақсад қилинган.

Ҳаракат стратегияси. Ҳаракат сиёсий ҳокимиятга эришишнинг 5 та – «сирли», «моддий» («иктисолий»), «маънавий» («сиёсий»), «узвий майдон» ва «тўнтириш» («оҳират») босқичига асосланади. Сўнгги икки босқич жамият «исломлаштирилган»дан сўнг амалга оширилиши ва у орқали ҳокимиятни бутунлай эгаллаш режалаштирилган.

Фаолият услублари. «Акромийлар» ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида, тадбиркорлик билан шуғулланганлар ҳамда янги аъзоларни асосан қариндошлар ҳисобига ўзларининг савдо дўконлари, сартарошхона, новвойхона, дурадгорлик, қандолатчилик, косибчилик ва мебель ишлаб чиқариш цехларига ишга жалб қилиш орқали кенгайтиришга ҳаракат қилганлар. «Акромийлар» янги аъзоларга эртаю кеч мавжуд тузумнинг камчиликлари, ўзларининг гўёки сиёсатдан йироқ, кичик бўлса-да, ҳақиқий «биродарлар жамоаси» муҳитининг «гўзал» жиҳатларини уқтириб бориш орқали руҳий таъсир ўтказишга ҳаракат қилганлар. Бунда улар ҳокимиятни қўлга олиш билан боғлиқ режаларини жамоанинг асосий қисмидан сир туттганликлари ҳамда янги тарафдорлар уларни сиёсатга алоқаси йўқ, деб билганлари боис сингдирилаётган фикрларга

күниги бораверганликларини кўрсатади. Бу йўлдаги амалий даъват услуги бошқа мутаассиб кучлар ёндашувидан фарқли бўлиб, оммага мафкуравий тузоқ кўйишга асосланган.

Хозирги вақтда Ғарбда «Акромийлар» янги диний-сиёсий гурӯҳлар таркибида фаолиятини давом эттироқда.

Минтақадаги фаолияти. 2005 йил 13–14 май кунлари Андижон шаҳрида «Акромийлар» оқими мавжуд конституциявий тузумни ағдариш мақсадида кўплаб одамларнинг қурбон бўлишига ҳамда фуқаролар ва давлат мулкига катта зарар етказилишига олиб келган террорчилик ҳаракати содир этган.

Нурчиллик

Ташкилот номи. «Нурчиллик» (туркча – Nurculuk) диний мутаассиб ҳаракат. Халқ тилида «Нурчилар» деган ном билан ҳам машҳур.

Асосчиси ва юзага келиши тарихи. Туркияning Битлис вилоятидаги Нурса кишлоғида туғилган Сайд Нурсий (1876–1960) бўлиб, «Бадиузвазон» (араб. замонанинг буюги, беназир) лақаби билан танилган. Ҳаракат унинг асосчиси томонидан XX асрнинг 20-йилларида Туркиядаги сиёсий ва диний вазијатнинг ўзгариши таъсирида, хусусан, Мустафо Камол Отатуркнинг дунёвий давлат тузишига қарши муҳолиф равишда шакллантирилган. Сайд Нурсий Туркия Республикаси конституцияси тузумига таҳди迪 ва шариатга асосланган давлат тузишни уюштиришда айбланиб, судланди ва 23 йил умрини қамоқда ўтказди.

Ташкилот ғоялари ва асослари. Ҳаракат ғояси Нурсий ёзган 14 жилдан иборат Куръон оятларининг шарҳлари ва диний кўрсатмалардан иборат «Рисолаи Нур» кулиёти китобига асосланади. «Нурчиллик» хукумат томонидан таъқиб килингани учун мазкур

китоб 1954 йилгача бирор-бир нашриётда чоп этилмай, ҳаракат фаоллари томонидан қўлда кўчирилиб, ҳалқ орасида маҳфий тарқатилган. Ҳаракат аъзолари манбанинг муҳимлигини кўрсатишда Бадиуззамоннинг «Илм учун Рисолаи Нурни ўқиши ва кўчириб ёзиш кифоя, бошқа ҳеч нарса керак эмас», деган фикрини илгари суради.

Туркияning амалдаги давлат тузуми ўрнига ислом шариатига мувофиқ қонун-қоидаларини жорий қилиш «Нурчилик»нинг асосий ғояси ҳисобланади. Кейинги босқичда гўёки, туркийзабон давлатларни Туркия соясида бирлаштириб, исломий давлатни барпо этиш ғояси илгари сурилиб, бунда ҳаракат раҳнамоси Фатхулла Гюленнинг «Бутун Ер юзи Аллоҳнинг мулки, уни бу меники, бу сеники, деб бўлиб олишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ» деган фикр остида бошқа халқларни Ватан туйғусидан ажратиб, улар устидан хукмронликни қўлга киритиш кўзланади.

Ҳаракат стратегияси. Ҳаракатнинг стратегияси узоқ даврга мўлжалланган бўлиб, аста-секинлик билан ёшларга мутаассиб диний ғояларни сингдириб бориши ҳамда пантуркизм ғояларини сингдириш ва келажакда уларнинг раҳбар лавозимларга тайинлашиши орқали «Нурчилик» жамоасига мойил шахсларни ҳокимият тепасига чиқаришга асосланган.

Нурчилар стратегиясида Кавказ, Болқон ва Марказий Осиё минтақаси алоҳида ўрин тутади. Фатхулла Гюлен фикрича, ҳаракатнинг бу ҳудудларда устувор мавқега эришиши Усмонилар давридаги каби «Буюк Турун» тикланишига хизмат қиласи. Унинг кўрсатмаларига риоя қилган нурчилар тил, дин ва маданиятлар бирлигини ҳамда замонавий фикрлайдиган кадрлар тайёрлашда ёрдам беришни иddaо қилган ҳолда, Марказий Осиё давлатларида ҳам пайдо бўлди.

Умуман олғанда, юқорида қайд этилған омиллар таъсирида ҳаракатнинг таъсир доираси кенгайиб борганини қайд этиш лозим. Ҳозирги вақтда «Нурчилик» ҳаракати 120 давлатда фаолият олиб бораётгани, биргина Туркияда уларнинг тарафдорлари сони 5 миллионга етгани ҳам шундай хulosса чиқариш имконини беради.

Фаолият услублари. «Нурчилик» ҳаракати доимий таъқиб остида бўлгани учун унинг аъзолари маҳфий фаолият кўрсатишга уринади. Нурчилар ўзларининг ғаразли мақсадларини фош қилмаслик нуқтаи назаридан ҳаракат ичида хавфсизлик хизмагини жорий қилишган. Легал ишлаётган таълим муассасалари, оммавий аҳборот воситалари билан бир қаторда гурухларга бирлашиш ва маҳфий фаолият олиб бориш «Нурчилик»нинг асосий ҳаракат услубларидан ҳисобланади.

Ҳар бир мамлакат худудини муайян қисмларга бўлиб олиш орқали ҳаракат ғояларини ёйишга интилиш ва бунда ташкил этилған турли фонд ва фирмалардан восита сифатида фойдаланиш ҳам ўз самарасини бераётганини қайд этиш лозим. Шу билан бирга, худудлардаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият ҳақидаги маълумотлар тўпланиб, таҳлил қилинади ва шундан келиб чиқиб, ҳаракатнинг фаолият услубларига зарур ўзгартиришлар киритилади.

Ўз ғояларини тарғиб қилиш, ғаразли ниятларни амалга оширишда нурчилар энг самарали йўл сифатида таълим соҳасига алоҳида эътибор бериб келмоқдалар. Бу эса ҳаракатнинг ўз тузогига асосан ёшлиларни илинтириш ва шу йўл билан фаолият олиб бораётган мамлакатлар истиқболига эгалик қилишдек мақсаднинг кўзланаётганини кўрсатади.

Туркияда «Нурчилик» ҳомийлигига 103 та лицей, 460 та ўқув курси ва 500 га яқин ётоқхоналар ташкил

этилган. Германия, Швейцария, Нидерландия, Якин Шарқ ва Африкада кўплаб мактаб ва лицейлар фаолият кўрсатмоқда. 1990 йиллар бошларида туркийзабон халқлар яшайдиган Кавказорти давлатлари ва Россияда пайдо бўлган нурчилар томонидан 370 дан ортиқ лицей очилди. Мазкур рақамлар ҳам улар ўз ғояларини тарғиб қилишда аниқ амалий натижаларга эришганларининг далилидир.

Молиявий манбалари. Ҳаракатнинг молиявий манбалари турили хил банк, фирма, медиа холдинглар, таълим тизимлари ва хайрия жамғармаларидан тушган маблағларга асосланади. Шундай бўлса-да, мутахассислар нурчиларнинг молия тизимига шубҳа билан қараб, баъзи Farb давлатларининг бу ҳаракатга «хайриҳоҳ» муносабатда эканини таъкидлашади.

Минтақадаги фаолияти. Бу оқимнинг минтақага кириб келиши 1992 йилдан бошлаб кузатилган. Дастраслаб оқим ғоялари туркиялик мутаассибларнинг моддий ва маънавий кўмагида етказилган. Улар томонидан минтақа мамлакатларида очилган 128 та лицейдаги таълим жараёнида янги педагогик ва психологияк технологиялар ҳамда методлардан самарали фойдаланилгани уларнинг довруги тарқалишига ва аҳоли томонидан ижобий қабул қилинишига замин яратди. «Нурчилар» ҳаракатининг режасига кўра, 10–15 йиллардан сўнг улар фаолият олиб борган мамлакатнинг йирик сиёсий арбоблари ва тижоратчилари бўлиб этишишлари керак эди. Минтақа давлатлари телевидениеларига беғараз дея тақдим этилган диний мазмундаги фильм ва турли йўллар билан кенг тарқалган китоблар ёрдамида ҳам «Нурчилик» ғояларини ёйиш ишлари олиб борилди. Бизга қўшни бўлган айрим давлатларда бундай амалиёт бугунги кунда ҳам давом этмоқда.

«Нурчилик» ҳаракатининг бевосита Ўзбекистонга кириб келиши мустақиллик йилларининг бошлари-га бориб тақалади. Улар Туркия билан бўлган миллий ва маданий алоқалар сояси остида Турк-ўзбек лицейлари фаолиятини молиялаштириб, ўзбек ёшларини ҳаракат ғоялари домига тортмоқчи бўлди. Лицейлар фаолияти ҳаракатнинг асл мақсади фош бўлгандан сўнг 1999 йил тугатилган бўлса-да, сўнгги йилларда ҳаракатнинг фаолияти қайта жонланиб қолгани кузатилмоқда.

«Нурчилик» ҳаракатининг Ўзбекистонга иккинчи тўлқинида тактик ўзгаришлар ва жузъий «муваффақиятлар» кузатилди. Собиқ нурчилар янги кўринишда қайта фаоллашиб, «Ирмоқ» журнали, «Етти иқлим» газетасини чоп этдилар. Ҳаракатнинг юритмиздаги иккинчи ғайриқонуний уринишлари ҳам муваффақиятсизлик билан тугади.

Ҳаракатга муносабат. Бугунги кунда ҳаракат фаолияти Туркия, Россия ва Ўзбекистон каби бир қанча давлатларда тақиқланган.

Исломий жиҳод иттиҳоди

Ташкилот номи. «Исломий жиҳод иттиҳоди» (араб. – «Иттиҳад ал-жиҳад ал-исламий». Мазкур гурухнинг «Ислом жиҳоди», «Ислом жиҳоди уюшмаси», «Ислом жиҳоди – муҳоҳидлар жамоати» номлари ҳам мавжуд.

Асосчиси ва юзага келиши тарихи. Маълумотларга кўра, гурухга авваллари «Туркистон ислом ҳаракати»нинг аъзоси бўлган, ўзини «амир» деб эълон қилган Нажмиддин Жалолов асос солган. Мутахассислар «Исломий жиҳод иттиҳоди» гурухи «Туркистон ислом ҳаракати»дан ажralиб чиққанини эътироф этишади. Бунга молиявий масалалар, стратегия ва мақсадлар бўйича «Туркистон ислом ҳаракати»нинг раҳбари билан бир гуруҳ жангарилар ўртасида ихтилофнинг юзага келиши асосий сабаб бўлган.

Ташкилот ғоялари ва асослари. Гуруҳнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси хукуматига қарши чикиш, конституциявий тузумни ағдариш, терроризм орқали ислом халифалигини ўрнатишдан иборат. Ушбу мақсадда гуруҳ Афғонистон, Покистон ва Кавказдаги халқаро террорчи жамоа ва ташкилотлар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатган. Мазкур гуруҳ ўз ғояларини тарқатишда замонавий телекоммуникация воситалари имкониятларидан, хусусан, интернетдан унумли фойдаланишга интилмоқда.

Фаолият услублари. Гуруҳ фаолиятида «жиход» («қуролли кураш»), «истишҳод» амалиёти («ўз-ўзини курбон қилиш») муҳим ўрин тутади. Бу ишни амалга оширишда гуруҳ аъзоларига дастлаб диний мутаассибликка йўғрилган ғоялар сингдирилиб, турли ояtlар ва ҳадисларни нотўғри талқин қилган ҳолда таълим берилади. Сўнг ҳарбий амалиётлар ўргатилади ва жанговар тайёргарлик ниҳоясига етказилади. Таълим ва жанговар тайёргарлиқдан ўтган жамоа аъзолари, террорчилик лагерларига «жиход» қилиш учун юборилади.

Минтақадаги фаолияти. Ушбу гуруҳ минтақадаги фаолияти давомида бир қатор терактлар содир этган. Гуруҳ аъзолари томонидан 2009 йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Андижон вилоятида қўпорувчилик ҳаракати содир этилган. Шунингдек, 2009 йилнинг ёз ойларида улар томонидан Тошкент шаҳри, Қашқадарё ҳамда Тошкент вилоятларида амалга оширилган қотиллик ва босқинчиликлар натижасида 3 киши ҳалок бўлган, 24 фуқаро турли дараҷада тан жароҳати олган.

Ҳаракатга муносабат. «Исломий жиход иттиҳоди» террорчи гурухи 2005 йил 1 июндан БМТнинг 1526-сонли Резолюциясининг 1 ва 16-бандларига мувофиқ халқаро террорчи ташкилотларнинг рўйхатига киритилган.

«Жунду-л-халифат»

Ташкилот номи. «Жунду-л-халифат» («Халифа лашкарлари») асосан қозоқ миллатига мансуб жангариладардан иборат жиҳодий ташкилот.

Асосчиси ва юзага келиш тарихи. Мәдениеттегі мұнайсулардың күра, 2009 йылдан бүён ғоявий жиҳатдан шаклана бошлаган. 2011 йилнинг ёз ойларидә эса, қозогистонлик Ринат Ҳабидулла, Үринбосар Мунатов ва Да-мир Зналиевлар томонидан ташкил топган.

Ташкилот ғоялари ва асослари. Қозогистонда ислам амирлигини тиклаш ҳамда бу йүлда жиҳод амалийётларини янада күчайтиришга қаратылған.

Ҳаракат стратегияси. Майдан гурӯхларга бүлингән холда жиҳодий фаолиятини олиб боради. Ҳозирда Қозогистонда 5000 дан ортиқ киши ўзини ушбу оқимга мансуб, деб билади. Мазкур гурӯхнинг асосий базаси Афғонистон ва Покистонда жойлашған. Мәдениеттегі мұнайсулардың күра, сүнгги йилларда Қозогистонға қозоқ ва афғон миллати вакилларидан иборат террорчилар жүннатиб турилған. Ташкилот аъзоларининг ҳаракати, нафақат, миңтақада, балки Сурияда ҳам кузатылғанини қайд этиш лозим.

Молиявий манбалары: Жиҳод амалийётларыда күрсатаёттган «хизматлари» учун «ал-Қоида» каби йирик ташкилотлар томонидан молиялаштириләди. Шуннингдек, наркобизнес савдоси ҳамда турли талон-тарож йүллари орқали ҳам даромад топилади.

Террорчилек ҳаракатларыда иштироки. 2011 йилнинг 25 октябрдан 1 ноябрға қадар ташкилот етакчилиси Ринат Ҳабидулла интернет тизимида Қозогистон Республикасы конституцион тузумига қарши қатор баёнотлар берди. Бунинг натижасыда жамоа томонидан 2011 йил 31 октябрь куни Атирау вилояти ҳоқимият биносі ёнида кетма-кет портлашлар амалға оширилди.

Харакатга муносабат. 2011 йил 25 ноябрь куни «Жунду-л-халифат» Қозогистонда фаолияти тақиқланган террористик ташкилотлар рўйхатига кири-тилган.

«Жайшу-л-маҳдий»

Ташкилот номи. «Жайшу-л-маҳдий» (араб. «Маҳдий лашкарлари») Қирғизистонда вужудга келган жиходчи ташкилот.

Асосчиси ва юзага келиш тарихи. Маълумотларга кўра, 2010 йилда Қирғизистондаги мутаассиб кучлар томонидан тузилган. Жамоа орасидан Советбик Исломов жамоага «амир» этиб сайланган ва унга байъат қилинган. У 2011 йил 5 январь куни аксилтеррор амалиётларида йўқ қилинган.

Ташкилот ғоялари ва асослари. Жамоа конституцион тузумга қарши қурашиб ва жиҳод амалиётларини олиб бориш билан шуғулланади. Дастреб Қирғизистонда, сўнг Марказий Осиёда ислом халифалигини тиклаш жамоанинг асосий мақсади ҳисобланади.

Минтақадаги фаолияти. Жамоа томонидан ўз мақсадларига эришиш йўлида қатор террорчилик амалиётлари содир этилган. Жумладан, 2010 йил 9 сентябрь куни Бишкекдаги яхудийлар синагогасида, 30 ноябрда эса Спорт саройи ёнида портлаш, 2010 йил 19 декабрдан 20 декабрга ўтар кечаси АҚШ элчихонаси ёнида террорчиларнинг амалиётларига тасодифий гувоҳ бўлиб қолган фуқарони ўлдириб кетиш, 2010 йил 24 декабря АҚШ фуқаросининг уйига ҳужум ўюштириб, 20 минг АҚШ доллари қийматига тенг молмулк ва автомашина ўғирланиб, унга қўл-бала бомба ўрнатилган ҳамда Бишкек шаҳар Ички ишлар бўлими биноси ёнида қолдирилган. Шунингдек, 2011 йил 4–5 январь кунлари жангаришларни қўлга олиш операцияси жараёнида уч нафар милиция ходими ҳамда бир нафар маҳсус бўлинма ходими ҳалок бўлган.

Ҳаракатга муносабат. 2012 йил 24 октябрь куни «Жайшу-л-маҳдий» жамоаси Қирғизистонда фаолияти ман этилган террорчи ташкилотлар рўйхатига киритилган.

Қайд этилган диний-экстремистик ташкилотлар Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон хавфсизлигига таҳдид солгани юқорида келтирилган маълумотларда ўз аксини топган. Шунга мос равишда, Ўзбекистонда ҳам диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш бўйича салмоқли тажриба тўпланган. Мазкур тажрибадан келиб чиқадиган энг асосий хулоса шуки, диний экстремизм ва терроризм билан курашда, асосан, ҳукуқ-тартибот органларига суюниш, факат жазо чораларини қўллаш орқали унга барҳам беришга интилиш мазкур салбий ҳодисанинг оқибати билангина курашиш деганидир. Бошқача айтганда, бундай йўлдан борилса, диний экстремизм ва терроризмни озиқлантириб турган «илдиз»лар заррланмай қолаверади, маълум бир давр ўтиши билан улар янги «күртак»лар беришда давом этаверади.

ар

2.4. Соглом ва маърифий мазмунга эга бўлган соғ исломий тушунчаларнинг гаразли мақсадларда талқин этилиши

Ислом ниқоби остида фаолият кўрсатаётган экстремистик ҳаракатларнинг инсон онги ва қалбини эгаллаш мақсадида ҳар қандай разил йўллардан фойдаланиш ҳоллари авж олаётганини афсус билан қайд этиш лозим. Бундай кучларнинг динимиз асосларини, Куръон оятлари ва ҳадисларнинг асл моҳиятини бузиб талқин қилиши, жамият ҳаётига таҳдид соладиган ишларни ислом билан боғлашга уриниши эса, уларнинг ҳар қандай қабиҳ ишлардан ҳам қайтмаслигидан далолат беради.

Воқелик шуни кўрсатмоқдаки, улар Ер юзининг турли нуқталарида давлатта қарши тарғибот олиб бориш, жамият асосларини, мамлакатдаги тинчлик ва тартибни, мавжуд тузум ва бошқарув тизимини издан чиқаришда ҳам ислом дини ғояларини ғаразли талқин этиш услубидан фаол фойдаланмоқда.

Куйида экстремистлар ўзларига байроқ қилиб олган баъзи ғоялар ва тамойиллар тизимли таҳлил қилиниб, уларнинг ислом таълимоти асосларига мутлақо зидлиги бирламчи манбалар – Куръони карим оятлари ва ҳадисларга таянган ҳолда очиб берилади.

Жиҳод: моҳият ва талқинлар. Сўз ва тушунчалар инсоннинг ўзини, уни ўраб турган воқеликни, ҳодиса ва жараёнлар моҳиятини англашда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, уларда акс эттирилаётган воқеликнинг моҳияти гавдаланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, тушунчанинг асл мазмунини бузиб талқин қилиш у акс эттирилаётган воқеликни тұғри англаш имконини йўққа чиқаради. Бундай бузиб талқин қилиш атайлаб, ғараз мақсадларда амалга оширилганида, у салбий ҳодисалар ва фожиавий оқибатларга олиб келади.

Бугунги кунда экстремистик ташкилотлар томонидан ислом динининг айрим тушунчалари шундай талқин этилаётганини афсус билан қайд этиш лозим. Жумладан, исломни ниқоб қилиб, унинг номидан иш олиб боришга интилаётган экстремистик ҳаракатлар асосан «жиҳод – мусулмоннинг ғайридинларга қарши муқаддас уруши», деб талқин этмоқда. Бундай талқин динимизнинг гўёки, ёвузликка, жангу жадал, уруш, қон тўкиш, бошқа диндагиларга қарши кураш олиб боришга асослангани ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда. Демак, диний-экстремистик ҳаракатлар ва уларнинг ғоявий раҳнамолари ушбу тушунчага хос бўлмаган мазмун беришга интиломоқдалар. Масалан, «Салафийлик»нинг асосчилари-

дан хисобланувчи Ахмад ибн Таймия ўз фатволаридан бирида «Давлатни шариат асосида бошқармаётган хукмдорға жиҳод эълон қилиш зарур», деб ёқлад чиққан. «Мусулмон биродарлар» жамоаси етакчisisи Сай-йид Кутб эса, ўзининг «Йўлдаги белгилар» номли китобида «жиҳод» тушунчасини динсизларга ҳатто, унинг талқинига кўшилмаган мусулмонларга қарши кураш маъносида қўллаган.

«Жиҳод» тушунчасининг юқоридаги каби бузиб талқин этилиши, муайян террорчилек амалиётлари учун ғоявий-ақидавий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Буни ўз номига жиҳод сўзини асос қилиб олган юздан ортиқ диний-экстремистик гурухлар ва улар томонидан амалга оширилган қўпорувчилик ҳаракатлари мисолида ҳам кўриш мумкин. 2013 йил 3 март куни Караби (Покистон) шаҳрининг Аббос Таун провинциясида юз берган портлаш натижасида 45 киши оламдан кўз юмди, юзлаб инсонлар эса тан жароҳати олди. Шунингдек, Ироқда 2013 йил бошидан бўён соидир этилган терактлар натижасида 4 мингдан зиёд begunoq инсонлар ҳаётдан кўз юмиб, 10 мингдан ортиқ киши ярадор бўлди, биргина рамазон ойининг ўзида 670 та инсоннинг ўлеми қайд этилди. Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Аммо бир нарса аниқ: ислом дини манбаларида begunoq инсонларнинг қонини тўкиш, ғайридинларга озор бериш қатъяян ман этилган.

Аслида, «жиҳод» сўзи лугатда «жидду жаҳд», «бирор нарсага эришиш учун бор имкониятини ишга солиш» каби маъноларни англатади⁶⁰. Масалан, талабанинг дарсини ўзлаштириши ёки шогирднинг бирор хунарни ўрганиши учун бор куч ғайратини сарфлаши – унинг жиҳоди бўлади. Истилоҳда эса, ушбу сўз бир қанча маъноларда ишлатилади ҳамда бу сўзининг

⁶⁰ Файрузободий. Ал-Қомус ал-мухит. – Байрут: Ар-Рисола, 2005. – Б. 275.

Куръон ва ҳадисларда қўлланилиши билан белгиланади. Сир эмаски, бугунги кунда қўпчилик «жиҳод» деганда «уруш, жанг қилиш» каби маъноларни тушуниб қолмоқда. Бу ачинарли ҳол, албатта. Чунки, ислом тарихи ва таълимотини чуқур ўрганган киши бундай хulosани бермаган бўлар эди.

Юқорида таъкидланганидек, «жиҳод» сўзи истилоҳда бир қанча маъноларга эга. Куйида улар ҳақида қисқача маълумот бериб ўтамиш:

«Жиҳод» – Аллоҳнинг йўлига даъват қилиш, яхшиликка чақириш ва ёмонликдан қайтариш. «Жиҳод» бир дараҳт сифатида тасаввур қилинса, шу дараҳтнинг илдизи ва танасини бир нарса, у ҳам бўлса – Аллоҳ таолонинг тўғри йўлига даъват қилиш ташкил қиласиди. Баъзилар «жиҳод» Расулуллоҳ (алайҳиссалом)нинг Мадинага ҳижратларидан сўнг фарз бўлган, деб даъво қиласидилар. Аслида эса, бундай эмас. Маълумки, Куръони карим оятлари нозил бўлиш жиҳатига кўра иккига – маккий (Маккада нозил бўлган) ва маданий (Мадинада нозил бўлган) оятларга бўлинади.

Расулуллоҳ (алайҳиссалом) Маккада яшаганларида ҳам «жиҳод» тўғрисидаги оятлар нозил бўлган. Жумладан, Куръони каримнинг «Фурқон» сураси – маккий ҳисобланади. Ундаги оятда: **«Бас, Сиз Кофирларга итоат этманг ва унинг (Куръоннинг) ёрдамида уларга қарши каттиқ курашинг!»** (Фурқон, 52), дейилади. Расулуллоҳ (алайҳиссалом) ушбу оят нозил бўлгач, қўлларига қурол олиб, мушрикларга қарши урушмадилар. Аксинча, уларга қарши Куръон билан курашиб, тўғри йўлга даъват қилиб, нотўғри йўлдан қайтарганлар⁶¹.

Ибн Рушд жиҳод турларини қўйидагича тартиблайди: «Жиҳод тўртга бўлинади: қалб жиҳоди, тил

⁶¹ Қаранг: Рамазон Бутий. Ал-Жиҳод фи-л-ислам: қайфа нафҳамуҳу ва, қайфа нуморисуҳу. – Дамашқ: Дор ал-Фикр, 1993. – Б. 19-21.

жиходи, күл жиходи ҳамда қилич билан қилинадиган жиход». Сүнгра ушбу түрт жиходни шархлаб: «тил билан қилинадиган жиход бу яхшиликка чақириб, ёмонликдан қайтаришдир» дейди⁶².

«Жиход» – Аллоҳ йўлида инсоннинг ўз ҳавоий-нафсига қарши кураши. Юқорида таъкидланганидек, «жиход» бир дараҳт мисоли бўлса, унинг ғузагини «Аллоҳ йўлига сўз билан даъват қилиш» ташкил этади. Дараҳтнинг шоҳлари бўлгани каби, «жиход»нинг ҳам бир қанча қисмлари ажралиб чиққан. Шулардан бири, Аллоҳнинг йўлида киши ўз нафсини жиловлашидир. Бунга далил сифатида Имом Термизийдан ривоят қилинган қуйидаги ҳадиси шариф келтирилади: «Жиходнинг афзали Аллоҳ таолонинг зотида инсон ўз ҳавои нафсига қарши жиход қилишидир», дейилган.

«Жиход» – ота-онага хизмат қилиш. Бу ҳақда Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган: «Бир киши Расулуллоҳ (алайҳиссалом)га: «Мен жиходда қатнашмоқчиман», деди. У зот: «Ота-онанг борми?» деб сўрадилар. «Ҳа», деб жавоб қилди у киши. Шундда Пайғамбар (алайҳиссалом): «Уларнинг ҳузурига бориб, ёрдам бер, хизматини қил! Шу сенинг жиходингдир», дедилар». Шундан келиб чиққан ҳолда, мусулмон уламолар фарзанднинг ота-онага қилган хизмати ҳам жиход бўлиши мумкин, деган хulosани берганлар.

Шу ўринда, диний-экстремистик ҳаракатларда ўз сафларига қўшилмаган оила аъзоларига нисбатан кескин муносабат мавжудлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Жумладан, «Мусулмон биродарлар» ташкилоти етакчisi Сайид Кутб «Йўлдаги белгилар» китобида «ташкилотга садоқат оиласа бўлган садоқатдан ҳам устун бўлишини, керак бўлса, жамоа сафига қўшил-

⁶² Қарант: http://alsiyada.org/index.php?option=com_content&view=article&id=345%3A2012-08-29-11-50-47&catid=7%3A2011-08-14-15-18-08&Itemid=8&limitstart=1

маган ота-онаси, қавм-қариндошлардан ҳам воз ке-чиш лозим»лигини таъкидлаган эди. Худди шундай қарааш «Ўзбекистон ислом ҳаракати» етакчиси бўлган Тохир Йўлдошевнинг ўз жамоасига қўшилмаган барча кишиларни, хоҳ у отаси бўлсин, хоҳ акаси бўлсин воз кечиш ва уларга қарши жиҳод қилиш кераклитини эълон қилганида ҳам кўриш мумкин. Ваҳоланки, динимиз таълимотига кўра, фарзанд доимо ота-она хизматида бўлиши кераклиги, ҳатто, уларга «уф» дейиши ҳам мумкин эмаслиги таъкидланган. Куръони каримда бундай дейилади: **«Раббингиз, Унинг ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди. (Эй, инсон!) Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга «уф!..» дема ва уларни жеркима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт!»** (Исро, 23).

Расулуллоҳ (алайхиссалом) Маккадан Мадинага ҳижрат қилганларидан сўнг, Мадинада мусулмонлар учун олдин бўлмаган нарса, яъни давлат юзага келди. Пайғамбар (алайхиссалом) исломнинг илк – Макка даврида юқорида келтирилган, уруш маъноси бўлмаган жиҳодни олиб бордилар. Чунки у киши мушриклар етказган азоб ва укубатларга сабр қилиш ҳамда уларга қарши Куръон билан курашиш, тўғри йўлга даъват қилишга буюрилган эдилар.

Мусулмонлар Мадинага кўчиб ўтганларидан сўнг, Аллоҳ таоло мусулмонларга мушрикларга қарши курашиш, яъни қурол билан ўзларини мудофаа қилишга рухсат берди. Бу борада Куръони каримда: **«(Мушриклар томонидан) хужумга учраётган (мусулмон)-ларга, мазлум бўлганлари сабабли (жанг қилишга изн берилди. Албатта, Аллоҳ уларга ёрдам беришга қодирдир»** (Хаж, 39), деб таъкидланади. Шу аснода, ҳижратнинг иккинчи йилида уруш маъносидаги жиҳодга изн берилди.

Ушбу оят тафсирида айтилишича, «Пайғамбари-миз Мұхаммад (алайхиссалом) Маккада турған йиллари мусулмонлар мушрик ва коғирлардан ҳар қандай азият чеккан, турли тазийк ва зулму истибдодларга дучор бўлсалар ҳам, Аллоҳ куфр ва ширк аҳлига қарши жанг қилишга рухсат бермаган, балки улар билан муросасозлик қилишга, сабр-қаноатли бўлишга буюрилганлар. Ҳижратдан кейин эса, жанг қилишга изн берилди»⁶³.

Ислом тарихини чукур ўрганган мутахассис олимлар, тарихда юз берган ҳар қандай жиҳод, фақатгина, мудофаа мақсадида олиб борилганини таъкидлайдилар. Ҳусусан, Рамазон Бутийнинг «ал-Жиҳад фи-л-ислам» китобида бундай дейилади: «Расулуллоҳ (алайхиссалом) Маккадан Мадинага ҳижрат қилганларидан сўнг, илк ислом давлати юзага келди. Унинг раҳбари Расулуллоҳ (алайхиссалом) эдилар. Бунда мусулмонлар томонидан олиб борилган жиҳодлар, ёв бостириб келганда ҳимоя мақсадида ёки душман тарафдан хужум ҳавфи пайдо бўлганда унга қарши бориш учунгина юз берганини кўриш мумкин»⁶⁴. Шунингдек, олим «Асл жиҳод» номли видео дарсида бундай дейди: «Ҳозирда баъзи бир тоифа кишилар Расулуллоҳ (алайхиссалом) даврларида содир бўлган аксар ғазотлар мусулмонлар томонидан амалга оширилган, деган иддаоларни қилишади. Бунга жавобан шундай деймиз: Билингки, Расулуллоҳ (алайхиссалом) даврида юз берган ғазотларнинг бирортаси мусулмонлар томонидан бошланмаган. Фақатгина, уруш бўлган тараф мусулмонларга қарши уруш режасини тузган бўлсалар, бу каби ҳолатлар мустаснодир.

⁶³ Қаранг: Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири (Таржи-ма ва тафсир муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур). – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2012. – Б. 337.

⁶⁴ Қаранг: Рамазон Бутий. Ал-Жиҳод фи-л-ислам: кайфа нафхамуҳу ва кайфа нумарисуҳу. – Дамашқ: Дор ал-Фикр, 1993. – Б. 19-27.

Ислом тарихига назар солсак, Хайбар, Хунайн каби ғазотларни кўришимиз мумкин. Тўғри, уларда Расулуллоҳ (алайҳиссалом) мавжуд бўлиб турган душманга қарши уруш қилмаганлар. Баъзилар Хайбар ғазоти ҳақида гапириб туриб, у ерда Бану Қайнуқоъ, Бану Курайза каби яхудий қабилалари омонлиқда, ўз динларига эътиқод қилган, бирорга зарар етказмаган ҳолда яшардилар. Бироқ шу ҳолатда, мусулмонлар уларга қарши биринчи бўлиб хужум бошлангандар, деб таъкидлашади. Аслида эса, Расулуллоҳ (алайҳиссалом)га, хайбарлик яхудий қабилалари билан Фатафон қабиласи ўзаро келишган ҳолда Мадинадаги мусулмонларга қарши урушни режалаштираётгандар, бу режани амалга ошириш илинжида ҳаракатлар бошлангани ҳақидаги аниқ хабар келади. Шундан сўнг, Расулуллоҳ (алайҳиссалом)нинг илк қилган ишлари Хайбар яхудийлари билан Фатафон қабиласи ўртасидаги йўлни тўсиб, Хайбарга хужум бошлайдилар. Чунки улар мусулмонларга қарши уришни режалаштирган эди. Бу Хайбар ғазоти хусусидаги жавобимиздир.

Яна бир тоифа кишилар Мульта ғазотини мисол килиб келтириб, айнан ушбу ғазот мусулмонлар томонидан бошлаб берилган, дейишади. Ваҳоланки, шомликларнинг ўзлари бу хусусда ҳеч нарса дейишмайди. Маълумки, Расулуллоҳ (алайҳиссалом) Худайбия сұлҳидан сўнг, ўз замонасининг йирик давлат раҳбарларига номалар жўнатдилар. Шомга Ҳорис ибн Умайр ал-Аздий (розияллоҳу анҳу)ни элчи қилиб юборилган, аммо у «элчига ўлим йўқ» қоидасига хилоф равишда қатл қилинганди. Ўша вақтда Шом Византия қўл остида эди. Бу орада Византия мусулмонларга қарши тиш қайраб турганлиги очик-ойдин бўлиб қолгач, Расулуллоҳ (алайҳиссалом) Шомга юриш қиласидилар».

Бу борада Шайх Абдулазиз Мансур бундай дейдилар: «Агар «жиҳод» ислом давлатини қуриш учун ёки инсонларни динга киришга мажбураш учун жорий этилганида эди, Расууллоҳ (алайхиссалом)нинг ўзлари бу борада намуна кўрсатган бўлур эдилар. Яъни, у зот биринчи бўлиб Маккадаги мушрикларнинг катталари билан урушган, ислом давлатини барпо этиш учун жиҳод эълон қилган бўлардилар. Бироқ Пайғамбаримиз (алайхиссалом) бундай йўл тутмадилар. Аксинча, мусулмон жамияти тинч йўл билан, табиий равишда юзага келгач, унинг ҳимояси учун жиҳодга чиқданлар»⁶⁵.

Юқоридагилардан хulosса қилиб, жиҳод деганда, аввало, нотўғри йўлдан қайтариб, тўғри йўлга бошлаш тушунилади, дейиш мумкин. Бу қоида кеча ёки бутун пайдо бўлиб қолган эмас. Балки илк ислом даврида юзага келган бўлиб, Куръони карим оятларига асослангандир. Ўша пайтларда «Ҳаж» сурасининг 39-ояти, «Бақара» сурасининг 190-ояти, «Нисо» сурасининг 75-ояти нозил бўлдики, исломда биринчи бор «жиҳод»га, яъни муайян ҳолларда душманга қарши кураш олиб боришга изн берилди.

Кейинчалик жиҳоднинг нафсга қарши курашиш, ота-онага хизмат қилиш каби турларини, ислом давлати қад кўтаргач эса, муҳофаза ёки ёв бостириш хавфи сезилганда унинг олдини олиш буорилган. Бугунги кунда «жиҳод» дёя бонг ураётганларнинг асосий мақсади қандай усул ва воситалардан фойдаланиб бўлса ҳам мавжуд ҳокимиятни қўлга киритиш экани, бу каби амалиётлар ислом таълимотига мутлақо зидлигини англаб етишимиз лозим.

Такfir тушунчаси. Ислом дини таълимотига кўра, Аллоҳнинг ягоналиги, Пайғамбар Мұҳаммад (алай-

⁶⁵ Абдулазиз Мансур. Бузғунчи оқимларнинг сохта даъволарига раддиялар // Тинчлик ва осойишталик – олий неъмат. - Тошкент: Мовароуннаҳр, 2013. - Б. 16.

ҳиссалом) Унинг элчиси эканига имон келтирган, ислом динига эътиқод қиласидиган ҳар қандай киши мўмин ҳисобланади. Инсоннинг имонини ўлчаш, уни мусулмон ёки кофиригини аниқлаш ҳуқуқи ҳеч кимга берилмаган. Чунки имон инсон қалбида бўлади. Қалб эса, фақатгина Аллоҳнинг ҳукмидадир.

Тарих турли диний-экстремистик оқимлар куфр масаласида исломнинг моҳиятига зид даъволар билан чиққанидан гувоҳлик беради. Хусусан, ўз даврида «хаворижлар» «кatta гуноҳ содир этган мўминни кофир», деб иддао қилиб, қирғин-барот урушларнинг келиб чиқиши ва кўплаб инсонларнинг қони тўкилишига сабабчи бўлган эдилар.

Бугунги кунда ҳам кўплаб диний-экстремистик гуруҳлар мусулмонларга «кофир» деб айб қўйиб, диндошларига қарши «жиход» эълон қилишгача бормоқда. Айрим радикал оқимларнинг ўз жамоатларидан четлашган, ҳижрат қиласидаги, уларнинг наздида кофир ҳисобланган кишини кофир демайдиганларни «куфр»да айблаётгани ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради. Ваҳоланки, ислом таълимотига кўра, ширкдан ташқари ҳар қандай гуноҳ қилган инсон токи ўша гуноҳини ҳалол деб ҳисобламас экан, кофир бўлмайди. Мусулмонлар жамоасидан четлашиш эса, фақатгина исломни тарқ этиш (муртадлик)да намоён бўлишини инобатта оладиган бўлсак, экстремистларнинг ўз жамоаларидан чиққанларни кофириликда айблаши бутунлай асоссиз эканини англаш мумкин.

«Куфр» сўзи луғатда «беркитмоқ», «яширмоқ» деган маъноларни англатади. Арабларда ургуни ер остига кўмишгани учун дехқонларни ҳам «кофир» деб аташтан. Шунингдек, «куфр»нинг «кофир бўлмоқ», «динсиз бўлмоқ» каби маънолари бўлиб, у имоннинг акси ҳисобланади. Қалбида умуман имони бўлмаган

шахс эса «кофир» дейилади⁶⁶. Имом Фаззолий «куфр»-га таъриф бериб: «у Расулуллоҳ (алайҳиссалом) олиб келган нарсани ёлғонга чиқаришдир», деганлар⁶⁷.

Юсуф Қарзовий ўзининг «Зоҳирату-л-гулув фи-т-такfir» асарида куфрни бундай таърифлайди: «Куръони карим оятлари ва ҳадиси шарифларда келган «куфр» сўзини ўрганадиган бўлсак, уларни иккига, яъни, мусулмон кишини диндан чиқарадиган катта ҳамда гуноҳи кабирага teng бўлган кичик куфрларга ажратиш лозим. Катта куфр – Муҳаммад (алайҳиссалом) олиб келган илоҳий таълимот ёки унинг баъзи зарурий қисмларини инкор қилиш орқали содир бўлади. Кичик куфр эса – Аллоҳ таоло томонидан буюрилган ишларнинг зиддини қилишлик орқали бўлади. Бу ҳолатда инсон диндан чиқмайди, аксинча, катта гуноҳ қилган бўлади. Бу борада бир қатор мисолларни келтириш мумкин. Жумладан, Расулуллоҳ (алайҳиссалом) дан ривоят қилинади: «Мусулмон киши бошқа бир биродарини сўкишлиги фисқ бўлса, у билан урушиши куфрдир». Ҳадисда келган «куфр» сўзи – катта гуноҳ маъносида келмоқда. Бунга далил сифатида тарихдан олиб қарайдиган бўлсак, мусулмонлар ўртасида келишмовчилик ва ўзаро жанглар бўлиб турган. Масалан, тўрт халифанинг бири Али (розияллоҳу анҳу), у киши билан «Жамал» ва «Сиффин» жангларида уруш қилган мусулмонларни «кофир» деб айбламаганлар»⁶⁸.

Мусулмон кишини кофириклида айблаш мумкин эмаслиги борасида Имом Довуддан ривоят қилинган ҳадисда бундай дейилади: «Уч нарса имоннинг аслидир: «La illâha illâ Allâh (Аллоҳдан бошқа илоҳ)

⁶⁶ Каранг: Юсуф Қарзовий. Зоҳирату-л-гулув фи-т-такfir. – Қоҳира: Мактабат Ваҳба, 1990. – Б. 26–28.

⁶⁷ Файсалу-т-тафриқа байна-л-ислам ва-л-зиндиқа. – Дамашқ, 1993. – Б. 25.

⁶⁸ Юсуф Қарзовий. Зоҳирату-л-гулув фи-т-такfir. – Қоҳира: Мактабат Ваҳба, 1990. – Б. 52.

йўқ!» деган кимсага тегмаслик; гунохи туфайли уни куфрда айбламаслик; амали туфайли уни исломдан чиқармаслик»⁶⁹. Бошқа бир ривоятда, «Кимда ким ўз биродарини «кофир» ёки «фосиқ» деса, агар ўша инсонда шу нарса топилмаса, айтган инсоннинг ўзи шундай бўлибди»⁷⁰, деб таъкидланган.

Юқорида келтирилган ҳадислар билан бир қаторда, уламолар ҳам бу борада ўз фикрларини билдиришганини қайд этиш лозим. Жумладан, замонаси-нинг етук уламоси Ибн Нажим ақидавий ва фикъий масалаларни атрофлича баҳс юритиб «Агар бу масала да кофир дейиш учун тўқсон тўққизта далил бўлса-ю, кофир демаслик учун биргина далил бўлса, тўқсон тўққизни қўйиб, ўша бир далилни олиш керак. Аммо динда ҳаддан ошиб ғулувга кетганлар бу масалада «мўмин дейиш учун тўқсон тўққизта далил бўлса-ю, кофир дейишлик учун биргина далил бўлса, тўқсон тўққизни қўйиб, ўша бир далилни олиш керак», дейишга бориб етдилар. Бу эса, барча исломий мазҳаблар ва уламоларнинг туттган йўлига тескари-дир», дейдилар⁷¹.

Имом Шавконий бундай дейдилар: «Билгинки, Аллоҳ таоло ва қиёмат кунига имон келтирган киши мусулмон биродарини кундузи Куёш шуъласи ёруғлигидек аниқ далилга эга бўлмасдан «кофир» деб атамасин. Зоро, Расулулоҳ (алайхиссалом)дан событ бўлган ҳадиси шарифда: «Ким ўз биродарига кофирсан деса, унинг ўзи кофир бўлибди», дейилган»⁷².

Шунингдек, «Васатия – ҳаёт йўли» китобида бундай дейилади: «Калимаи шаҳодатни айтиб, ўзининг

⁶⁹ Имом Абу Довуд. Ас-Суннат. 2213-ҳадис.

⁷⁰ Ибн Батта. Ал-Ибона ал-қубро. 996-ҳадис.

⁷¹ Қаранг: Ибн Нажим. Ал-Бахру-р-роиқ шарху канзу-д-дақоик. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1997. Ж. 5. – Б. 170-201.

⁷² Юсуф Қарзовий. Зоҳирату-л-гулув фи-т-такфир. – Қоҳира: Мактабат Ваҳба, 1990. – Б. 93-94.

мусулмонлигини билдириб турган кишига тегмаслик, унинг жонига, молига зарар етказмаслик зарур. Зоҳирида мусулмон бўлиб кўриниб, Исломнинг зоҳирий амалларини қилаётгандар билан мусулмонча муомала қилинаверади. Кишиларнинг ички сирлари ва ҳисоб-китоблари Аллоҳнинг Ўзига ҳавола! «Ла илиха иллаллоҳу»ни айтиб, зоҳирида мусулмон бўлиб кўринган одамни қилган гуноҳ иши туфайли коғирга чиқармаймиз. У коғир эмас, осий мўмин бўлади. Калимаи тавҳидни айтиб, исломни зоҳиридан кўрсатиб турган одамни амали туфайли ислом дини, ислом миллатидан чиқармаймиз. Бундай одамларга амалига яраша тайин қилинган шаръий жазо берилади. Эътиқоди бузилмаса, исломдан чиқсан ҳисобланмайди. Умумий қоида – шу!»⁷³

Йирик халқаро исломий ташкилотлар томонидан бугунги кунда жамиятда юз бераётган бу каби ҳолатларга бефарқ бўлмаган ҳолда, ушбу мавзу юзасидан қатор тадқиқотлар олиб борилиб, конференциялар ўtkазилмоқда. Жумладан, 2005 йил 6 июляда қабул қилинган «Ислом ҳақиқати ва унинг замонавий жамиятда туттан ўрни ҳақидаги Уммон Декларацияси»да шундай дейилади: «Аҳли Сунна вал жамоанинг тўрт мазҳаби: ҳанафий, моликий, шофиъий, ҳанбалий, шунингдек, жаъфарий, зайдий, ибодий ва зоҳирий мазҳабларига эргашувчи ҳар бир шахс мусулмондир. Уни коғир дейиш, жонига қасд қилиш, шаъни ва мол-мулкига тажовуз қилиш мумкин эмас... Умуман олганда, Аллоҳга, Унинг Расулига имон келтирган, дин арконларини ҳурмат қиладиган ва уларнинг бирортасини инкор этмайдиган мусулмонларнинг ҳар қандай тоифасини коғирга чиқариш жоиз эмас. Исломдаги мазҳаблар ўртасида умумий

⁷³ Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф. Васатия – ҳаёт йули. – Тошкент: Sharq, 2006. – Б. 247.

жиҳатлар жуда ҳам кўп. Саккиз мазҳаб вакиллари ягона Аллоҳ таолога, муқаддас Қуръони карим (Аллоҳ нозил қилган Калом)га ва оламлар сарвари Пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом)га имон келтирган ҳолда ислом таълимотига риоя қиласидар. Айни пайтда, улар имон, намоз, закот, рамазон рӯзаси ва ҳаж қилиш каби исломнинг беш арконига ҳамда имон арконлари: Аллоҳга, Унинг фаришталарига, муқаддас китобларига, пайғамбарларига, қиёмат кунига ва қазои қадарга ишонадилар⁷⁴.

Шу ўринда, мусулмон кишини «куфр»га олиб борувчи бир қанча шартларни ҳам ўрганиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, Рамазон Бутий: «Мусулмон киши уч хил: қавл (сўз), амал ҳамда масхара ва таҳқириш орқали диндан чиқади. Инсон агар ислом арконларидан бирини ёки қатъий келган бирор ҳукмни инкор қилса, шунингдек, бут-санамларга сифинса ҳамда ислом ва имон арконларининг устидан масхара қилиб кулса, диндан чиқади. Юқоридаги ҳолатлардан бошқа ўринларда инсон диндан чиқмайди. Шунингдек, бунгунги кунда баъзи гуруҳлар бутун бир жамоани куфрда айблаётганларини кўрамиз. Ақида китобларининг барчасида хилофсиз ушбу тарзда инсонларга ҳукм тамғасини босишлик мумкин эмаслиги таъкидланган. Чунки «ушбу қавм» ёки «ушбу худуд» ёки «ушбу диёр» аҳолиси барчаси коғир, деб аташлиқ ислом таълимотларига зид ишдир», деб таъкидлайдилар⁷⁵.

Юқорида келтирилган ҳадислар, йирик ташкилотлар томонидан чиқарилган фатволар ҳамда уламоларнинг фикрлари асосида айтиш мумкинки, бирор кишига бошқа бир биродарини «коғир»ликда айблаш ҳуқуқи берилмаган. Чунки инсон қалбida кечеётган ҳис-туйғуларни Яратгандан бошқа ҳеч ким билмай-

⁷⁴ Қаранг: www.ctic.org.sa/ctic.org.sa/declar_en.doc

⁷⁵ Рамазон Бутий. Ал-Жиҳод фи-л-ислам: кайфа нафҳамуҳу ва кайфа нумарисуҳу. – Дамашқ: Дор ал-Фикр, 1993. – Б. 155.

ди. Қолаверса, бир мусулмонни коғирлиқда айблаш орқали, айблаған инсоннинг ўзи шу ҳукмда бўлиб қолиши мумкинлигини ҳадислар орқали ўргандик. Бу каби бузғунчи ғояларнинг тарқалишидан кўзланган мақсад эса, инсонларни коғирлиқда айблаш ва шу орқали уларга қарши ўzlари талқин қилаётган жиҳод қилишга йўл очишидир.

«Дору-л-ислом» ва «дору-л-ҳарб» тушунчаларининг моҳияти. Маълумки, сўнгги йилларда мутаасиб оқимлар инсонлар орасида фитна қўзғаш, маълум бир давлатда парокандаликни юзага келтириш ҳамда шу орқали ўзларининг ғаразли мақсадларига эришиш учун турли хил услугуб ва воситалардан фойдаланишмоқда. Шулардан бири, маълум бир давлатни «куфр диёри» деб атаб, у ердан ҳижрат қилиш, шунингдек, бундай «куфр диёрлари»га қарши уруш олиб бориши керак, деган ғоядир.

Шу ўринда, ислом динининг асосий манбаси бўлмиш Куръони карим ва ҳадиси шарифларда ҳудудларни диний ҳолатга кўра ажратиш учрамаслиги, бу нарса кейинчалик жорий қилинганини тъқидлаш лозим.

Умуман олганда, «дору-л-ислом» ва «дору-л-куфр» тушунчаларини шарҳлашда мусулмон уламолари ўртасида баъзи ихтилофлар мавжуд. Шундай экан, мазкур тушунчаларнинг луғавий, истилоҳий маънолари ҳамда бу борадаги уламоларнинг фикрларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

«Дору-л-ислом» диний истилоҳ бўлиб, луғатда «ислом диёри» деган маънени англатади. Истилоҳда эса, «ислом арконлари амалда бўлган ҳудудга нисбатан кўлланилади»⁷⁶.

«Дору-л-ҳарб» ёки «дору-л-куфр» тушунчалари эса «уруш диёри», «куфр диёри» мазмунини билдириб,

⁷⁶ Ал-Мавсузату-л-фиқхийя. – Кувайт: Визарат ал-авқоф ва-ш-шуъбу-л-исламийя, 1990. Ж. 20. – Б. 271.

юқоридаги ҳолатга зид бўлган, яъни ислом арконларини бажаришта умуман йўл қўйилмайдиган худудга нисбат берилади⁷⁷.

Ушбу масалада факиҳларнинг қарашлари турли хил бўлган. Баъзи уламолар диёrlарни иккига, «Дору-л-ислом» ва «Дору-л-харб»га ажратса, бошқалари бунинг қаторига учинчи – «Дору-с-сулҳ»ни ҳам қўшади. «Дорус сулҳ» лугатда «сулҳ, аҳд диёри» маъносини англатади⁷⁸. Баъзи уламолар: «Дору-л-исломдан мақсад, унда ислом аҳкомларининг жорий қилиниши билан бўлади», дейдилар. Мутаассиб гурухлар эса, бу каби тушунчалардан ўз амалиётларини асослашда фойдаланиб, ислом аҳкомлари, яъни шариат асосида ҳукм юритмаган диёrlарни «куфр диёри» деб атайдилар ва уларга карши жиҳод қилишга буюрадилар. «Бадоиль-ас-саноиъ»да: «Куфр диёрида намоз ўқиш, рўза тутиш каби ислом аҳкомларига амал қилиниши билан у ислом диёрига айланади», деб таъкидланган⁷⁹.

Абдул Қодир Авда айтади: «Дору-л-ислом – ислом арконлари амалда бўлган ёки унда яшовчи мусулмонлар ислом арконларини бажаришига монелик бўлмаган худуд. Шунингдек, унга аҳолисининг барчasi ёки кўп қисми мусулмонлардан иборат бўлган, аҳолисининг кўп қисми мусулмон бўлмаган, бироқ бошқарув мусулмонлар кўлида бўлган, бошқарув мусулмонлар кўлида бўлмаса ҳам, мусулмонлар у ерда ислом арконларини бажаришларига монелик бўлмаган худудлар ҳам киради»⁸⁰. Бундан кўринадики, мутақаддим уламолар таърифларида айтилган «аҳкомлар»дан мурод, арконлардир.

⁷⁷ Ўша китоб. – Б. 272.

⁷⁸ Ўша китоб. – Б. 274.

⁷⁹ Имом Алоуддин Косоний Ҳанафий. Бадоиль-ас-саноиъ фи тартиби-т шароиль. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 2002. Ж. 7. – Б. 130.

⁸⁰ Абдул Қодир Авда. Ат-ташриъ ал-жиноий ал-исламий муқоранатан би-л-қонун ал-вадъий. – Байрут: Дор ал-котиб ал-илмийя, 1993. 1/275.

Аксар уламолар аzon «дору-л-ислом» ва «дору-л-куфр»ни ажратиб турувчи деб таъкидлашади. Жумладан, Ҳофиз ибн Абдул Барр: «Мен аzon бор жойда истиқомат қилувчилар учун муҳим нарса эканида уламолар орасида ихтилоф борлигини кўрмадим. Чунки, аzon «дору-л-ислом» ва «дору-л-куфр»ни ажратиб турувчиидир», дейди⁸¹.

Мутаассиб оқимлар «бирор ҳудуд «дору-л-ислом» бўлиши учун шариат аҳкомлари татбиқ этилиши хамда у ерда мусулмонлар ва зиммийлар омонликда яшаши лозим», деган шартларни келтиришади. Жумладан, «Хизбут-тахрир» ташкилотининг асосчиси Тақийиддин Набаҳоний бундай дейди: «Бирор ҳудудни «дору-л-ислом» ёки «дору-л-куфр» деб аташлик учун икки омилга эътибор беришлик лозим: биринчиси – ислом аҳкомлари билан ҳукм чиқариш, иккинчиси – унда яшаётган мусулмонлар омонда бўлишилигидир. Агар муайян ҳудудда шу икки унсур мавжуд бўлса, у ерни «дору-л-ислом» дейиш мумкин. Агарда келтирилган икки асосдан бирортаси йўқ бўлса, ундей ҳудуд «дору-л-куфр»дир. Шундай экан, бугунги мусулмон давлатларининг барчаси «дору-л-куфр»дир. Чунки уларнинг бирортасида ҳам ислом аҳкомлари жорий қилинмаган»⁸².

Тақийиддин Набаҳоний келтирган фикрнинг ноғўри ва асоссиз эканини таъкидлаб, ислом оламида машҳур бўлган, кўплаб асарлар муаллифи Муҳаммад Абу Захро бундай дейди: «Баъзи кишилар каби шариат аҳкомлари жорий қилинмаганини ҳисобга олган ҳолда, бу ҳудуд «дору-л-ислом», бошқаси «дору-л-куфр» деб айта олмаймиз. Ҳозирда Мағрибдан тортиб Туркистон соҳилларида жойлашган давлат-

⁸¹ Ибн Абдул Барр, Ал-Итизкор. – Қоҳира: Дор ал-ваъӣ, 1993. Ж. 4. – Б. 18.

⁸² Муҳаммад Ҳайр Ҳайкал. Ал-Жиход ва-л-қитол фи-с-сиёсати-шарыйя. – Дамашк: Дор Ибн Ҳазм, 1996. – Б. 666-667.

ларда шариат аҳкомлари татбиқ қилинмаса ҳам, барчаси «дору-л-ислом» ҳукмидадир. Чунки у ерда яшаётган мусулмонларнинг барчаси омонликда ҳаёт кечиришади ва уларнинг динига ҳеч қандай хавф йўқдир»⁸³.

Шу ўринда, баъзи экстремистик гурӯҳлар томонидан ҳозирда барча давлатлар «дорул куфр, шундай экан, мусулмон киши бундай диёрдан ҳижрат қилиши фарз» деб иддао қилишларини қайд этиш лозим. Ваҳоланки, биз сиз билан юқорида «дору-л-ислом» ва «дору-л-куфр» диёrlари ҳақида келган маълумотларни таҳлил қилиб, бу каби гояларнинг асоссиз эканини ўрганиб чиқдик. Шундай бўлса-да, уламоларнинг ҳижрат борасида билдирган фикрларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ.

«Ҳижрат» сўзи луғатда «бир жойдан иккинчи жойга кўчиш», «тарқ қилиш» маъноларини англатади. Истилоҳда эса, Расууллоҳ (алайҳиссалом) даврларидаги мусулмонларнинг Ҳабашистонга, кейинчалик Расууллоҳ (алайҳиссалом) ўzlари бошчилигига Мадинага кўчиб ўтишларига айтилади⁸⁴.

Расууллоҳ (алайҳиссалом) Маккада даъват ишларини олиб борганлари сари мусулмонларнинг сони кўпайиб бораверди. Бундан ташвишга тушган Макка мушриклари Пайғамбар Муҳаммад (алайҳиссалом)га суиқасд уюштириб, у кишини йўқ қилишга келишишади. Бироқ Аллоҳ таоло ўз Расулини фитнадан озод қилиб, у кишига Мадинага ҳижрат қилиш тўғрисида ваҳий юборади. Демак, Расууллоҳ (алайҳиссалом)нинг Маккадан Мадинага ҳижрат қилишларига асосий сабаб у кишининг ҳаётларига тажовуз қилинганида эди.

⁸³ Муҳаммад Абу Заҳро. Ал-Жарима ва-л-уқуба фи-л-Фиқҳ ал-Исламий. – Дамашқ: Дор ал-Фикр ал-Арабий, 1998. – Б. 343.

⁸⁴ Файрузободий. Ал-Қомус ал-муҳит. – Байрут: Ар-Рисола, 2005. – Б. 495.

Уламолар ҳижрат түғрисида нозил бўлган оят ва ҳадисларни ўрганиб, уни икки қысмга ажратадилар. Биринчиси, юқорида таъкидланган «күчиш» маъносидаги ҳижратдир. Бу борада Куръони каримда бундай дейлади: «Албатта, ўзларига (хижратдан бош тортиб) зулм қилувчиларнинг жонини олган фаришталар (уларга): «Қайси ҳолда бўлдингиз?» десалар, улар: «Ер юзида бечораҳол эдик», деб айтадилар. (Фаришталар): «Аллоҳнинг ери унда ҳижрат қилишларинг учун (етарлича) кенг эмасмиди?», дейдилар. Ана ўшаларнинг жойи жаҳаннамдир. Нақадар нохуш жой у!» (*Нисо*, 97). Ушбу оятдан мусулмонларга нисбатан тазийик ёки тажовуз ҳоллари кузатилганда ҳижрат қилишга буюрилишиари келиб чиқади. Шу мазмундаги ояллар Нисо (100-оят), Анфол (74-оят), Наҳл (41 ва 110-оятлар) сураларида ҳам келган.

Иккинчиси, инсон гуноҳлардан ўзини тийиши ва уларни тарк қилиши тушунилади. Бу борада Имом Бухорийдан ривоят қилинган қўйидаги ҳадиси шариф далил сифатида келтирилади. Расулуллоҳ (алайхиссалом): «Тили ва қўлидан бошқалар азият чекмаган киши ҳақиқий мусулмондир. Аллоҳ таоло қайтарган нарсалардан ҳижрат қилган инсон ҳақиқий муҳожирдир»⁸⁵, дейилган. Уламоларни ҳадисни шархлаб, ундаги «ҳижрат»дан мурод «тарк қилишдир», деганлар. Бошқа бир ҳадисда эса, Умму Анас (розияллоҳу анху) Расулуллоҳ (алайхиссалом)дан насиҳат қилишни сўрайдилар. Шунда, Расулуллоҳ (алайхиссалом): «Гуноҳлардан тийилгин, ўша ҳижратнинг энг каттасидир. Фарзларга риоя қилгин, ўша жиҳоднинг энг афзалидир. Зикрни кўпайтиргин, Қиёмат куни Аллоҳ таолонинг ҳузурига борганингда унга энг маҳбуб амал шу бўлади»⁸⁶, дейилган.

⁸⁵ Имом Бухорий. Сахиҳи Бухорий. 10-ҳадис.

⁸⁶ Ибн Шоқин. Ат-Тарғиб фи фазоили-л-аъмол. 164-ҳадис.

Бу борада Шайх Абдулазиз Мансур шундай дейдилар: «Ақидапараст гуруҳлар ҳижрат тушунчасини ўз мағкуравий қарашларига мос равища нотўғри талқин қилмоқдалар. Бу кучлар таассубга берилган шахсларни дунёнинг нотинчлик ҳукм сураётган ва ўзлари қўним топган минтақаларига жамлаш ва шу орқали режалаштирилган геосиёсий мақсадларни амалга оширишга интилишяпти. Хусусан, улар илм ва маърифатдан йироқ жоҳил кимсаларни ислом диёри бўлган, аzon айтиладиган, жума ва ҳайит намозлари ўқиладиган, хуллас, исломнинг беш аркони эмин-эркин адо этиладиган, мусулмонлар тинчлик-хотиржамликда ҳаёт кечираётган Ватанини тарк этишга тарғиб қилмоқдалар. Ваҳоланки, она юртини ташлаб, ўзга элларда сарсон-саргардон юриш, ўзи каби манқурт шахслар билан бирлашиб, киндик қони тўкилган юртига қарши қурол кўтариш ислом таълимотига зид экани барчага маълум»⁸⁷.

Юқоридагилар билан бир қаторда, мусулмон уламолари бирор кишининг «дору-л-куфр»дан ҳижрат қилишлиги борасида ҳам бир қанча фикрларни билдирганлар.

Биринчиси, ҳижрат қилишилик фарз, қилмаслик ҳаром бўлган «дору-л-куфр» диёрлари. Бунга кўра, мусулмон киши ислом арконларини бажариш имконига эга бўлмаса ҳамда динига фитна бўлиш хавфи бўлса, бундай диёрдан ҳижрат қилиш фарз бўлади.

Иккинчиси, ҳижрат қилишилик мустаҳаб. Бунда мусулмон киши «дору-л-куфр» диёрида ислом арконларини бажариш ҳамда ҳижрат қилишга қодир бўлади.

⁸⁷ Абдулазиз Мансур. Бузғунчи оқимларнинг соҳта даъволарига радиациялар // Тинчлик ва осойишталик – олий неъмат. – Тошкент: Мовароуннахр, 2013. – Б. 14.

Бунга қуидаги ҳадис далил сифатида көлтирилады: «Бану Адий қабиласидан Нуайм Наххом исломни қабул қилғач, ҳижрат құлмоқчи бўлганда, қавми унинг олдига қелиб: «Биз билан қолсанг, динингдан қайтармаймиз ҳамда сенга азият етказмоқчи бўлганлардан ҳимоя қиласмиз», дейди. Шунда бир муддатдан сўнг, барибир ҳижрат қилади. Расулуллоҳ (алайҳиссалом) унга: «Сени қавминг мени қавмим менга қилган муносабатидан кўра яхшироқ муоммадада бўлибди», дейдилар⁸⁸.

Учинчиси, ҳижрат қилишлик вожиб ҳам, мустаҳаб ҳам бўлмайди. Киши касал бўлса, аёл ёки ёши улуғ бўлса ҳамда бошқа шу каби ҳолатлар бўлиб, ҳижрат қилишга қодир бўлмаса, бу тоифа кишиларга ҳижрат қилишлик шарт бўлмайди;

Тўртинчиси, мусулмон киши фитнадан қўрқмаса ва динини изҳор қилиш имкони бўлса, унинг ҳам ҳижрат қилиши вожиб эмас⁸⁹.

Албатта, юқорида билдирилган фикрлар мусулмонларга қарши уруш эълон қилинган «дору-л-куфр»да истиқомат қилувчи мусулмонларга нисбатан айтилганини таъкидлаш лозим.

Афсус билан қайд этиш лозимки, сўнгги йилларда юртимиздан баъзи ватандошларимиз турли оқимларнинг ғояларига кўр-кўrona эргашиб, ўз тутилиб ўсган жойларини «куфр диёри», деб атаб ҳижрат қилмоқдалар. Ваҳоланки, бу каби ҳолатлар ислом таълимотларига мутлақо зиддир. Чунки бугунги кунда диёrimизда нафақат, мусулмонлар, балки бошқа дин вақиллари ҳам эмин-эркинликда ҳаёт кечирмоқдалар. Мусулмонлар ислом арконларини бажариш имконига эта бўлса, Рамазон ва Курбон ҳайитлари дам олиш

⁸⁸ Қаранг: http://islamstory.com/ar_تبيع_النحاج

⁸⁹ Мұхаммад Ҳайр Ҳайкал. Ал-Жиход ва-л-қитол фи-с-сиёсати-шашаръийя. – Дамашк: Дор ибн Ҳазм, 1996. – Б. 668.

куни, деб белгилаб қўйилган бўлса, хар йили ўн мингдан ортиқ ватандошларимиз муқаддас ҳаж ва умра зиёратларини амалга оширишда давлат ўзи бош бўлиб турган бўлса, бундай мусулмонобод диёрдан, ўзи туғилиб ўсган Ватанидан қандай қилиб хижрат қилиш мумкин?!

Ваҳоланки, «Ватан» атамаси аслида арабча сўз бўлиб, она-юрт маъносини англатади. «Ватан» тушунчиси кенг маънода ва тор маънода қўлланилади. Бир халқ вакиллари жамул-жам яшаб турган, уларнинг аждодлари азал-азалдан истикомат қилган ҳудуд назарда тутилса, бу кенг маънодаги тушунчадир. Киши туғилиб ўсган уй, маҳалла, кишлоқ назарда тутилса, бу тор маънодаги тушунчадир.

Куръони каримда «дор» (кўплиги «диёр») сўзи жами 47 марта такрорланган бўлиб, у араб тилида Ватан, мамлакат, ер, диёр, яшаш манзили каби маъноларни англатади. Бу сўзнинг шунчалар кўп такрорланиши ҳам у ифода этган маъноларнинг нақадар муҳимлигидан далолат беради.

Бир инсонни ўз Ватанидан бадарга қилиш, мажбурлаб чиқарип юбориш оғир гуноҳ экани ислом манбаларида ҳам таъкидланади. Жумладан, Куръони каримда: «Эсланг, сизлардан «Бир-бирингизнинг қонингизни тўқмайсиз, ўзларингизни (бир-бирингизни) юрtingиздан бадарга қилмайсиз», деган аҳдингизни олган эдик» («Бақара», 84), дейилади. Бундан кўриниб турибдики, Ватандан бадарга қилиш қатл қилишдан кейинги энг оғир гуноҳлардан экан. Шунингдек, Пайғамбар Мұхаммад (алайҳиссалом)дан ривоят қилинган ҳадисда, у киши Мадинага хижрат қилаётганларида Маккага қараб: «Агар қавмим мени чиқиб кетишга мажбур қилмаганида, ҳеч ҳам ўз ихтиёrim билан сени ташлаб кетмаган бўлар эдим»⁹⁰,

⁹⁰ Имом Термизий. Ас-Сунан. 4024-ҳадис.

деганлар. Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоху анху)дан ривоят қилинген бошқа бир ҳадисда: Расулуллоҳ (алайхиссалом) ҳузурларига бир киши келиб: «Ә, Расулуллоҳ, мен ота-онамни йиғлаган ҳолида ташлаб, хижрат қилиш учун сизнинг ҳузурингизга келдим», дейди. У зот эса: «Ота-онангнинг олдига қайтиб, уларни қандай йиғлатган бўлсанг, шундай кулдиргин», деб жавоб бердилар»⁹¹.

Ота-боболаримиз, улуг аждодларимиз ва алломаларимиз ҳам ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бериб, ўз юртларига муҳаббатни ифода этиш борасида ажойиб намуналар кўрсатишган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Абу Лайс Самарқандий, Бурхониддин Марғиноний, Абул Муъин Насафий, Қаффол Шоший, Мажзуб Наманғоний каби буюк мұтафаккирларимиз ўзларининг тахаллусларини киндиқ қонлари тўкилган юрт билан боғлаганлари, уларнинг номини дунёга маълуму машҳур қылғанларни ҳам бир ибратдир.

Ватанга бўлган меҳру муҳаббат ҳар қандай муаммони ечишга, ҳар қандай ёвуз кучни енгишга қодир. Ана шундай муҳаббат Жалолиддин Мангубердини тақдирнинг оғир зарбаларига дош беришга, метин ирода ва ҳарбий салоҳиятни намойиш этиб, чингизийлар билан муросасиз кураш олиб боришга унданган эди.

Ватанни ҳимоя қилиш нақадар улуг савоб, ҳар бир мусулмоннинг зиммасидаги фарзи ҳисобланса, унга хиёнат қилиш, қурол билан бостириб келиш шу қадар катта гуноҳ, энг олий жазога лойиқ жиноят ҳисобланади.

Ўз жонига қасд қилишининг қораланиши. Инсонга берилган энг улуг неъматлардан бири бу умрдир. Албат-

⁹¹ Имом Насойи. Ас-Сунан ал-кубро. 6567-ҳадис.

та, киши умрини ғанимат билиб, яхши амалларни қилиши, ундан унумли фойдаланиши, бошқаларга фойдаси тегиши зарурлиги илоҳий кўрсатмаларда кўп бора таъкидланган. Жумладан, Расулуллоҳ (алайҳис-салом) ўз ҳадисларидан бирида: «Инсонларнинг энг яхшиси, ундан бошқаларга фойдаси тегадиганидир»⁹², деб марҳамат қилганлар.

Тарих ғаразли мақсадларда қўлланиладиган усулларнинг узлуксиз кескинлашиб, тобора ғайриинсоний моҳият касб этиб бораётганини кўрсатади. Қўпурувчилик мақсадларида террорчи-камикадзелардан фойдаланиш амалиёти юзага келгани юқорида қайд этилган «ҳашшошийлар» ҳаракати мисолида айтилди. Шу ўринда, бугунги кунда баъзи эътироф этилмаган оқимлар ҳамда шахслар томонидан ўз ғаразли мақсадлари йўлида, амалиётларини оқлаш мақсадида муқаддас ислом номи билан «жиход», «такfir (коғирга чиқариш)», «ҳижрат», «ўз-ўзини ўлдириш» каби масалаларда қатор «фатволар» бериб келаётганини афсус билан қайд этиш лозим. Жумладан, «Хизбут таҳrir» ташкилотининг 2001 йилда чиққан «Ал-Ваъй» (Онг) журналида «ўз жонига қасд қилиш» борасида қўйидаги фатво берилган: «...кофиirlарнинг ҳарбий лагерларида уларга шикаст етказиш учун ўзини портлатиб юборадими, ёки портловчи модда солинган белбоғни боғлаб ўзини ҳам, кофиirlарни ҳам портлатиб юборадими – бунинг фарқи йўқ. Модомики, булар кофирга қарши жанг қилиш воситалари экан, барчаси жоиз». Шунингдек, Усома бин Лодин бир гуруҳ афғон уламоларини мажбурлаб, гўёки «бутунжаҳон ислом манфаатлари» йўлида ўзи ва яқинларини ўлдиришга изн берувчи «фатво» чиқартиргани, «Хизбут-таҳrir» диний-экстремистик ташкилоти эса террорчи-камикадзеларни «шаҳидлар» қаторига киритгани ҳам

⁹² Имом Шиҳоб Қузоий. Ал-Муснад. 1140-ҳадис.

фикримизнинг исботи бўла олади. Шу ўринда бир савол туғилади, хўш, аслида шаҳид ким? Умуман бегуноҳ инсонларни ўлдириш, қолаверса, ўз жонига қасд қилиш борасида динимиз таълимотларида нима дейилган?

Маълумки, «шахид» сўзи – «гувоҳлик, ҳозир бўлмоқ» каби маъноларни англатади⁹³. Уламолар ушбу даражага эришган инсонларга жаннат ёки кўплаб яхшиликлар башорат қилинганига фаришталар гувоҳ, яъни, шоҳид бўлгани сабабли, айнан ушбу сўз ишлатилган, деб таъкидлайдилар.

Истилоҳда эса, уламолар «шахид»ни уч турга ажратадилар:

«Дунё ва охират шаҳиди» – Аллоҳ таоло йўлида душман билан бўлган жангда Ватани, оиласи, миллати, динини химоя қила туриб вафот этган инсон назарда тутилади. Жумладаги «дунё шаҳиди»дан мақсад, унинг ғусл қилдирилмаслиги ҳамда ўз кийимида дағн қилиниши каби бошқа майитларга бўладиган ҳукмлардан ажралиб туриши бўлса, «охират шаҳиди»дан мурод, Қиёмат куни унга бериладиган мукофот ва ажрлардир.

«Дунё шаҳиди» – бунга кўра, киши мол-давлат тўплаш, ўзидан ном қолдириш каби «ҳақиқий шаҳидлик» ҳукмларига зид бўлган нарсаларни қасд қилган бўлади. Бу тоифа кишиларга бу дунёда шаҳидга қилинадиган амаллар бажарилса-да, аслида, охиратда нияти туфайли азобланади.

«Охират шаҳиди» – қорин (ички) касаллиги, чўкиш, куйиш каби сабаблар билан вафот этган кишилар бўлиб, Расуллурроҳ (алайхиссалом) ўз ҳадисларида зикр қилганларидек, улар ҳам шаҳид хисобланади. Улар бошқа майитлар сингари ювилади, кафанланади. Бу дунёда уларни бошқалардан ажратиб турувчи

⁹³ Файрузободий. Ал-Қомус ал-муҳит. – Байрут: Ар-Рисола, 2005. – Б. 292.

хукм бўлмайди. Бироқ охиратда савобга эришишлари сабабли шундай ном берилган⁹⁴.

Сир эмаски, бугунги кунда гўё «шаҳидлик» мақомига эришаман деб, ўз-ўзини портлатиб ҳаётига зомин бўлаётганлар оз эмас. Улар ўз «шайхлари» чиқараётган «фатволар»га амал қилган ҳолда, бу каби ишларга қўл ураётганларини қайд этиш лозим. Бундай «фатво»лар оқибатида террорчи-камикадзеларни тайёрлаш тобора кенг қўлам касб этиб бормоқда. Масалан, маълумотларга кўра, Ливандада 23, Фаластинда 10 та террорчи-камикадзеларни тайёрлайдиган лагерлар фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда юз бераётган террорчилек амалиётларининг аксари «тирик бомбалар»дан фойдаланган ҳолда амалга оширилмоқда. Жумладан, 2012 йил 28 августда догоистонлик уламо Сайд Черкейскийнинг уйида террорчи-камикадзе аёл томонидан содир этилган шундай ҳаракат натижасида 7 киши, жумладан, олимнинг ўзи ҳам оламдан кўз юмган⁹⁵. Шунингдек, худқушлик амалиёти натижасида Аллоҳнинг уйида, Аллоҳнинг қаломидан дарс ўтиб турган мусулмон дунёсининг забардаст олими, сурялилк Рамазон Бугий, унинг набираси ҳамда 40 дан ортиқ инсонлар ҳаётдан кўз юмди⁹⁶. Умуман олганда, террорчи-камикадзеларнинг аксар қисми аёллар ва болалардан иборат экани, унинг қай даражада файриинсоний моҳият касб этганига ёрқин мисол бўла олади.

Кўп харажат қилмасдан афкор омма орасида кенг ва қўрқинчли акс-садо бериши туфайли катта таъсир қувватига эга бўлиши, портловчи мосламанинг террорчи-камикадзе танасига ўрнатилиши, ушбу мосла-

⁹⁴ Абдураҳмон Жазирий. Ал-Фиққ ала-л-мазаҳиб ал-арбаба. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, Ж. 1. 2003. – Б. 470-480.

⁹⁵ Қаранг: <http://ria.ru/justice/20120907/745191937.html>

⁹⁶ Қаранг: http://marebpress.net/news_details.php?sid=53440

ма үзи ёки бошқа бир шахс томонидан ҳам ҳаракатта келтирилиши мүмкінліги каби омиллар сабабли бундай терактларнинг олдини олишнинг қийинлиги террорчилар томонидан унинг эң маъқул ва самарали усул сифатида танланишига олиб келмоқда.

Бунда асосан илмсиз ёки дүнёқараши тұлық шаклланмаган ёшлар ва баъзи кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ҳамда ташқи таъсирга тез берилувчан аёллар камикадзелартайёрловчи овчиларнинг нишонига айланмоқда. Аксарият ҳолларда гиёхванд моддалар истеъмол қылдирилган ва чуқур рухий таъсир күрсатылған, онгига муқаддас манбалардаги тояларни ғаразли манфаатлар йўлида нотўғри мазмунда сингдирилиб, шахсий «мен»и йўқотилған, ма на шу иши натижасида ҳақиқий ҳаёт ўлимдан сўнг жаннатга тушишига ишонтирилған, мавжуд воқелик ёвузлик салтанати қилиб күрсатылған ҳамда дунёда яшашидан маъно қолмаган бундай кишилар ўз раҳнамоси күрсатмаларини сўзсиз адo этадиган куролга айланмоқда.

Ваҳоланки, Қуръони карим оятлари, Пайғамбаримиз (алайхиссалом) суннатлари, буюк мусулмон уламолари асарлари ва фатволарида ҳаёт Аллоҳ таолотомонидан инсонга берилған имконият ва айни дамда омонатлиги, бунеъматни асраб-авайлаш, унга хиёнат құлмаслик лозимлиги таъкидланиб, ўз жонига қасд қилиш катта гуноҳ сифатида қораланған. Жумладан, Қуръони каримда: «Шунингдек, ўзларингизни (бир-бирингизни ноҳақ) Ұлдирмангиз! Албатта, Аллоҳ сизларга раҳм-шафқатлидир» (*Niso*, 29), деб айтилған.

«Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири»да ушбу оят қуйидагича тафсир қилинади: «Бу ердаги «ўзларингизни ұлдирмангиз!» жумласи бир неча хил тафсир қилинган:

1. «Бир-бирингизни ўлдиришингиз ўзингизни ўлдирганингиз билан баробардир. Зоро, ҳаммангиз бир хил динга мансуб кишиларсиз».

2. «Ўз жонингизга ўзингиз қасд қилмандиз». Яъни ҳаёт қийинчиликларига бардош бера олмай ёки бирор нарсанинг аламига чидаёлмай ўзини ўзи ўлдириш тақиқланмоқда.

3. «Мол-мулкларингизни ўзаро ноҳақ йўллар билан ейишингиз ўзингизни ўзингиз қатл қилишингиз билан баробардир».

4. «Ҳавойи нафсга берилмандиз. Зоро, бу сизларни ҳалокатга олиб келади»⁹⁷.

Шунингдек, Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда бундай дейилади: «Кимки ўзини тог тепасидан ташлаб ўлдирса, ўлгандан кейин ҳам жаҳаннамда шу хил азобга гирифтот бўлади. Ўзини сувга ташлаб ё осиб ёки куйдириб ўлдирган кишиларнинг ҳукми ҳам унинг ҳукми билан баробардир»⁹⁸. Имом Бухорий ривоят қилган бошқа бир ҳадисда бундай дейилади: «Аллоҳ таоло ҳадиси қудсийда марҳамат қилурки: «Бандам ўзини ўзи ўлдириб, Менинг унга берган умримга шукр қилмай, шошилди. Шунинг учун унга жаннатни абадий ҳаром қилдим»⁹⁹.

Буюк ватандошимиз Бурхониддин Марғиноний айтадилар: «Ҳар ким ўзини ярадор қилиб бу дунёдан кўз юмса (ўзини ярадор қилиб ўлдирса), унинг бу қилмиши бу дунёда ҳадар (бехудага қон тўкилиш) бўлиб, ҳеч қандай эътиборга эга эмас. Аммо охиратда осий ва гуноҳкор ҳисобланади»¹⁰⁰.

⁹⁷ Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири (Таржима ва тафсири муаллифи Абдулазиз Мансур). – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2012. – Б. 83.

⁹⁸ Имом Муслим. Саҳиҳи Муслим. 187-ҳадис.

⁹⁹ Имом Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. 3304-ҳадис.

¹⁰⁰ Ҳидоят ортига яширинган залолат / Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – Б. 78.

Замондош олимлардан Тохир Қодирий айтады «Экстремистик ташкилотлар террорчи-камикадзели орқали нариги дунёда мукофотта етишиш ҳақидағ чўпчаклари билан ёшларнинг онгини заҳарлашмоқда. Аслида эса, ислом тинч аҳолини ўлдириш ва террорчи-камикадзелик амалиётларини қоралайди»¹⁰¹. Шунингдек, Шайх Абдулазиз Мансур бу борада бундай дейдилар: «Ўзини-ўзи ўлдириш бу ўз ҳаётини қасдан тўхтатишидир. Шариат нуқтаи назаридан бу ҳаракат қаттиқ қораланади, Парвардигор берган ҳаётга тажовуз қилиш даражасидаги гуноҳи кабира ҳисобланади...

Ҳозир баъзи гурӯҳ ва шахслар «ўзини ўлдириш» тушунчасини шаҳидлик билан қориштириб талқин қилишяпти. Шахснинг маълум мақсадлар йўлида ўзини ўзи ўлдириши «шаҳидлик амалиёти» деб баҳоланиши айни аддишишидир. Ёвуз ниятли кучлар ўз ҳаракатларини оқлаш мақсадида келтирган барча далилларни ислом уламолари қоралашган ва асоссиз деб топишган»¹⁰².

Юқоридагилар билан бир қаторда йирик исломий ташкилотлар ҳам бу борада ўз қарашларини билдирган. Жумладан, Покистон уламолари кенгашининг фатвосида бундай дейилади: «Террорчи-камикадзелик ҳужумлари исломда мавжуд бўлмаган ҳаром амалдир»¹⁰³.

Бу каби амалиётларнинг нотўгри экани ҳамда ҳаётнинг қадри ва уни асраб-авайлаш борасида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг жума тезисларида бундай дейилади: «Инсониятни икки дунё са-

¹⁰¹ Қаранг: Muhammad Tahir-ul-Qadri. Fatwa on suicide bombings and terrorism. – London: Minhaaj-ul-Quran International, 2010. – Р. 25-28.

¹⁰² Абдулазиз Мансур. Бузғунчи оқимларнинг соҳта даъволарига радијиялар // Тинчлик ва осойншталиқ - олий неъмат. – Тошкент: Мовароунахр, 2013. – Б. 14-15.

¹⁰³ Ҳидоят ортига яширинган залолат / Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – Б. 78.

одатига элтувчи ислом динининг асослари бўлмиш Куръони карим оятлари ҳамда Пайғамбаримиз (алайхиссалом)нинг суннатларида инсоннинг ҳаётига ноҳақ тажовуз этиш, ўзини ўзи ўлдириш, бирорвнинг моли, ор-номуси, акли ва эътиқодига зарар етказиш катъиян ман этилади. Ҳаёт инсон учун берилган энг қадрли омонатдир. Шунингдек, у Аллоҳ таолонинг инсонга берган имконияти ва масъулиятидир. Инсон бу неъматни асрар авайлаши, унга хиёнат қилмаслиги лозим, акс ҳолда энг оғир жиноятга қўл урган, ўз зим-масига катта гуноҳ ортирган бўлади».

Н

Ислом давлати ёхуд ҳалифалик: тарих ва ҳозирги замон. VII аср бошида бевосита Пайғамбар Мұхаммад (алайхиссалом) фаолияти туфайли Арабистон ярим оролида вужудга келган, кейинчалик Сосонийлар Эронни ва Византия салтанатининг катта қисмени, шунингдек, Марказий Осиё, Кавказортини қамраб олган йирик давлат тарихга ҳалифалик номи билан кирган. Буюк мутафаккир Ибн Халдун уқтиришича, «жоҳилия араблари» фақат диний сифатдаги (пайғамбарлик, валийлик, кохинлик ва ҳ.к.) ҳокимиётни тан олардилар. Шунинг учун ҳам, хижратдан сўнг (622 й.) Мадинада барпо бўлган ва 630-632 йилларда бутун Арабистон ярим оролини ўз ичига олган тузум ислом динига асосланган, теократик давлат шаклини олди¹⁰⁴.

Илк ислом жамиятининг асосий қонуни – шарият Пайғамбарга нозил бўлган илоҳий ваҳий, яъни Куръони карим ҳамда Пайғамбарнинг ҳукмлари (сунна)дан ташкил топди. Куръонга кўра, қонун чиқарувчи – фақат Аллоҳ, Пайғамбар (алайхиссалом) эса уни баён этувчиidir. Адлоҳ одамларнинг Пайғамбарга итоат қилишини буюрди, чунки Пайғамбарга итоат қилган Аллоҳга итоат қилган бўлади¹⁰⁵.

¹⁰⁴ Ибн Халдун. Муқаддима. – Искандария: Дор ибн Халдун. – Б. 106-107.

¹⁰⁵ Қарант: Куръони карим. Нисо сураси, 80-оят.

Бу давлатнинг бошлиғи – Расулуллоҳ (алайҳиссалом) (Аллоҳнинг элчиси) шак-шубҳасиз тарихий шахс, аммо унинг абадий эмаслигини, ўша вақтда, Пайғамбар (алайҳиссалом)нинг ўзлари қайта-қайта таъкидлаб келганлар. Диний илҳом билан вужудга келган бу давлатни келажакда бошқарадиганлар, энди сиёсий усуллардан фойдаланишлари муқаррар эди. Зеро Мухаммад (алайҳиссалом) – пайғамбарларнинг охиргиси (хотиму-л-анбиё)дирлар. «Халифалик мендан кейин умматларим ичиди ўттиз йил, сўнгра амирлик (подшолик)дир»¹⁰⁶, деган ҳадисларидан кўринаники, бу ҳақиқат биринчи бўлиб Пайғамбар (алайҳиссалом)га аён бўлган.

Дарҳақиқат, Аллоҳнинг номидан (ваҳий орқали) умматни бошкарган Пайғамбар Мұхаммад (алайҳиссалом) вафотларидан сўнг раҳбарликка илоҳий раҳнамолик сифатига эга бўлмаган ва бунга даъво ҳам қилмаган халифалар келди. Саҳобалар бундан кейин дунёвий ишларни оддий инсон ҳукмдор-амир бошқаришини тушундилар. Маккалик ва мадиналик саҳобалар – муҳожирлар ва ансорлар ўртасидаги баҳс фақатгина уларнинг қайси бири ана шу лавозимга сайланиши ҳақида борар эди. Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анху)нинг халифатур-расулуллоҳи (Аллоҳ элчисининг ўринбосари) бўлиб сайланиши шундан далолатdir. Айнан шу даврда ҳокимият вазифаларининг (суд, молия ва ҳ.к.) бўлиниши ва уларнинг асосан муҳожирлар ўртасида тақсимланиши юз берди¹⁰⁷. Бу жараён, яъни давлат бошқарув тизими динийлик қиёфасини йўқотиб, дунёвий тус олиши тўрт халифа – Абу Бакр Сиддиқ (632–634), Умар ибн Хаттоб (634 – 644), Усмон ибн Аффон (644 – 656) ва Али

¹⁰⁶ Ибн Ҳиббон. Ас-Саҳиҳ. 7069-ҳадис.

¹⁰⁷ Прозоров С.М. Исломда олий ҳокимият масаласи // Ислом ва дунёвий-маърифий давлат. – Тошкент, 2003. – Б. 32.

ибн Абу Толиб (656–661) (розияллоху анху)лар даврида узил-кесил амалга ошди. Улар «хулафои рошидун» (тӯғри йўлдан юрганлар) деган ном олдилар.

Али ибн Абу Толиб (розияллоху анху) ва Муовия ибн Абу Суфён (розияллоху анху) вафотларидан сўнг давлатни бошқарган умавий халифалар (661–750) араб тарихий адабиётида «диний тарбиядан умуман йироқ»¹⁰⁸ шахслар сифатида тавсифланадилар. Гарчи халифалар расман диний ва дунёвий ягоналикини мужассам этган бўлсалар-да, лекин амалда уларнинг жамият диний ҳаётига кўрсатадиган таъсири камайиб борди. Муайян диний арбоблар (муҳаддислар, қорилар, муфассирлар, фақиҳлар) қатлами вужудга келдики, энди диний масалалар бўйича жамоатчилик фикрини халифалар эмас, балки ўша арбоблар шакллантирадиган бўлдилар¹⁰⁹.

750 йилда аббосийлар халифалиги ўз фаолиятини бошлади. Умавийлардан фарқли ўлароқ аббосийлар ўз исмларига Аллоҳ сўзини қўшиб мартабали лақаблар олдилар, шу йўл билан ўз ҳокимиятларига теократик тус беришга уриндилар. Лекин амалда уларнинг кўпчилиги қўғирчоққа айланиб қолиб, бошқа қавмларнинг бошлиқлари (масалан, Махмуд Ғазнавий, салжуқлар сultonи Тұғрулбек, бувайхийлар амири Аҳмад кабилар)га мубояъя (гувоҳнома) бердилар ва уларнинг ҳокимликларини қонунийлаштиридилар¹¹⁰. IX асрдан эътиборан аббосийлар халифалиги парчалана бошлади. Испанияда Куртуба, Шимолий Африкада фотимиylар халифалигининг вужудга келиши, «халифалик яккаю-ягона бўлиши керак» деган тушунчага яна бир бор зарба берди.

¹⁰⁸ Босворт К.Э. Мусульманские династии. – Москва: Наука, 1971. – С. 28.

¹⁰⁹ Зоҳидов Қ.Т. Илк ислом давлатчилиги ва унинг шаклланиш жараёнлари (632-661). Тарих фанлари номзоди... автореферат. – Б. 11-12.

¹¹⁰ Босворт К.Э. Мусульманские династии. – Москва: Наука, 1971. – С. 33-34.

XII асрда туркий сулолалар заифлашиб, Бағдод халифалиги ўз қудратини қайта тиклаған вактда, мӯғулларнинг қақшатқич зарбасига учради ва 1258 йил Хулагу охирги Бағдод халифаси Мустаъсимни қатл қилди. Шундай қилиб, Аббосийлар халифалиги мӯғуллар томонидан йўқ қилинди. Аммо 1261 йил Миср мамлукларининг султони Зоҳир Байбарс, дастлаб охирги Бағдод халифасининг амакиси Мустансир, сўнг яна бир вакил Ҳаким биринчи-ни Қоҳирага келтириб, аббосийлар сулоласини давом эттириди. Мазкур иккала шахснинг ҳақиқатан аббосийларга мансуб эканини, ўз вақтида, академик Бартольд ҳам қаттиқ шубҳа остига олган эди¹¹¹. Қандай бўлгандা ҳам, Қоҳирадаги аббосийлар халифалиги 1517 йил усмонли турклар томонидан Миср босиб олингунга қадар давом этди. Мамлуклар давлатида халифалар умуман амалий аҳамиятга эга эмас, ҳатто султон билан ҳокимликни қандайдир шаклда бўлиб олиш тўғрисида гал ҳам бўлиши мумкин эмасди. Шу муносабат билан 1394 йилда ўша вақтда бутун Европани титратиб турган турк султони Боязид I Елдирим «Қоҳирадаги кўғирчоқ халифа Мутаваккил I дан» Рум султони лақабини олганига фақат ажабланиш мумкин, холос¹¹².

1517 йилда Қоҳирадаги охирги халифа Мутаваккил III ни усмонли турк султони Селим I «Ёвуз» Истанбулга кўчирди ва унинг авлодлари Туркияда Мустафо Камол Отатурк томонидан дастлаб султонлик (1922 й.) сўнг халифалик (1924 й.) бекор қилингунга қадар яшадилар. Гёё аввалбошданоқ Мутаваккил III ўзининг халифалик ваколатини усмонлилар султо-

¹¹¹ Бартольд В.В. Халиф и султан. Соч., Т. VI. – Москва, 1966. – Б. 75-78.

¹¹² Бартольд В.В. Дополнения. Мусульманские династии. Хронологические генеалогические таблицы с историческими введениями. Перевед с английского с примечаниями и дополнениями В.Бартольд, СПб., 1899. – С. 281-307.

нига ихтиёран топширган эди, деган иддао XIX асрда пайдо бўлган, зеро, Абдулмажид I (1839 – 1861) дан бошлаб, турк давлати бошлиқлари ҳам халифа, ҳам сulton деб номланган бўлсалар, Абдулмажид II (1922 – 1924) фақат халифа сифатида маълум эди.

Демак, ислом теократик давлати тариҳда бир марта тузилган ва Муҳаммад (алайҳиссалом) шахсияти билан бевосита боғлиқdir. Ҳозир нафақат ислом, балки бошқа ҳар қандай динга асосланган теократик давлат тузиш самарасиз ва бефойдадир. Шунга қарамай, кўз ўнгимизда бир қатор экстремистик ташкилотлар ислом динини ниқоб қилиб олиб, мамлакатларда теократик давлат тузишга уриниб кўрди. Лекин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида Президент Ислом Каримов таъкидлаганлариdek, «Бундай сохта, замирида ҳеч қандай асос бўлмаган сафсаталар ҳақида гапирганда, аввало, бугун XXI асрда яшаётганимизни эсдан чиқармаслигимиз керак... Ахир, ҳаммамизга маълум: тарих ғилдирагини орқага қайтариб бўлмайдику! Шу нуқтаи назардан қараганда, барча мусулмон давлатларини ягона халифаликка бирлаштириш мақсади ҳам ҳеч ақлга сифмайдиган афсонадир»¹¹³. Қолаверса, Қуръони каримда халифаликни барпо қилиш бўйича буйруқ ҳам, қатъий далил ҳам мавжуд эмас. Демак, «Ҳизбут-тахрир» ёхуд шу тоифадаги мутаассиб оқимларнинг бу борадаги хатти-харакати батамом асоссиз ва ғайриқонунийдир.

Қуръон оятлари ва ҳадисларни бузиб талқин қилиш. Ислом динининг муқаддас китоби Қуръони карим, шунингдек, Расулуллоҳ (алайҳиссалом)нинг ҳадиси шарифларида мусулмон киши учун илоҳий

¹¹³ Каримов И.А. Тинчлик ва ҳаифиззалигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қаттиқ иродамизга боғлиқ. 12-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – Б. 252.

күрсатмалар баён қилинганды. Уларда киши доимо яхшилик амалдарини қилиши, бузғунчилік ва вайрон-корликлардан йироқ бўлиши бот-бот таъкидланган.

Бироқ бугунги кунда диний-экстремистик ва террорчи ташкилотлар ўзларининг бузғунчи гояларини тарғиб қилишда Куръон оятлари ва ҳадисларга «таяниб» иш кўришга интиладилар ҳамда ўз амалиётларини шу йўл билан оқлайдилар. Хусусан, улар конкрет тарихий шароит ва вазият билан боғлиқ ҳолда ваҳий бўлган айрим оятлардан ўзларининг манфаатлари йўлида фойдаланишга уринмоқдалар. Шу билан бир қаторда, оятлар мазмунини бузиб талқин қилиш ҳоллари ҳам кенг тарқалганини таъкидлаш лозим. Маълумки, «Оятларимизга (қарши) курашиш ҳаракатида юрган кимсалар учун аламли азоб жазоси бордир» (Сабаб, 5) ояти Пайгамбаримиз (алайхиссалом)ни мушрикларнинг ҳийлатлари оқибатидан огоҳлантириш учун нозил қилинган. Экстремистлар ўзларига қаршилик кўрсататганларни «мазкур оятдаги кўрсатмага зид ҳаракат қилмоқда», деб иддао қиласидилар.

Шунингдек, «Хизбут-тахрир» ташкилотининг «Ал-Ваъй (Онг)» журналида худкушлиқ амалиётини ёқлаб чиқарган фатвосини асослаш учун келтирган Куръони карим оятларини ўзларининг «фойдаси»га мослаб шарҳлаганларини кўриш мумкин. Жумладан, унда «Тавба» сураси 36-оятининг бир қисмигина, яъни «... барча мушрикларга қарши жанг қилингиз» тарзida таржима қилиниб, далил сифатида келтирилган. Ваҳоланки, ушбу оятни тўлиқ ҳолида таржима қилинса, умуман бошқа маъно чиқишини кўриш мумкин. «Албатта, Аллоҳнинг наздида ойларнинг адади – Аллоҳнинг осмонлар ва Ерни яратган кунидаги битигига мувофиқ – ўн икки ойдир. Улардан тўрттаси (уруш) тақиқланган ойлардир. Ана шу тўғри дин-

дир. Бас, ўша (ой)ларда (жанг қилиб) ўзингизга зулм қилмангиз! Мушриклар (мазкур тўрт ой асносида) сизларга ёппасига уруш очсалар, (сизлар ҳам) уларга ёппасига уруш очингиз! Яна, билиб қўйингизки, Аллоҳ тақволилар билан биргадир!. Мазкур оятнинг шарҳида бундай дейилади: «Ушбу оят далолат қиласиди, исломда мушриклар билан жанг қилиш, балки умуман урушишга фақат зарурат тақозоси билан рухсат этилади ва шунда ҳам мусулмонларни тақвони қўлдан бермаслик ва тажовузкорликка ўтмасликка буюрилади»¹¹⁴. Бундан, биринчидан, ушбу оятнинг охирида келтирилган маъно мушрикларга қарши қаратилган. Лекин террорчи гурухлар буни мусулмонларни коғирликда айблаб уларга қарши далил сифатида келтирмоқда; иккинчидан, оятда «Мушриклар (мазкур тўрт ой асносида) сизларга ёппасига уруш очсалар...» маъносида шарт қўйилмоқда. Агар улар уруш очишмаса, урушишга ҳожат йўқ!

Диний-экстремистик ташкилотлар ҳадисларни ҳам бузиб талқин қилишдан тап тортмаяпти. Хусусан, «Имон эгалари билан урушилар ва мушрикларни тинч қўядилар» деган ҳадисдаги «имон эгалари» ўzlари экани, уларнинг фаолиятини танқид қилиб, раддиялар бераётган уламо ва сиёсатчilarни эсағайридинларнинг иттифоқдоши эканини эълон қилмоқдалар.

Ваҳоланки, уларнинг ўzlари турли ихтилофлар ва бузғунчиликлар қилиб, мусулмонлар ўртасидаги бирлик ва яқдилликка, жамият тараққиётiga заар етказмоқдалар.

Ўмуман олганда, Қуръон оятлари ва ҳадисларни гаразли мақсадларда талқин қилиш ислом таъли-

¹¹⁴ Қаранг: Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири (Таржима ва тафсири муаллифи Абдулазиз Мансур). – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2012. – Б. 192.

мотига бутунлай зид эканини алоҳида қайд этиш зарур. Бу каби хатти-харакатлар Қуръони каримнинг қатор оятлари ҳамда Расулуллоҳ (алайҳиссалом) кўрсатмаларида қаттиқ қораланган. Жумладан, «...«Одамларни адаштириш учун илмсизлик билан Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиган кимсадан кўра ким ҳам золимроқдир?!» Албатта, Аллоҳ золимлар қавмини хидоят этмагай» (Анъом, 144). Бошқа бир оятда эса, «Одамлар орасида Аллоҳ ҳақида мунозара қиласди-ю, лекин ўзи илмсиз, хидоят топмаган, бирор нурафшон Китоби йўқ, (тўғри йўлдан) бўйин товлаб, (ўзгаларни ҳам) Аллоҳ йўлидан оздириш мақсадида юрадиган (кимса) ҳам бордир. Унинг учун бу дунёда расвотик бўлур, қиёмат кунида эса, унга ўт (дўзах) азобини тотдирумиз» (Ҳаж, 8–9).

Саҳобийларнинг улуғи ҳазрат Абу Бакр (розияллоҳу анху): «Аллоҳнинг Китоби ҳақида илмсиз ўз раъйим билан гапирсам, менга қайси само соябон бўлди ва кайси Ер кўтаради», деб, Қуръони карим оятларини ўз билганича хато талкин қилишнинг нақадар оғир гуноҳ экани хусусида огоҳлантиридилар. Шу билан бир қаторда, Расулуллоҳ (алайҳиссалом): «Албатта, менга ёлғон тўқиши бошқа бировга ёлғон тўқишдек эмас. Ким менинг номимдан қасддан ёлғон тўқиса, дўзахдан жойини олаверсин», дедилар¹¹⁵.

Имом Доримий ривоят қиласдилар: «Сабийғ Ироқий Мисрга келгунга қадар мусулмон аскарлар ичидаги Куръондаги турли нарсалардан сўрай бошлиди. У Мисрга келганда Амр ибн Ос (розияллоҳу анху) уни Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анху)га юборди. Чопар мактубни олиб киргандага, Умар уни ўқиб бўлиб: «Бу одам қани?» деди. «Юклар билан», деди у. «Тез топ! Агар кетиб қолган бўлса, сенга аламли уқубат етади!»

¹¹⁵ Имом Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. 1242-ҳадис.

деди. Уни олиб келгач, Умар унга, нималар ҳақида сўрайсан, деди. У айтиб берди. Умар менга хурмо шохи келтиришимни сўраб одам юборди. Уни ўша билан уриб орқасини яра қилди. Кейин уни шу ҳолда қўйиб, тузалгандан кейин яна урди. Сўнгра уни тек қўйиб, тузалгандан кейин яна урди. Кейин уни яна уриш учун олдириб келди. Шунда у: «Эй мўминларнинг амири, агар мени ўлдирмоқчи бўлсангиз, чиройли қилиб ўлдиринг. Агар даволамоқчи бўлсангиз, Аллоҳга қасамки, тузалдим», деди. У киши унга ўз юргига кетишга изн берди ва Абу Мусо Ашъарий (розияллоҳу анху)га: «Мусулмонлардан ҳеч ким у билан ўтири масин», деб мактуб ёзди. Бу иш ҳалиги одамга жуда ҳам оғир бўлди. Абу Мусо Умарга, унинг ҳоли яхши бўлди, деб ёзди. У ҳам ўз навбатида, одамларга у билан ўтиришга изн беравер, деб ёзди. Бу одам Бани Тамиммлик Сабийғ ибн Асал бўлиб, Қуръондаги баъзи оятлардан ихтилофли масала чиқаришга уринар эди. Ҳазрати Умар кўрган чорадан кейин у юз кишининг олдига келса ҳам ҳаммаси тарқалиб кетар эди. Авваллари у ўз қавмида саййид эди. Бундан кейин ҳақириб бўлди»¹¹⁶.

Шу ўринда, баъзи тоифалар мансух бўлган ҳадислардан ҳам кенг фойдаланишга уринишаётганини таъкидлаш лозим. Жумладан, айрим мутаассиб гурӯхлар қабрларни зиёрат қилишни мутлақ ширкка чиқаришмоқда. Уларнинг даъволарига кўра, қабрларни зиёрат қилган одам мусулмончиликдан чиқади, аёллар эса қабристонга умуман қадам босмасликлари керак.

Тарих ўзларини «салафийлар» деб атайдиган гурӯҳ томонидан амалга оширилган қабрларни оёғости қилишдек ҳолатларга гувоҳ бўлган. Бу тоифалар

¹¹⁶ Ибн Асокир. Мухтасар тарихи Димашқ. – Дамашқ: Дор ал-Фикр, 1984. Ж. 11. – Б. 45.

ўз даврида Мадинаи мунавварадаги саҳобаларнинг қабрларини бузиш билан кифояланиб қолмай, ҳатто Пайғамбар (алайҳиссалом)нинг қабрини вайрон қилишга уринишгача ҳам бориб етишган эди. Вахоланки, қабрларни зиёрат қилиш ислом динида мандуб (мустаҳаб) амал ҳисобланиб, унинг ўзига хос одоби мавжуд. Ўтганлар хотирасини ёдга олиш дунёнинг ўткинчи эканини ҳис этиш, шу орқали кишини бошқаларга зарар етказадиган, гуноҳ ишларни қилишдан сақлаш ва эзгу амалларни кўпроқ қилишга ундейди. Демак, қабр зиёрати инсонлар ўртасидаги ўзаро меҳр-мурувват фазилатларини кучайтирувчи воситадир. Зиёратчининг дуо фотиҳасидан эса, қабрда ётганлар баҳраманд бўлади.

Маълумки, исломдан аввалги жоҳилият даврида қабрларни улутлаш, уларга сифиниш авж олган эди. Шунинг учун ҳам, Мұхаммад (алайҳиссалом) дастлаб – мусулмонлар бутпараматлик ва ширк асоратларидан батамом покланиб улгурмаган, тавхид тўлиқ қарор топмаган бир пайтда кишиларни мазкур амалдан қайтарган эдилар. Ислом бутунлай қарор топгандан сўнг, Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) қабрларни зиёрат қилиш охиратни эслатишини инобатга олиб, бунга изн бердилар. Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда: «Мен сизларни қабрларни зиёрат қилишдан қайтарган эдим. Кейин менга маълум бўлди (яъни, Аллоҳ томонидан буюрилди). Энди қабрларни зиёрат қиласверинглар. Чунки у қалбни юмшатади, кўзни ёшлатади ва охиратни эслатади», деб марҳамат қилинган¹¹⁷.

Юқорида келтирилган Қуръон оятлари ва ҳадислардан кўриниб турибдики, ўз билганича, илмсиз ёки ўз манфаати йўлида Қуръони каримнинг бирор оятини шарҳлаш ёки Расулуллоҳ (алайҳиссалом) ном-

¹¹⁷ Имом Муслим. Саҳиҳи Муслим. 1688-ҳадис.

ларидан ёлғон гапиришнинг оқибатлари очик-ойдин баён қилинган.

Хулоса ўрнида «Сўраган эдингиз...» китобидан куйидагиларни келтириб ўтиш жоиз: «Куръон ва ҳадисга маъно бериш ва ундан ҳукм чиқариш учун киши бир қанча илмларни ўзида мужассам қилмоғи шарт. Жумладан, у биринчи навбатда араб грамматикасини (нахв, сарф), Куръон ва ҳадис илмига оид фанни ўзлаштирмоғи, ундаги оят ёки ҳадиснинг ноғизил бўлиш ва айтилиш сабабларини билмоғи, ноҳих-мансух, мутлақ ва муқайяд, ом ва хос каби қонун-қоидалардан боҳбар бўлмоғи лозим. Бундан ташқари, Куръон ёки ҳадисдан ҳукм чиқармоқчи бўлган киши муайян масалага таалтуқли бўлган барча оят, ҳадис, саҳобаларнинг ўша масалага муносабатлари ҳамда мужтаҳид уламоларнинг фикрларини яхши билмоғи шарт. Шуни унутмаслик лозимки, Куръон ва ҳадис оддий сўз эмас, балки у иккиси ҳам илоҳий қаломдир. Куръоннинг мўъжизакорлиги, балогат ва фасоҳатнинг ниҳоят даражада юқорилиги, жумлаларнинг тузилиши ва бошқа жиҳатлари шу вақтгача одамзодни ажаблантириб келган. Агар араб тилини билган ҳар қандай киши Куръондан ўзича ҳукм чиқарса, Куръоннинг хурматини оёқ ости қилган бўлади ва Пайғамбаримиз (алайхиссалом)нинг: «Ким Куръонни ўзича тафсир қилса, дўзахдан ўзига жой тайёрласин», деган таҳдидларига дохил бўлиб қолади»¹¹⁸.

¹¹⁸ Алимов У. Сўраган эдингиз... 1-жилд. – Тошкент: Мовароуннаҳо, 2009. – Б. 15-16.

ШІ БОБ. ДИН НИҚОБИДАГИ МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАРДАН АСРАШНИНГ МАЊНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЙЎЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ

3.1. Ёшлар – дин ниқобидаги мафкуравий таҳдидаларнинг асосий объектлари: муаммолар ва вазифалар

Муайян гурух, халқ, жамиятни мафкуравий таъсир доирасига тортишга уринишлар ҳамма вақт бўлган. Тарихга назар ташласак, бу жараён жамият ривожлана бориши билан бирга чуқурлашиб борганини, янги техник ва технологик тизимларнинг юзага келиши натижасида тоғовий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши, услугуб ва воситаларининг такомиллашуви содир бўлганини кўрамиз. Хусусан, ҳозирги даврда мафкуравий таъсир ўтказиш ўзининг бир катор хусусиятлари билан ажralиб туришини кўриш мумкин.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Ҳозирги кунда диний экстремизм мафкурасига, қўпорувчилик-террорчиликка қарши курашдаги асосий вазифа – аҳоли ўртасида, айниқса, ёшлар билан олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий ишларни изчил, чуқур ўйланган тизим асосида ташкил этиш ва уларнинг таъсирчанлигини кескин кучайтиришни бугун бошимиздан кечираётган ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда».

Дарҳақиқат, ҳукуматимиз томонидан фуқароларимизга эътиқод эркинлигини таъминлаш масаласида барча шароитлар яратиб берилди. Бироқ мамлакати-

мизни яна кимларгадир қарам қилишни истайдиган маккор ва қўпорувчи кучлар, жумладан диний мутаассиб гурухлар дунёда бутунлай йўқ бўлиб кетмади. Улар ўз қабих режаларини амалга ошириш йўлида халқимиз, айниқса ёшлар ичида бузғунчи ғояларни тарқатишга уринишмоқда.

Бу гурухлар фасод ғояларини ёйища асосан ўзлари «даъват» деб атовчи, аслида эса алдаш, кўрқитишга қаратилган ёллаш усулидан фойдаланишмоқда.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, экстремистлар ёллаш учун асосан 20-25 ёшдаги йигит ва қизларни танлайдилар. Нега айнан ёшлар? Шу ерда аниқ статистикага мурожаат қиласлилар. Ўзбекистон дунёдаги энг ёш давлатлардан бири бўлиб, ўртача ёш 24 ёшни ташкил этади. Шунингдек, 30 миллионлик аҳолининг 60 фоизи (18 млн.) 28 ёшгacha бўлганлардан иборат. Бунда ўсмир ёшларнинг хавфга яқин гурухда эканини алоҳида қайд этиш лозим. Ёшларнинг қандайдир масъулиятлари ва ҳаётдаги орзу-мақсадларга мустақил эришиш ҳаракатларининг атайлаб чекланиши натижасида уларда инфантиллик (ўзини ночор, ёрдамга муҳтож ҳис қилиш) хусусияти шаклланади. Ёшларда «олий мақсадлар ҳаётда рӯёбга чиқмасада, уларни амалга оширишга интилаётган муайян кишилар ёки жамоа мавжуд», деган тасаввур пайдо бўла бошлиди. Шунда улар ўз мақсад ва интилишларига яқин кишилар (ёки гурух)ни излашга тушадилар.

Жиддий масъулиятдан озод бўлган ўсмирларда шахсий тажриба этишмайди. Бундай этишмовчилик соддалик ва хаёлпастлик билан ёнма-ён келади. Атрофда кузатилаётган адолатсизлик натижасида юзага келадиган зўриқиши йўқотища фақат биргина йўлни – «буюк ғоя»ни ўзида мужассамлаштирган етакчи билан ҳаммаслак бўлишни танлайдилар.

Бу йўл ўсмирни диний мутаассиб оқимларга етаклаб келади.

«Даъват» асосан икки мақсадга йўналтирилган бўлади:

1. Оддий фуқаролар ичидаги «даъват» тарафдорлар сонини ошириш ва ҳаракатни кенгайтириш учун олиб борилади. Бундай «даъват»ни экстремистик гурӯҳда 2-3 ой аъзо бўлиб келаётган шахслар ҳам амалга оширишлари мумкин.

2. Давлат ташкилотлари ходимларини «даъват» қилиш келажакда ушбу шахсларнинг хизмат имкониятларидан экстремистик гурӯҳ манфаатлари йўлида фойдаланиш учун мўлжалланган бўлади. Табиийки, ушбу ҳолда ёллаш ишларини экстремистик гурӯҳнинг энг тажрибали аъзолари амалга оширади.

Ҳар қандай диний мутаассиб оқим, «ўлжа»сининг ҳётий муҳим эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, ўз таълимотини жозибадор қилиб кўрсатишга ҳаракат қиласди. Одамларнинг бундай оқимлар таъсирига тушиб қолиши, шунингдек, турли хил одатдаги ахборот доирасидан ташқарига чиқадиган шов-шуввларга ортиқча эътибор билан ҳам белгиланади. Бундай эътиборни бутунги кунда кенг тарқалётган ғайритабиий ҳодиса ва жараёнларнинг ҳақиқатдан ҳам мавжудлиги ҳақидаги ахборотлар озиқлантириб туради. Турли ахборот манбаларининг доимий таъсир остида бўлган бир пайтда инсон ғайриилмий, сохта диний ғояларни қабул қилишга мойил бўлиб қолади.

«Даъватчи»лар кўпроқ масжидларда намоздан олдин, кейин ёки шунга ўхшаш вазиятда гувоҳларсиз мурожаат қиласди. Агар бирор кишининг диний билимларга қизиқиши ўзгаларга ҳам маълум бўлса, бундай учрашув ўқиш, иш жойига яқин ерларда ёки турли йигинларда ҳам содир бўлиши мумкин.

Демак, сизга юқоридаги ҳолатларда номаълум ёки яхши таниш бўлмаган шахс мурожаат қилди. Ушбу кимса сұхбат бошида сизнинг ислом асосларини ўрганишга қаратилган ҳаракатингизга рағбат бериб, асл мусулмоннинг бурч ва жавобгарлиги каби мавзуларда сўз юритади. Сўнгра, билвосита саволлар билан сизга тааллукли маълумотлар, хусусан диний ва сиёсий қарашингиз билан қизиқади. Сұхбатнинг охирда эса, у сизга ўзининг ҳам исломга қизиқишилари беҳад экани ва ўзига яқин биродарлари билан диний билимларини пухта эгаллаётганини айтиб, сизга ҳам шуни таклиф этади. Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу сұхбат бир мулоқотда бўлиб ўтиши ёки бир неча учрашувга чўзилиши мумкин.

Албатта, сизга ислом ақидаларини биргаликда ўрганиш ҳақида таклиф қилганларнинг баркаси ҳам ўз олдига сизни экстремистик ғоялар билан заҳарлаш ва ноқонуний фаолиятга жалб қилишни мақсад қилиб қўймайди. Бироқ сизнинг ҳам ўзингизни қандай жамоага жалб қилаётгани ҳақида маълумотга эга бўлишга тўла хукуқингиз бўлиб, ундан оқилона фойдаланиш келажакда сизни ва оиласигизни жиддий кўнгилсизликлардан сақлайди. Чунки, экстремистик гуруҳларининг асосий мақсадлари зўравонлик ва алдаш усуслари билан сиёсий ҳокимиятга эришиш бўлиб, бу йўлда гуруҳ етакчилари оддий аъзоларни бемалол қурбон қилиб юбормоқдалар. Мутаассиб ғоялар домига тушиб қолган шахслар оиласидан, жамиятдаги ўрнидан, ҳатто ҳаётидан ажрамоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «ўзимни назорат қила оламан ва хоҳлаган вақтимда жамоадан четлаша оламан», деган хаёлдан узоқ бўлиш лозим. Чунки, кўпчилик мутаассиб оқимлар янги тарафдорларни ёллашда руҳий таъсирнинг қуйидаги усувларидан

фаол фойдаланадилар ва унга ортга қайтишга деярли имкон қолдирмайдилар:

– «Оз-оздан» технологияси. Ёлланаётган шахсни кичик илтимослар орқали жиддий ёнбосишга мажбур қилиш. Масалан, фақат биргаликда намозга бориш, дам олиш кунларини бирга ўтказиш, фақат бир ҳафта кечкурунлари бирга диний адабиёт ўқиш, жамоанинг йигинларида қатнашиш, фақат бир марта «савоб иш» қилиш ва ҳ.к.

– Доимий «мия ювиш» технологияси. Ёлланаётган шахсга мутаассиб гурухнинг гояларини амалга ошириш унинг шахсий ва жамиятдаги муаммоларни ҳал этишнинг энг мақбул йўли деган ғоя тинмай уқтирилади.

– Гурухий таъсир этиш технологияси. Жамоанинг барча аъзолари янги аъзони турли томондан ягона ғояга йўналтирилган фикрлар билан «кўмиб» ташлайди.

– Эътиroz билдириш ёки баҳслашиш имконини қолдирмаслик. Ёлланилаётган шахсга бетиним янгидан-янги маълумотлар берилади ва ўз фикрлари билан ёлғиз қолишига йўл қўйилмайди.

– Ижобий таъсирни кучайтириш. Ёлланилаётган шахсга нисбатан жамоа томонидан фақат ширин сўзлар гапирилиб, унга ғамхўрлик кўрсатилади. Зарур ҳолларда унга моддий ёрдам ҳам берилади.

Диний мутаассиб гуруҳ аъзоларини бошқалардан ажратиб туриши мумкин бўлган жиҳатларга қўйида-гиларни киритиш мумкин:

– оила аъзолари ёки жамоа таркибига кирмаган яқин дўстларига бефарқ бўлиш, жамият ва жамоаси орасига қатъий чегара қўйиш;

– кўпчиликка маълум бўлган диний ва сиёсий ғояларни маъносини бузган ҳолда ифодалаш;

– гурух ва ҳаракат ғояларини жамият ва шахс манфаатларидан устун қўйган ҳолда «Максад воситани оқлайди» шиорига амал қилиш (масалан: «қиличсиз ислом бўлмайди» ёки «мавжуд ҳокимиятни ўзгартирмасдан ҳақиқий жамиятимизда ислом дунёси қуриб бўлмайди» каби фикрлар билдириш);

– мавжуд тузумга нисбатан фақат салбий фикр билдириш ва унга нисбатан «биз-улар» қарама-қаршилик ғояларини тарғиб қилиш (албатта аввалига билвосита айтиш билан);

– сухбатда гурух, етакчилар ва устозлари ҳақидағи маълумотларни сир сақлаган ҳолда ўз ғояларини тарғиб қилиш ҳамда янги шахсларни гурухга жалб қилишга интилиш;

– сухбатдошига нисбатан гуруҳ ғояларини сингдиришга қаратилган руҳий таъсир усулларини қўллашга интилиш.

Хўш, жамиятимизда бундай иллатнинг пайдо бўлиши, илдиз отиши ва тарқалишига ким масъул? Ёшлиаримизни диний мутаассиб оқимлар таъсиридан ҳимоя қилишга ким жавобгар? Фарзандларимизда бундай бузғунчи оқимларга қарши иммунитет шакллантириш учун нималарга эътибор қартишимиз зарур?

Бу борадаги маънавий-маърифий ва тарбиявий тадбирларни амалга оширишда энг муҳим бўғим – бу, аввало, оила. Қолаверса, маҳалла, ўқиш ёки иш жойи. Шу ўринда педагогика фанлари доктори, профессор Муҳаммаджон Куроновнинг «Ота-оналар билан сухбат» мақолосида келтирилган фикрларни таъкидлаш ўринли: Оила ҳам мактаб, лицей, коллеж, институт-университетлар; яъни педагогик ишлабчиқариш корхоналаридан бири. Оила тарбиясининг миллат учун фойдаси ҳам, зарари ҳам бекиёс бўлади. Тасаввур қилинг, косиб ёмон туфли чиқарса,

у бир-икки йил, бир кишига маънавий-моддий зарар келтиради. Тарбияда «брак»ка йўл қўйилса-чи? Билимсиз, малакасиз ёки аксинча, билимли, бироқ ўз жигифлдони йўлида миллат, давлат, ватандошлари манфаатлари устидан бемалол босиб ўтувчи навқирон, аммо нобакор йигитлар чиқиб, жамият орасига сингиб кетса, нима бўлади?

Демак, «брак»лар ичida энг ёмони – педагогик бракдир. Чунки пальто, сандик, компьютер сифатсиз бўлса, бошқасини олса бўлади. Лекин инсон тарбиясиз бўлса, ғояси, нияти бузуқ бўлса, бунинг ҳам, миллатининг ҳам, Ватанининг ҳам шўридири.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, «XXI асрда қайси давлат қудратли, қайси кучли бўлади? Бу саволга, аҳолиси интеллектуал нуқтаи назардан баркамол, ёшлари билимли, ор-номусли, ватанпарвар бўлиб, униб-ўсаётган давлат, деб жавоб қайтариш мумкин»¹¹⁹.

3.2. Диний мазмундаги маҳсулотларни экспертиза қилиши тизимишининг дин ниқобидаги мафкуравий таҳдидларга қарши курашдаги аҳамияти

Хозирги глобаллашув даврида республикамиздаги ижобий ўзгаришлардан талвасага тушаётган кучлар гаразли геосиёсий мақсадлари йўлида мафкуравий хуружни амалга ошириш, аҳоли онгини заҳарлаш, хиёнаткор ва фитначи гурухларни тарбиялашга янгича тус берадиганлари кузатилмоқда. Ғоялар кураши ҳисобланган XXI асрда улкан маблағлар эвазига ахборот хуружини кучайтираётган диний мутаассиб кучларга қарши курашда халқимиз, айниқса, ёшларда миллий қадриятлар билан йўғрилган маърифатни ка-

¹¹⁹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пиравард мақсадимиз. 8-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – Б. 437.

мол топтириш, уларни мустаҳкам эътиқодли, ватан-парвар кишилар қилиб тарбиялашда диний мазмундаги материаллар – нашр, видео, аудио ва компьютер маҳсулотларининг ўрни долзарб бўлиб қолмоқда.

Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганлари-дек: «Бугунги кунда инсоният қўлида мавжуд бўлган қурол-яроғлар ер куррасини бир неча бор яксон қилишга етади. Буни ҳаммамиз яхши англаймиз. Лекин ҳозирги замондаги энг катта хавф – инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қиласиди. Бу аччиқ ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик лозим»¹²⁰.

Гаразли кучлар томонидан юртимизга қарши қаратилган ғоявий ва ахборот хуружлари миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизга зид бўлган жоҳиллик, жангарилик, зўравонлик, бехаёлик, динлараро ва миллатлараро тотувликка раҳна солувчи, диний мутаассиблик, экстремизм ва миссионерлик ғояларини тарғиб қилувчи нашрлар (китоб, газета, журнал), аудио-видеокассеталар, компьютер маҳсулотлари, интернет материалларини кенг тарқатиш орқали давом этмоқда.

Гўёки, тинч, ғоявий йўл билан курашни даъво қилувчи, аслида террорчи-худкушларни тайёрловчи, қабиҳ ҳаракатларни амалга оширишда ғоявий дастак берувчи «конвойер»га айланган ташкилотлар мунтазам равиша аҳолининг диний муаммолар билан боғлиқ қизиқишиларидан «самарали» фойдаланмоқда, ноқонуний диний адабиётлар ўқилишининг оммалашибига ҳаракат қилмоқда.

Шу билан бирга, ноисломий конфессиялар ва янги секталарнинг республика худудига экстремистик

¹²⁰ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Тошкент: Узбекистон, 2000. – Б. 491.

руҳдаги ва халқимиз учун ноанъанавий мазмунга эга диний адабиётларни, аудио ва видео кассеталарни олиб киришга қаратилган ҳаракатлари йил сайин кучайиб бормоқда. Баъзи ноанънавий конфессиялар туб аҳолини «инжиллаштириш», яъни ўз динларига тортиш билан маҳаллий тилда ибодат маросимларини ўтказиш, миссионерлик фаолияти ва аҳоли орасида ўзбек, қозоқ ва қорақалпоқ тилларида миссионерлик адабиётларини тарқатишга зўр бермоқда.

Кўплаб ноқонуний адабиётлар чиқиш жойлари кўрсатилмайди ва қайси босмахонада нашр этилгани номаълум. Бундай китобларни тайёрлашда ўта қиммат қоғоз, сифатли жиллардан фойдаланилади. Афсуски, бу каби жалб этувчи омиллар ёшларнинг юқорида зикр этилган адабиётларга қизикиши кучайишига сабаб бўлмоқда. Баъзи ёшларимиз эса, интернет орқали экстремистлар таъсирига тушиб қолиши, диний мутаассиб шахсларнинг маъruzаларини дисқда ёки кўл телефони хотирасида сақлаб, тинглаб юриш ҳолатлари мавжуд.

I. Диний мутаассибларнинг эркин оммабон (соҳта диний-маърифий) адабиётлари. Сўнгги йилларда Марказий Осиё давлатлари худудига диний-экстремистик руҳдаги адабиётларни олиб киришга уринишлар кузатилмоқда. Улар асосан мусулмон аҳолига салбий таъсир кўрсатиб, алоҳида худудларда ижтимоий-сиёсий жиҳатдан бекарор вазиятни вужудга келтиришга, диний бағрикенглик тамойилларини издан чиқаришга хизмат қиласди.

Экстремистик руҳдаги гояларни тарғиб қилувчи нашрлар, нафақат замонавий муаллифларнинг асарлари, балки тарихнинг турли даврларида яратилган ва нотўғри талқин қилинган асарларнинг тарқалишига ҳам барҳам бериш лозим. Бунга мисол тариқасида хориждаги тарғибот марказлари кенг

фойдаланадиган Ибн Таймия, Мұхаммад Иләс Кандеҳлавий, Сайд Нурсий, Тақийиддин Набаҳоний, Саййид Қутб, Абу Аъло Маъдудий, Абдул Қадим Заллум, Фатхулла Гюлен ва бошқа шу каби муаллифлар-нинг асарларини келтириш мүмкін. Уларнинг кўп асарлари радикал руҳда бўлиб, дунёқараши тўлик шаклланмаган ёшлар орасида нотўғри, хатто хатарли тушунчалар шаклланишига сабаб бўлади.

II. Юртимиздаги анъанавий диний таълимотларга қарама-қарши адабиётлар. Мутаассиб гурухлар асрлар давомида ҳалқимиз амал қилиб келган ҳанафий мазҳаби таълимотларига зид бўлган ғояларни сингдиришга уринмоқдалар. Бу каби ҳаракатлар юртимиз учун хатарли бўлиб, ижтимоий-сиёсий барқарорликка путур етказибгина қолмай, ҳалқ орасида низолар келтириб чиқаришни кўзда тутади.

III. Давлат сиёсатига қарши ташвиқот адабиётлари. Экстремистик ва радикал руҳдаги адабиётлар тарқатиш замирида давлат сиёсатига қарши чиқиш мақсадлари ҳам йўқ эмас. Бу ўқувчида бугунги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий соҳалардаги воқеликка нисбатан асоссиз, нохолис ёндашишларни юзага келтириши мүмкін.

IV. Ўқувчилар орасида тушкунлик кайфиятини кучайтирадиган адабиётлар. Сўнгги пайтларда ўлим, қабр азоби, қиёмат ва дўзах азоблари ҳақида ҳикоя қилувчи, асосан хорижий тиллардан таржима қилинаётган адабиётлар сони ортиб бораётгани кузатилмоқда. Бу ўз навбатида ўқувчилар орасида бугунги фаровон ва тинч-осойишта ҳаётдан қониқиши ҳосил қилмаслик, келажакка нисбатан ишончсизлик ҳамда тушкунлик кайфиятларини келтириб чиқаради.

V. Динлараро зиддиятларни келтириб чиқарувчи адабиётлар. Бундай асарлар анъанавий ислом учун ёт ғоялар тарқалишида, динлараро тотувлик ва диний

бағрикенглик тамойиллари бузилишида, «жиҳод» түшүнчесини нотүгри талқын қылган ҳолда, ўқувчилар орасыда жангарилик кайфияти юзага келишига олиб келади.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, хукуматимизнинг қарор ва қўрсатмалари асосида мамлакатимизда диний мазмундаги адабиётлар, нашр, видео, аудио ва компьютер маҳсулотларини тайёрлаш, импорт қилиш ҳамда сотувга чиқарилишининг қонунийлитини таъминлаш юзасидан тизимли ва тадрижий чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганлариdek: «Ислом динини сиёсатга айлантираётган, ёвузлик ва террорчилик мағкурасини яратсаётган кўплаб радикал ва экстремистик марказларнинг, биринчи навбатда, ёшлар онгини заҳарлаб, зомбига айлантириб, улардан террорчилар тайёрлаш бўйича конвойер ташкил этаётган, халифалик тузишдек турли хом-хаёлларни амалга оширишга уринаётган қабих кучларнинг илдизини қирқиб ташлаш керак»¹²¹.

Жумладан, аҳолининг кенг қатламлари, авваламбор, таълим тизимида ёшларни соғлом дунёқараш, умуминсоний қадриятларга хурмат ва диний бағрикенглик руҳида тарбиялаш, турли мутаассиб оқимлар, секталикка асосланған ноқонуний ва ноанъанавий диний жамоалар таъсирига тушиб қолишнинг олдини олиш ҳамда улар ўртасида диний экстремизм ва миссионерликка қарши мағкуравий иммунитетни шаклантириш юзасидан диний-маърифий тарғибот ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни ҳамда

¹²¹ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – Б. 200.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 апрелдаги 196-қарорига асосан Дин ишлари бўйича кўмита республикада ишлаб чиқариладиган ёки чет эллардан келтириладиган диний мазмундаги маҳсулотларни экспертизадан ўтказади ва мазкур фаолиятни мувофикалаштиради.

Шунингдек, 2006 йилнинг 22 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳакида»ги Конунга биноан республикамизда миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалиларни тайёрлаш, саклаш ва тарқатиш ҳамда диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, саклаш, олиб кириш ёки тарқатишга доир жиноятларнинг жазо меъёrlари кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 184²-моддасига мувофик, диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, саклаш, олиб кириш ёки тарқатиш фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса – эллик бараваридан юз эллик бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 244³-моддасига мувофик, юқоридаги ноқонуний хатти-ҳаракат агар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача микдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади¹²².

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатиш мақсадида тайёрлананаётган диний мазмундаги маҳсулотларни экспертизадан ўтказища уларнинг моҳияти

¹²² Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 25-26-сон, 226-модда.

давлатимиз сиёсати, миллий истиқлол ғояси ва диний таълимотларга зид эмаслиги, бундай маҳсулотларга қай даражада эҳтиёж мавжудлиги, улар диний даъват ва миссионерликка, аҳоли ўртасида ихтилоф ва зиддиятлар келиб чиқишига сабаб бўлмаслигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дин ишлари бўйича қўмита экспертилик гурухи давлат идоралари ва нодавлат ташкилотлари ҳамда жисмоний шахслар мурожаатига мувофиқ тақдим этилган материаллар юзасидан экспертилик хulosаларини тайёрлайди. Диний мазмундаги маҳсулотлар экспертизаси уч йўналишга бўлинади:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрланган диний мазмундаги материалларнинг барча шакллари: китоблар, даврий нашрлар, мақолалар, аудио ва видеокассеталар, турли форматдаги дисклар, радио, телевидение ва интернет орқали тарқатилиши мўлжалланган диний мазмундаги маҳсулотлар.

Мазкур йўналишда экспертизадан ўтказиладиган маҳсулотлар уларни тайёрловчи ташкилотлар (нашриётлар, студиялар ва ҳ.к.) томонидан экспертилик гурхига қоралама нусхада тақдим этилади.

Экспертизадан ўтказилиб, ижобий хulosага эга бўлган маҳсулотлар (китоблар, даврий нашрлар, дисклар, кассеталар)да Дин ишлари бўйича қўмита экспертилик гурухи тақдим этган хуроса рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши талаб этилади. Шунингдек, бундай маҳсулотларни сохталашибтиришдан химоя қилиш мақсадида ҳар бир маҳсулотга экспертилик гурухининг маҳсус голограммаси ёпиширилган бўлиши шарт.

Чунки кўпгина диний мазмунга эга нашр ва бошқа маҳсулотларда «Дин ишлари бўйича қўмита тавсияси билан» ёки эътироф этилган нашриётлардан биррида тайёрлангани хақидаги сохта белгилар ҳам мав-

жуд. Қўмита кўригидан ўтмаган баъзи нашр ва маҳсулотларни легаллаштириш учун атайлаб шундай ёзув ёзилади.

Масалан, «Иймон заифлашуви» брошюраси (муаллиф Муҳаммад Солих Мунажжид) гўёки Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси тарғибот маркази томонидан «Камалак» нашриётида чоп қилинганлиги кўрсатилган. Аслида китоб ушбу нашриётда чоп қилинмаган.

«Мусулмон боланинг китобчаси» (муаллиф Фассон ибн Собит) муқовасининг ички қисмида ҳам «Дин ишлари бўйича қўмитанинг рухсати билан чоп этилди» деган ёзув мавжуд. Лекин китобдаги ушбу ёзув қалбаки бўлиб, чоп этилган нашриёт ёки босмахона кўрсатилмаган.

Шу ўринда яна бир ҳолатни қайд этиш лозимки, етарли маълумотга эга бўлмаган фуқароларимиз соҳта ёки ҳақиқатда Дин ишлари бўйича қўмита экспертизасидан ўтган диний мазмундаги маҳсулотларни харид қилишда янглишмасликлари учун ҳар бир вилоятда диний маҳсулотларни марказлашган ҳолда савдо қилиш тартиби йўлга кўйилган.

2. Хорижда тайёрланиб, республикамиз ҳудудига олиб кирилаётган диний мазмундаги маҳсулотлар экспертизага божхона идоралари ва халқаро почта ташкилоти тарафидан тақдим этилади.

3. Турли тергов ва суриштирув идоралари мурожаатига мувофиқ жиноий ва маъмурий ишларга оид диний мазмундаги материаллар ҳам Дин ишлари бўйича қўмита экспертизасидан ўtkазилади.

Диний мазмундаги маҳсулотлар экспертизага тақдим этилганидан сўнг экспертлик гурухи томонидан уларнинг моҳияти давлатимиз сиёсати, миллий истиқлол ғояси ва диний таълимотларга зид эмаслиги, маълумотларнинг асослилиги ва аниқлиги, бун-

дай маҳсулотларга қай даражада әхтиёж мавжудлиги, улар диний даъват ва миссионерликка, ахоли ўртасида ихтилоф ва зиддиятлар келиб чиқишига сабаб бўлмаслиги каби жихатлари ўрганилиб, тегишли хуносалар берилади.

Диний мазмундаги маҳсулотларни тайёрлаш ёки фойдаланишда уларнинг мазмунидаги қуйидаги жихатларга эътибор қаратиш лозим:

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф равишда ўзгартиришга, ҳокимиятни куч ишлатиб эгаллашга, сайлаб қўйилган ёки тайнланган ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлостишга, ёхуд Ўзбекистон Республикаси худудий яхлитлигини Конституцияга хилоф тарзда бузишга даъват қилувчи ғоялар, ҳокимият органларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки уларни Конституцияда назарда тутилмаган параллел тузилмаларига алмаштиришга даъват қилувчи чақириқлар йўқлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳақоратлаш ва унга тухмат қилиш белгилари мавжуд эмаслиги;

Хўкуматни эгаллаш, жаҳондаги ислом динига мансуб мамлакатларни иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва географик яхлит, ислом фундаментализми ғоялари асосида бирлаштириш, ислом давлати қуриш, халифалик бошқарувини жорий этишга қаратилган даъват, ҳўкумат томонидан олиб борилаётган сиёсатга қарши кураш ғоялари йўқлиги;

Ўзбекистон Республикасида миллий ва диний низоларни келтириб чиқариш назарда тутилмагани;

Миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб, ахоли гурухларига нисбатан адсоват, муросасизлик ёки нифоқ келтириб чиқариш мақсадида мил-

лий шаън-шараф ва қадр-қимматини камситишга, диний эътиқодига ёки дахрийлигига қараб, фуқароларнинг ҳис-туйғуларини ҳақоратлашга ёхуд уларга бевосита ёки билвосита афзаликлар беришга қаратилган ғоялар илгари суримагани;

Фаолияти тақиқланган жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларни тузиш, уларнинг фаолиятини тиклаш, шу ташкилотларнинг фаолиятида катнашиш ёки қатнашишга ундаш даъватлари йўклиги;

Диний экстремизм, сепаратизм ва мутаассиблик ғоялари йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган, аҳоли орасида вахима чиқаришга қаратилган, фуқаролар ўртасида тотувликни бузиш, тухматона вазиятни бекарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатиш ғоялари мавжуд эмаслиги;

Уларнинг моҳияти давлатимиз сиёсати, миллий истиқлол ғояси, миллий қадриятларимиз ва диний таълимотларга зид эмаслиги, диний даъват ва миссионерликка, аҳоли ўртасида ихтилоф ва зиддиятлар келиб чиқишига сабаб бўлмаслиги.

Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, уларни ота-оналарининг ихтиёрига зид тарзда ўқитиш, диндорлардан мажбурий йигим ундириш ва солиқ олиш билан шахснинг шаъни, обрусини камситувчи тадбирлар қўллаш ёки диний таълим олишга ҳамда фуқаро динга нисбатан эътиқод қилишга, ёки қилмасликка, ибодат қилишда диний расм ва русмларни ва маросимларда қатнашиш ёки катнашмасликка нисбатан ўз муносабатини билдираётган пайтида мажбурлаш билан боғлик фаолият юритишга чақиравчи даъватлар йўклиги;

Мазкур адабиётлар давлат ташкилотлари ёки диний ташкилотлар орқали олиб келиб тарқатилишига

руҳсат берилгани ёки Ўзбекистон Республикасига но-
легал тартибда олиб келиниб тарқатилгани.

Қандай бўлишидан қатъи назар, турли хил мав-
зудаги ноқонуний диний маҳсулотлар давлат ва жа-
мият барқарорлиги, хавфсизлиги, динлараро тотув-
лик ва диний бағрикенглик тамойилларига қарши
йўналтирилганлиги билан ажралиб туради.

Ёшлар ҳаёти ва тарбиясига катта хавф солаёт-
ган, бутун жаҳонда бало-қазодек тарқалиб бораётган
бундай хуружларга қарши курашиш ҳаётий-амалий
аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, Президентимиз Ислом
Каримов таъкидлаганлариdek, «Бизнинг миллий ру-
химиз ва табиатимизга ёт ва бегона бўлган ана шун-
дай «маданият» намуналарини фақат танқид ва ин-
кор қилиш ёки уларни тақиқлаш билан бирон натижага
эришиб бўлмайди. Бундай хатарлардан ҳаётишимизни
асраси, маънавий бўшлиққа йўл қўйимаслик учун авва-
ламбор эзгу инсоний ғоялар ва юксак маҳорат билан
яратилган асарлар орқали ҳалқимизнинг маданий са-
виясини юксалтириш, бошқача айтганда, бутун жаҳон
майдонида юз бераётган кескин ақл-заковат ва ис-
теъдод мусобақасида беллашувга қодир бўлишимиз
шарт»¹²³.

Республикамиизда қарор топган толерантлик муҳи-
тини афкор оммага объектив кўрсатиб бериш, зъти-
қод эркинлиги соҳасида Ўзбекистонда олиб бори-
лаётган сиёсатни кенг тарғиб қилиш, диний-экстреми-
стик окимлар томонидан тарғиб қилинаётган
ақидавий даъволарга манбаларга асосланган илмий
раддиялар бериш, диний мутаассиблик ғояларининг
жамиятга таҳди迪, унинг замиридаги ғаразли геосиё-
сий мақсадлар, уларни амалга ошираётган бузгунчи
кучларнинг кирдикорларини фош этишга қаратилган

¹²³ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маъна-
вият, 2008. – Б. 133-134.

ишлилмалар яратиш ёки уларни аҳоли орасида тарғиб этишда ҳар бир диний соҳа вакили ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишига умид қиласиз.

3.3. Ёшларда интернетдаги ёт гояларга қарши мағкуравий иммунитетни шакллантиришинг таъминлаб масалалари

Мағкуравий глобаллашув ахборот воситаларининг ривожи ва бу соҳада содир бўлаётган инқилоб билан боғлиқ. Мутахассислар фикрича, инсоният бутунги кунда янги ахборот инқилобини бошдан кечирмоқда ва у кишилик жамияти тарихидаги биринчи инқилоб эмас. Нутқнинг шаклланиши ахборот узатиш имкониятларини кенгайтирган бўлса, ёзувнинг пайдо бўлиши уни узоқ вақт давомида сақлаш ва ахборотни унинг яратувчисидан ажратган ҳолда улкан масофаларга етказиш, ҳатто замонлараро олиб ўтишга йўл очди. Газета ва журналларни нашр этишнинг йўлга қўйилиши ёзма ахборотни узатишдаги тезкорлик ва қамровлиликни янада кенгайтирди. Радио ва телевидение эса ахборотни овоз ва тасвир орқали узатишни таъминлаб, уни янги сифатий босқичга кўтарди.

Президентимиз Ислом Каримов айтганидек, «Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўкув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди».

Хозирги ахборот инқилоби олдинги даврларда пайдо бўлган ахборот узатиш усулларининг кўпгина томонларини ўзида синтез қилган, замонавий компьютер технологияларига асосланган интернет каби ҳодисаларнинг пайдо бўлиши билан боғлик.

Бугунги кунда турли шакл ва мазмундаги ахборотлар инсон ва жамият ҳаёти, таракқиёти ва камолотининг зарурий шартига, электрон оммавий ахборот воситалари (ЭОАВ) ва турли ташкилотларнинг расмий веб-саҳифалари эса уни тарқатишнинг муҳим бўғинига айланган. Хусусан, ҳар қандай киши мураккаб ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнларда тўғри йўл топа олиши, ўзининг индивидуал тажрибаси доирасидан чиқишида ва кенг қамровли жараёнлар мөхиятини ҳис қилишида интернет радио, телевидение, газета ва журналлардан ҳам муҳимроқ аҳамият касб этади.

50 миллионлик аудиторияга эришиб, оммалашиш учун радиога 38 йил, телевидениега 13 йил, кабель телевидениега 10 йил керак бўлгани ҳолда, бу босқични интернет 5 йилда босиб ўтди.

Интернет одамлар онги ва ҳиссиётларига, тафаккур тарзига, хулқ-авторларига таъсир кўрсатишда катта имкониятларга эга. Интернетнинг бугунги кундаги ривожи ғоявий таъсир ўтказишнинг миқёси ва кўламининг кескин даражада ўсишига олиб келди. Интернет инсон онги ва қалбига таъсир кўрсатишнинг шу даражада кутилмаган қудратли воситаси бўлиб чиқдик, унда тарғиб қилинаётган маълумотларнинг афзаллклари ёки салбий оқибатларини бирданига ажратиб олиш жуда қийин масалага айланниб қолди.

Интернет бугунги ахборот маконининг муҳим бўғинига айланди. Ҳозирда интернетдан нафақат компьютер тармоғи, балки космик алоқа йўлдош-

лари, радиосигнал, кабел телевидениеси, телефон, уяли алоқа орқали ҳам фойдаланиш мумкин. Аввалла-ри фақатгина сўзлашув учун ишлатилган телефондан бутун интернет, товушли алоқа ва маълумотлар узатиш каби турли қўшимча хизматлардан фойдала-ниш, видеотелефония ва ҳатто телекўрсатувлар кў-риш имкони бор. Интернет кишилар ҳаётининг аж-ралмас қисмига айланиб бораётганини қуидаги ра-камлардан билиб олиш мумкин:

2000 йилдан 2012 йил охирига қадар дунёда интер-нетдан фойдаланувчилар сони 9,6 баробарга ошиб, 2,4 миллиард кишига етди, мобил алоқа абонент-лари сони эса 13,4 баробарга ошиб, 6,7 миллиардни ташкил этди. Интернетдан фойдаланувчиларнинг 44,8 % (1,1 млрд киши) Осиё, 21,6 % (519 млн киши) Европа, 11,4 % (274 млн киши) Шимолий Америка китъаларига тўғри келади.

Жаҳон веб-аудиториясининг 45 %ини 25 ёшгacha бўлган шахслар ташкил этади. Мазкур ўсмирларнинг 68 % ҳар куни кимгadir SMS-хабар жўнатади, 51 % ижтимоий тармоқларга киради, 30 % электрон поч-тадан фойдаланади.

Айни вақтда виртуал оламда 600 млнга яқин ин-тернет сайтлар мавжуд бўлиб, ҳар ойда ўртача 201,4 трлн видеоролик кўриб чиқилади, ҳар куни 144 млрд электрон мактуб жўнатилади.

Яратиб берилаётган хуқуқий кафолатлар ва шарт-шароитлар самараси ўлароқ, ҳозирги кунда юрти-мизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воси-талари қарийб 1200 тага етди. Босма оммавий ах-борот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баро-барга кўпайди. Мавжуд барча босма нашрлар 60 %, телеканаллар 53 %га яқини, радиоканалларнинг

эса 85 % и нодавлат оммавий ахборот воситалари хиссасига тӯғри келаётгани мамлакатимизда ушбу соҳага бозор механизмлари жадал суръатларда жорий этилаётганининг ёрқин исботидир.

Ўзбекистонда кейинги йилларда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугун мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тӯғридан-тӯғри чиқадиган халқаро каналларга эга. Юртимиздаги телерадиоканаллар томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар Интернет глобал тармоғи орқали *реал вақт* режимида жаҳонга узатилмоқда.

Хозирги кунда мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони 9,8 миллиондан ошди. 16 мингга яқин из доменидаги веб-сайтлар фаолият олиб бормоқда. 200 дан ортиқ веб-сайт оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатта олинган.

Интернетнинг таъсир кучи бериладиган материалларнинг тезкорлиги, кўтарилаётган масалаларнинг долзарблиги ҳамда таҳлилийлик даражаси ва мавжуд муаммоларнинг самарали ечимларини таклиф этишига кўп даражада боғлиқ. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, «Замонавий ахборот майдонидаги харакат шунчалар тифиз, шунчалар тезкорки, энди илгаригидек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво ўтириб бўлмайди. Мана шу шарт-шароитларнинг барчаси ҳам маънавият, миллий мағкурунинг аҳамиятини янада кучайтиради. ... бугунги кунда ғояни, фикрни тақиқ билан, маъмурий чоралар билан енгиб бўлмайди. ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин»¹²⁴.

¹²⁴ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – Б. 88.

Демак, интернет орқали амалга ошириладиган, катта маблағ талаб қилмайдиган ғоявий таъсир ва тазиикнинг ўзига хослиги шундаки, у ўқувчи, тингловчи ёки томошибинга сездирилмасдан амалга оширилади ва бевосита қурбонларни келтириб чиқармайди. Ахборот уруши душманни йўқ қилмаган, катта харжатни талаб қилмаган ҳолда, юқори самара беради.

Бунда ғоявий таъсир йўналтирилган мамлакатлар ахолисининг хоҳиш-истаклари, менталитети, мавжуд муаммолари жиддий ўрганилган ҳолда, асосий диққат кишилар онги ва дунёқарашига таъсир кўрсатишга, шаклланган қадриятларни ўзгаришишга, уларнинг регуляторлик ролини камайтиришишга ёки бутунлай йўққа чиқаришишга қаратилади.

Интернет ривожи хозирги ғоявий курашга ўзига хослик бағищламоқда. Бу маълумотлар оқими манфаатдорлик нуқтаи назаридан етказилишида ёки атайлаб қарама-қарши характердаги маълумотларни пойма-пой бериш орқали охир-оқибатда одамлар идрокини сусайиштиришишга интилишда ёрқин намоён бўлади. Бу ўзига хослик жамият аъзоларидан тизимли равишда ахборотнинг муайян қатламини яшириш, уларни муҳокама объектига айлантирмасликка интилишда ҳам яққол кўринади.

Ҳар куни дунёда миллионлаб воқеалар содир бўлади. Аммо интернетда кишилар диққатига муайян ижтимоий-сиёсий кучлар манфаатидан келиб чиқиб эътибор қаратган масалаларгина ҳавола этилади. Бу уларнинг ҳодисаларни ёритишнинг устувор йўналишларини белгилаб беришини, муайян маълумотларни олиш, талқин қилиш, баҳолаш ва тарқатиш орқали фуқароларда тегишли фикр ва хулосалар шаклланишига хизмат қилишини кўрсатади. Бу интернетнинг ижтимоий фикрни керак бўлган шаклга йўналтира олиши, у билан манипуляция қила оли-

шидан далолат беради. Мазкур жараёнда сохта, түқиб чиқарылған ахборотни хәқиқат сифатида тақдим этиш, воқеликни бирёзлама тақдим этиш ёки бузиб күрсатиш, реалликни адекват қабул қилишга ёрдам берадиган мұхим, керак элементларни яширишга алоҳида зытийор берилишини таъкидлаш зарур.

98 % америкалиklар қуйидаги сабабларга күра, интернетдеги маълумотларга тұлық ишонмайдилар:

- реклама жуда күплиги сабабли – 59 %;
- маълумотлар эскириб қолгани – 56 %;
- номаълум форумларга кириб қолиш мүмкінлиги – 45 %.

94 % америкалиklар эса интернетдеги маълумотта ишонмаганларлар сабабли қуйидагилардан хавотирланадилар:

- вақтни бекорга сарфлашдан – 67 %;
- компьютерга вирус тушишидан – 63 %;
- пулларини йүқотишидан – 51 %;
- фирибгарлик хавфидан – 51 %;
- ўз обрў-зытийорларига зарар етишидан – 36 %;
- ишдан бўшатилишдан – 14 %;
- ўз турмуш ўртоқлари билан алоқалари бузилишидан – 9 %.

Бугунги кунда интернет ғоявий кураш ва тарғиботнинг асосий майдонига айланганини экстремистик ва террористик қарашларни тарғиб қилишдаги ўрни мисолида ҳам кўриш мумкин.

БМТ Бош ассамблеяси томонидан 2006 йил 8 сентябрда қабул қилинган «БМТнинг глобал аксилтер-рор стратегияси»да янги услублар каторида биотерроризм ҳамда интернетдан террор мақсадида фойдаланишининг олдини олиш чораларини кучайтириш алоҳида қайд этилган.

Сўнгти йилларда террористик ташкилотлар ғояларини тарғиб-ташвиқ қилишга қаратилган веб-сайтлар-

нинг сони бир неча баробарга ошган. Хусусан, 10 йил аввал бундай сайtlар сони 20 та бўлса, бугунги кунда дунёда террористлар фойдаланадиган 7000 дан ортиқ интернет сайtlари мавжуд бўлиб, уларга хизмат кўрсатувчи порталлар сони кундан кунга ортиб бормоқда.

Интернет бутун оламни кафт устига қўндиргандай бўлади. Инсон кафтидаги асосий учта чизиққа қараб, ўзларича уларнинг нима англатишини «башорат» қилидиганлар ҳам бор. Бироқ интернетнинг «кафт»ида шунчалик «чизиқлар» (яъни сайtlар) кўпки, улар кишиларни қизиқтириб доимий «мижоз»га айлантириб қўймоқда. Шундай сайtlар борки, уларда порнография, ахлоқсизлик, фаҳш ва зўравонлик тарғиб қилинса, яна баъзи бир сайtlарда тайинсиз секталар, ўзларини аллақандай диний ташкилотлар вакиллари деб номлаётганларнинг чиқишлиари жойлаштирилмоқда. Натижада муқаддас ислом динининг асл мазмун-моҳиятига путур етказаётган сайт ихтирочи-ларининг тарғиботлари таассуфлар бўлсинки, айrim кишиларни ўз йўлидан чалғитиб қўймоқда.

Бундай интернет сайtlар тўсатдан пайдо бўлади, вақт ўтгач йўқолади, мазмунини ўзгартирган ҳолда, тез-тез номланиши ва доменини ўзгартириб турди. Интернет қуидагилар билан террористлар учун кулагай ҳисобланади:

- Интернетга киришнинг осонлиги;
- Фойдаланувчилар сонининг қўплиги;
- Алоқанинг анонимлиги;
- Ташқаридан бошқариш ва таҳrir қилиш чеклангани;
- Ахборотлар қисқа мурдатда кенг маконда тез тарқалиши;
- Фаолият сарф-харажатларининг бир неча баробар камлиги.

Террористлар интернетдан күйидаги мақсадларда фойдаланадилар:

- тарғибот ва ташвиқот мақсадида маълумот тарқатиши;
- янги аъзоларни ёллаш (вербовка);
- аъзолик ва хайрия бадалларини йигиш ҳамда улардан фойдаланиш;
- тармоқ ва шохобчалар ташкил этиши;
- террористларни ўқитиши, кўрсатмалар бериши;
- разведка ва маълумот қидириши;
- янги террористик ҳаракатларни режалаштириши ва бошқариши.

2013 йил 15 апрель куни АҚШнинг Бостон шаҳрида содир этилган террористик ҳаракатлар 14 йил аввалинча бошқа бир воқеани эсга солади. 1999 йил апрелинда Дэвид Коуплэнд исмли 23 ёшлик инженер томонидан Лондоннинг 3 та гавжум жойида портлатилиган қўлбола бомбалар 3 кишининг ҳалок бўлиши ва 139 киши яраланишига сабаб бўлди. Кейинчалик суд жараёнида Дэвид Коуплэнд мазкур террористик ҳаракатни ёлғиз тайёрлагани, бунда у интернетдан олинган «Террорист учун қўлланма» ва «Қандай қилиб бомба тайёрлаш мумкин: 2-китоб» номли китоблардан фойдаланганини айтган.

Google интернет тармоғида «террорист» ва «қўлланма» сўзлари орқали қидирив берилганда, тахминан 5,5 млн. материаллар, жумладан, 4 мингдан ортиқ қўлланмалар топиш мумкин. Дэвид Коуплэнд томонидан қўлланилган аммоний нитрати ҳақида эса интернетда 241 минг, ундан портловчи модда тайёрлаш ҳақида 14 мингдан ортиқ материал мавжуд.

Шунингдек, диний экстремистлар ва террорчиларнинг интернетдаги сайtlарида ташкилотнинг мақсади, тарихи ҳамда ижтимоий-иктисодий, сиё-

сий мазмундаги маълумотларга ҳам кенг ўрин берилади. Жумладан, террорчилар куч ишлатиш йўлига ўтишга гўёки мажбур бўлганларини асослашга, террор ва қўпорувчилик ҳаракатларини маънавий ва ахлокий жиҳатдан оқлашга интилишади. Бунда ўзларини «озодлик курашчиси», «партизан», «қаршилик кўрсатувчи» деб атаб, тинчлик тарафдори қилиб кўрсатишга ва улар билан курашда ҳукумат тинч йўл билан ҳаракат қилиш лозимлигини асослашга интилиш кенг тарқалган. Улар сайтларда ҳукумат тарафидан қўлланилаётган усулларнинг «ваҳший» тус олганини ёритишга ҳам алоҳида эътибор берадилар.

Тезкор ахборотлар, янгиликларнинг бир вақтнинг ўзида бир неча тилда ва террорчилар учун фойдали бўлган йўналишда бериб борилиши, уларнинг фаолиятни оқловчи, «қаҳрамонлигини» куйловчи қўшиқлар, клиплар берилиши бундай сайтларнинг мафкуравий ҳамда эмоционал таъсир қувватини оширишга хизмат қиласди.

Бундай сайтлар, бир томондан, террорчилик ташкilotининг фаол аъзоларига, иккинчи томондан, террорчиларнинг асл мақсад муддаоларини билмайдиган, уларни «курашчилар», «мухолифат» ва шу каби ижобий мақом сифатида қабул қилишга ўрганган одамларга мўлжалланган. Улардан жамиятда тегишли ижтимоий фикрни шакллантириш ва қарама-қарши (душман) томонга психологияк таъсир кўрсатиш, қўрқув, ваҳима тарқатиш орқали ички иккиланишни келтириб чиқаришдек мақсадлар кўзланади.

«Мана шундай бир вазиятда, – деб ёзади Ислом Каримов, – одам ўз мустақил фикрига, сабит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий қадриятларга, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли мафкураларнинг босимига, уларнинг gox ошкора, gox пинҳона кўринишдаги тазийк-

ларига бардош бериши амримаҳол»¹²⁵. Ёшлар ҳаёти ва тарбиясига катта хавф солаётган, бутун жаҳонда балоқазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш ҳаётий-амалий аҳамиятга эга.

Улкан ахборот уммонида ёлғон хабарлар нисбати шиддат билан ортиб бораётган ҳозирги таҳликали замонда аждодларимизнинг бой илмий меросидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳаммага маълумки, дунёдаги мусулмонлар учун Куръони каримдан кейин муқаддас саналган ҳадисларни саралаш ва тӯплаш илмига айнан бизнинг буюк аждодларимиз тамал тошини қўйганлар. Жумладан, «ҳадис илмининг сultonи» Имом Бухорий ўз вақтида 600 мингга яқин ҳадисларни тӯплаб, улардан 7275 та «энт тӯғриси» (саҳих)ни «Саҳихи Бухорий» тӯпламига жамлаганлар. Ҳадисларни ишончли ва нотўғрига ажратишда ҳадис уламолари асосий эътиборни аввало ҳадис исноди (уни етказувчи «ровий»лар силсиласи) га, сўнгра ҳадис матни (мазмуни нечоғли ҳақиқатга яқин экани)га қаратганлар.

Ҳадиснинг бошланишида уни биринчи бўлиб айтган ва эшитган кишидан бошлаб, ҳадисларни тӯловчига қадар барча шахсларнинг исмлари бирмабир кўрсатиб чиқилган ва бу ҳадиснинг асоси, далили ҳисобланган. Ҳадиснинг ҳақиқий ёки соҳта эканини мухаддислар шу исмларни таққослаш йўли билан текширганлар. Ҳадисни нақл қилувчи кишиларнинг яшаган йиллари ва ижобий сифатлари шартга тӯри келса, ҳадис ҳам тўғри деб ҳисобланган.

Мухаддислар учун ровийлар занжири (силсила)-нинг узлуксизлигини белгилаш, ровийларнинг исми, таржимаи ҳоллари, яшаш жойлари, майший ҳаётлари, туғилган ва вафот этган саналари, бир-бирлари

¹²⁵ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курамиз. 7-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон, 1999. - Б. 86.

билин ўзаро мuloқотлари ҳақида батафсил маълумот тўплаш ҳамда уларни танқидий ўрганиш мухим саналган. Ровийларнинг вижданни соғлиги, адолатлилиги ва маънавий-ахлоқий хусусиятлари алоҳида мухим аҳамият касб этган. Ҳаёти давомида бирор марта ёлғон гувоҳлик берган, турли сабаблар билан маънавий обрўсига птур етган, ахлоқи бузук шахслар «гайри сиқа» (ишончсиз) ровийлар қаторига киритилган ҳамда улардан умуман ҳадислар қабул қилинмаган. Ривоят қилинишича, Имом Бухорий бир ҳадиснинг ягона ровийси бўлган шахсни қидириб, узоқ ва машаққатли йўл босиб, уни топадилар, лекин ровийни бир қўйни ҳашак билан алдаб қўрага олиб кираётганини кўриб, у билан ҳаттоки суҳбатлашмасдан ҳам оркага қайтадилар.

Юртимиздаги кечеётган жараёнларни кескин ва нохолис талқин қилувчи, бўхтон, тухмат ва ғийбат билан тўлиб-тошган материалларни ўқиётган юртдошларимиз юқоридаги маълумотлардан тўғри хулоса чиқарадилар, деб умид қиласиз, албатта. Шу билан бирга, олдимизда мамлакатимиздаги вазият, эришилган ютуқлар бўйича объектив ахборотларни жаҳон жамоатчилигига вақтида етказиб бериш ҳамда мамлакатдаги реал воқеаликнинг ундан ташқарида ҳам тўғри ва ўринли қабул қилинишига эришишдек мухим вазифа бор. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, «Инсоннинг қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган барча соҳалардаги фаолиятимизни ҳалқнинг маънавий эҳтиёжлари, замон талаблари асосида янада кучайтиришимиз, янги босқичга кўтаришимиз зарур»¹²⁶.

Аҳолининг холис ва ҳаққоний ахборотга эга бўлишини таъминлаш, юртдошларимизнинг маънавий

¹²⁶ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 129.

савияси, билим ва дунёкарашини ошириш, шу билан бирга, ёш авлодни ватанпарварлик ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган маълумотларни глобал тармоқ орқали тарқатиб боришин дин соҳасидаги ташкилотлар олдида турган яна бир муҳим вазифа сифатида қайд этиш мумкин.

Республикамиизда қарор топган толерантлик мұхитини афкор оммага объектив күрсатиб бериш, эътиқод әрқинлиги соҳасида Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсатни кенг тарғиб қилиш, диний экстремистик оқимлар томонидан тарғиб қилинаётган ақидавий даъволарга манбаларга асосланган илмий раддиялар бериш, диний экстремизм ва миссионерлик ғояларининг жамиятга таҳди迪, мутаассиб ғоялар замиридаги баразли геосиёсий мақсадлар, исломни бузиб талқин қилаётган мутаассибларнинг кирдикорларини фош этишга қаратилган мақолалар Тошкент ислом университети ҳамда Исломшунослик илмий-тадқиқот марказининг веб-саҳифаларига ти-зимли жойлаштириб борилади.

Бугун ахборот ҳам истеъмол қилинадиган товарга айланган экан, ҳар бир инсон ўзида уни истеъмол қилиш маданиятини тарбиялаши лозим. Ёшлар шахсий характердаги ахборот ҳимояси бўйича билим ва қўникмаларга эга бўлиши, ўзи фойдаланаётган салбий ахборотлардан ҳимоялана олиши зарур. Ана шу мақсадда 2011 йилдан бошлаб, Тошкент ислом университети бакалавриат ва магистратуранинг барча йўналишларида «Ахборот истеъмоли маданияти» номли маҳсус курснинг ўқитилиши жорий этилди.

Ахборот истеъмоли маданияти, энгумумий маънода, ахборот оқимидан инсон манфаатлари, камолоти ҳамда жамият тараққиётига хизмат қилувчи маълумотларни қабул қилиш, саралаш, тушуниш ва талқин

этишга хизмат қиласиган билимлар, қобилият ва ма-
лака тизимини англатади.

Инсон ўзида бундай маданиятни тарбиялаши учун
у ёки бу ахборотни эшитар экан, ҳеч бўлмаганда «Бу
ахборотни ким узатаяпти?», «Нима учун узатаяпти?»
ва «Қандай мақсадда узатаяпти?» деган саволларни
ўз-ўзига бериши, унга асосли жавоб топишга ҳаракат
килиши керак.

Шундагина турли ғоялар таъсирига тушиб қолиш,
тақдим этилаётган маълумотларга кўр-кўронга эрга-
шишнинг олди олинади. Шаклланган ахборот истеъ-
моли маданияти миллий манфаатларимиз ва қад-
риятларимизга зид бўлган хабар, маълумотларга
нисбатан ўзига хос қалқон ролини ўтайди, шахс дунё-
қарashi ва хулқидаги событликни таъминлашга хиз-
мат килади.

Ёш авлодда бу жиҳатлар шу даражада шакллан-
ган ва қарор топган бўлиши лозимки, улар вирту-
ал маконда умуммиллий манфаатга хизмат қиласиган,
унинг тараққиётига ёрдам берадиган ахборотни
танлай олсин. Фақат шундагина, глобаллашув жара-
ёнларида ёшларнинг маълумотларга кўр-кўронга эр-
гашиш, уларни нотўғри талқин қилишининг олди
олинади. Ахборот истеъмоли маданиятига эга ёш-
лар, салбий ва нохолис ахборотлар таъсирига тушиб
қолмайди, чунки уларда бундай ахборотларга нисба-
тан мустаҳкам мафкуравий иммунитет шаклланади.

«Кимки ахборотта эга бўлса, у, дунёга эгалик қи-
лади», деган фикр бутунги кунда барча томонидан
эътироф этилган. Шундай экан, бугунги кунда ёшлар-
да ахборот олами имкониятларидан оқилона фой-
даланиш малакасини шакллантириш ҳаётий-амалий
аҳамиятга эга.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги йўна-
лишлар бўйича фаолиятни янада ривожлантириш

келгусида жамиятимиз олдида турган муҳим ва устувор вазифалардан эканини таъкидлаш зарур:

- ёшларнинг ахборот муҳитидаги ижтимоий онгини мониторинг қилиш тизимини шакллантириш;
- ўсиб келаётган авлоднинг медиа-саводхонлиги ни мунтазам ошириб бориш;
- виртуал ахборот ҳудудида ёшларнинг устувор нуқтаи назарлари ва қизиқишлиарини мунтазам ўрганиш;
- келажак авлоднинг маънавий-ахлоқий ривожланишига заарар етказувчи ахборотдан ахолини ҳимоя қилиш;
- ёшларнинг маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи «оммавий маданият» таҳдиidi ва ёт оқимларнинг ҳақиқий маҳиятини фош этувчи маълумотларни етказиши тизимини йўлга кўйиш.

Маълумки, одамзод ишончга, эътиқодга таяниб яшайди. Бинобарин, унинг эътиқоди ҳам ўзи каби хурматга, эъзозта лойикдир. Онгу тафаккурга таҳдиддек виждонсизлик, соғ эътиқодли кишилар қалбига тажовуз қилишни кўзлаган кимсаларнинг интернет орқали тарқатаётган фикрлари сохталикка, юзакиликка ва ғаразли манфаатга асосланганки, шу боис бундай хатти-харакатни ҳеч қандай йўл билан оқлаб бўлмайди.

ХУЛОСА

Диний мутаассиблик, экстремизмнинг мафкураси аксил ижтимоий хаёлдан бошқа нарса эмас. Бу мафкура бутун дунёни куч билан босиб олишга қаратилган. Мутаассиб муросасиз бўлгани туфайли реал воқелик билан ҳисоблашмайди. Унинг бутун фикри хозирги босқичда жамики «ноисломий» нарсаларни қўпориб ташлаб, истиқболда қандайдир «ҳакиқий» мусулмон жамияти тузиш ғояси билан банд. Хозирги кунда мутаассиб кўринишдаги оқимлар ва террорчи кучлар томонидан ғаразли мақсадларда талқин этилаётган бузғунчи ғоялар таъсирида содир этилаётган қонли тўқнашувлар, низолар давлатлар тараққиёти ҳамда иқтисодий ўсишини бир неча йилларга оркага сурниб юбормоқда. Бундай мафкуравий таҳдидлар, аввало халқнинг бой маънавиятига қарши қаратилган бўлиб, унинг жамиятда илдиз отишига қарши ўз вақтида чоралар кўрилмаса, ўта салбий оқибатларга олиб келиши дунё тажрибасидан синалмоқда.

Демак, аҳоли ўртасида маънавий-маърифий ишлар тизимини шакллантириш, ёшлар ҳамда аёллар ичидаги диний мутаассибликтининг тарқалиши, миссионер ва ақидапараст оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш, «оммавий маданият» каби иллатларга қарши курашиш ҳозирги кунда ҳам ҳамон долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда. Бунда вояга етаётган ёш авлодни мустақил фикрли, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигига ўз ҳиссасини қўшадиган, халқи ва Ватанига содик, маънавияти юксак инсон қилиб тарбиялаш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиқиб, күйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

– ўкув муассасалари, маҳалла йиғинлари, турли идора ва ташкилотларда ижтимоий-маънавий мухитни янада соғломлаштириш, диний мутаассиблик ва миссионерликнинг олдини олиш борасидаги ишларнинг самараадорлигини янада оширишга қаратилган давра сұхбатлари ҳамда семинар-машғулоларини мунтазам ўтказиш;

– диний-экстремистик руҳдаги адабиётларнинг аҳоли, айниқса ёшлар орасыда тарқатилишининг олдини олиш бүйича кенг тушунтириш ишларини олиб бориш;

– ёшлар ўртасидаги турли дин ҳақидаги фикрларга нисбатан зийрак бўлиш, интернет, хорижий радио ва матбуот ҳамда уяли телефон орқали тарқатилаётган нохолис ва мутаассиб ғоялар тарқалишига йўл қўймаслик;

– жамиятда парокандалик, барқарор ვазиятни издан чиқариш ва динлараро тотувликка раҳна солишига хизмат қиласиган диний мутаассиб руҳдаги материалларнинг салбий таъсирини очиб беришга қаратилган нашрларни мунтазам равишда чоп этиш ва кенг жамоатчиликка етказиш.

Халқимизнинг маънавият ва маърифат соҳасидаги билимларини ошириш, аждодларимизнинг бой диний, илмий-назарий меросини ҳар томонлама ўрганиш, уларга оид мавжуд манбаларни илмий-оммабоп тарзда таҳлил этиш, шунингдек, аҳоли тафаккурини мағкурамизга ёт ғоялар таъсиридан саклаш, улар онгида диний экстремизм, мутаассиблик ва терроризмнинг салбий оқибатлари ҳақида атрофлича билим ва кўникмалар ҳосил қилиш ушбу ҳассос ва мураккаб со-

ҳанинг вакиллари бүлган олиму тадқиқотчилар зим-
масида алоҳида масъулият юклайди.

Бунда энг аввало ғаразли мақсадда амалга оши-
рилаётган ташқи ғоявий таъсирлар, мамлакатимиз-
да содир бўлаётган ўзгаришларга гўё холис ёндашув
байроби остида берилаётган бир ёқлама ахборотлар
ва баҳоларнинг олдини олиш, уларга қарши объек-
тив маълумотларни кишиларга тезкор, тизимли ва
тадрижий етказиб бериш масаласи долзарб бўлиб
турибди. Президентимиз Ислом Каримов «Юксак
маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидлаган-
ларидек: «Тобора кучайиб бораётган бундай хатар-
ларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яша-
шимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томон-
лама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил
этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бори-
ладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мум-
кин».

Шундай экан, ғоялар кураши авж олган XXI аср-
да ҳар хил шаклу шамойилдаги мутаассибликка йўғ-
рилган бузғунчи уринишларга қарши ҳаётимизда со-
дир бўлаётган ижобий ўзгаришлар ҳақидаги чуқур
таҳлилий маълумотларни мунтазам бериб бориш,
фуқароларимизнинг ижтимоий фаоллигини кучайти-
риш, бунда «фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя,
жахолатга қарши маърифат билан курашиш» ҳар қа-
лонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш керакки, бугун-
ги мураккаб бир даврда инсоният учун тинчлик, бар-
қарорлик неъматлари қанчалик улкан қийматга эга
эканини чуқур англаб етмоғимиз даркор. Дин байроби
остида талончилик ва босқинчилик, террорчилик ва
қўпорувчилик ҳаракатларини содир этаётган, жамият-
га ҳар томонлама зарар етказаётган бундай ҳаракатлар
ижтимоий барқарорликнинг издан чиқишига, мил-

латлааро ва динлааро адоват, миллатчилик ва диний айирмачилик кайфиятларининг шаклланишига замин яратмоқда. Шу нұқтаи назардан қараганда, айрим худудларда содир бўлаётган нотинчлик, қўшни давлатларда ҳукм сураётган бекарорлик бугунги кунда мамлакатимиздаги барқарор тараққиётга эришиш, осойишта ва фаровон хаётни таъминлаш ўзидан бўлмаётганини англашга ҳамда обод турмуш барпо этишда тинчликни қадрлаш учун шукроналик ҳиссини уйғотишга ундейди.

Д

ИЗОҲЛАР

Акромийлар – бу ҳаракатга 1990 йилларда «Хизбут-тахрир» диний-экстремистик гурӯҳи аъзоси бўлган Акром Йўлдошев томонидан асос солинган. Кейинчалик А.Йўлдошев «Хизбут-тахрир» ҳаракати аъзолари билан келиша олмай, ундан ажралиб чиққан ҳамда «Ислом низоми», «Иzzат ва шараф сари» ва «Халифалик» номли адабиётлардан фойдаланган ҳолда 12 дарсдан иборат «Имонга йўл» рисоласини ёзиб, ҳаракат дастурини ишлаб чиққан. «Акромийлар»нинг бош ғояси – исломий бошқарув шаклидаги давлатни барпо этиш ҳисобланиб, бунингучун босқичма-босқич ҳаракат қилиш, аввал Фарғона водийсида халифалик тузуми барпо этиш ва кейинчалик уни миңтақанинг бошқа ҳудудларига ёйиш мақсад қилинган.

Ақидапарастлик (араб. «ақида» – «ишонч», «бирор нарсани иккинчисига боғлаш») муайян шароитда, бирон-бир ғоя ёки тамойилга қатъий ишонч ва уни мутлақлаштириш асосида шаклланган қоида ва тартибларни ҳамда уларни шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда, кўр-кўrona қўллашга уриниш.

Барқарорлик – тинчлик, осойишталик ва ижодий меҳнат муҳити қатъий, узил-кесил ҳамда мустаҳкам ўрнатилган муқим шароит. Барқарорлик ҳар қандай бунёдкорлик фаолиятининг замини ва зарурий шарти ҳисобланади.

Виждон эркинлиги – диний эътиқод эркинлигидан кенгроқ тушунча бўлиб, ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқини англатади.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Конун – ушбу қонун Ўзбекистонда илк марта 1991 йил 14 июнда қабул қилинган бўлиб, 1993 йил 3 сентябрда киритилган баъзи қўшимча ва ўзгартиришлар билан 1998 йилга қадар амалда бўлиб келди. 1998 йил 1 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинга XI сессиясида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Конуннинг 23 моддадан иборат янги таҳрири қабул қилинди.

Глобал – дунёвий, бутунжоҳон, Ер сайёраси бўйича кенг қамровли жараён.

Дин – (араб. «эътиқод», «ишонч») муайян таълимотлар, хис-туйғулар, тоат-ибодатлар ва диний ташкилотлар фаолиятлари орқали намоён бўлади. У олам, ҳаёт яратилишини тасаввур қилишнинг алоҳида тариқаси, уни идрок этиш усули, оламда инсоният пайдо бўлгандан то бизгача ўтган давларнинг илоҳий тасаввурда акс этишидир. Дин комил инсонни тарбиялашда асосий тарбияловчи қудратга эга бўлган маънавий-ахлоқий кучdir.

Диний бағрикенглик – турли дин вакиллари эътиқодидаги мавжуд ақидавий фарқлардан қатъи назар, уларнинг ёнма-ён ва ўзаро тинч-тотув яшashi ҳамда ҳар бир диний таълимотга хурмат билан қарашни англаатади.

Диний ташкилот – диний жамоаларнинг расмий ўюшмаси.

Диний ташкилотлар – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-руслар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўкув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастирлар ва бошқалар) диний ташкилотлар деб эътироф этилади.

Диний экстремизм – жамият учун анъанавий бўлган диний қадриятлар ва ақидаларни рад этиш, уларга зид бўлган ғояларни алдов ва зўрлик билан тарғиб қилишга асосланган назария ва амалиёт.

Диний ғоялар – диний даъватлар, ақидалар, илоҳий қадрият ва мақсадлар ифодаланган қарашлар мажмуи. Улар турли динларнинг амал қилиш йўлини белгилаб олишда намоён бўлади. Диний ғоялар муайян диннинг мавжудлигини таъминлаб берувчи омил бўлиб хизмат қиласди.

Жамият – инсонлардан ташкил топган ижтимоий тузум.

Жаҳолат – (араб. «жаҳила» – «билимсизлик») ислом динидан олдинги даврни «жоҳилият даври» деб аталишининг сабаби ҳам шунда.

Жиҳод – (араб. «ғайрат қилиш», «кучни ишга сошлиш»). Шунингдек, «жиҳод» сўзи «жидду-жажд», яъни инсон ўз мақсадига эришиш йўлида бор имкониятларини ишга солиб, ҳаракат килишини англатади. Диний истилоҳга кўра, унинг нафс, шайтон ва ёв билан курашишдек турлари мавжуд.

Жоҳилия – (араб. «билимсизлик», «ягона Аллоҳни танимаслик») Арабистон ярим оролининг ислом динидан аввалги кўпхудолилик даврига берилган ном. Аниқроқ килиб айтганда, одамлар ҳаётида Исо (алайҳиссалом) билан Мұхаммад (алайҳиссалом) оралигидаги пайғамбарсиз ўтган давр тушунилади. Ҳозирда айрим диний оқимлар томонидан диний ибодатлар етарли даражада бажарилмайдиган жамиятларни жоҳилиядга айблаш одати бор.

Иммунитет – (лотин. *immunitas* – «озод бўлиш», «қутулиш») деганда тиббиётда организмнинг доимий ички муайянлигини сақлаши, ўзини турли заарли таъсиrlардан ҳимоя қилишга қодир бўлган хусусиятлари мажмуи тушунилади.

Конфессия – (лотин. «эътироф», «эътиқод») дин, диний эътиқод, у ёки бу диний йўналиш.

Мазҳаб – (араб. «йўл», «йўналиш») исломдаги шариат қонунлари тизими ва йўналиши.

Мансух – (араб. «кетказилган», «ўзгартирилган») кейин келган шаръий далил билан ҳукми кетказилган шаръий ҳукм.

Мафкура – (араб. «мафкура» – нуқтаи назарлар ва эътиқодлар тизими, мажмуи) жамиятдаги муайян сиёсий, ҳукукий, ахлоқий, диний, бадиий, фалсафий, илмий қарашлар, фикрлар ва ғоялар мажмуи.

Мафкуравий бўшлиқ – ўтиш даврларида кишиларда жамиятдаги мавжуд ҳолатни, ижтимоий мухитни нотўғри идрок этишга, унинг иродасини бошқа кишига бўйсундириш ва дунёқарашида агресивликни шакллантиришга хизмат қиласиган носоғлом ғоялар билан тўлдирилишига замин яратилиши.

Мафкуравий тажовуз – муайян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий ва конституцион тузумни заифластириш ва бузишга йўналтирилган, фуқаро ва жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи ғоявий-назарий қарашлар ва унга асосланган амалиёт мажмуи.

Мафкуравий хавфсизлик – шахс, миллат, жамият, давлатнинг хилма-хил шаклларда намоён бўладиган мафкуравий тажовузлар турли мафкуравий марказларнинг бузғунчилик таъсиридан ҳимояланганлик даражасини тавсифловчи тушунча. Мафкуравий хавфсизликни таъминлаш деганда, жамият маънавий ҳаётида бўшлиқ пайдо бўлишининг олдини олиш, ўзининг пировард мақсадларига мос ва унга хизмат қиласиган ғоялар тизимини шакллантириш, уни муттасил мустаҳкамлаб бориш, фуқароларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришдек жараёнлар назарда тутилади.

Маънавият – (араб. «маънавият» – маънолар мажмуи) кишиларнинг фалсафий, хуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи. Маънавият мафкура, тафаккур тушунчала-рига якин ва улар бир-бирларини тақозо этадилар.

Маърифат – (араб. «арафа» – билмок) таълимтарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ғоялар мажмуи асосида кишиларнинг онг-билимини, маданиятини ўстиришга қаратилган фаолият.

Миллат – (араб. «миллат» – халқ) кишиларнинг ягона тилда сўзлашиши, яхлит ҳудудда истиқомат қилиши, муштарак иқтисодий ҳаёт кечириши, умумий маданият ва руҳиятга эга бўлиши асосида тарихан ташкил топган барқарор бирлиги.

Миллатпастлик – миллатларнинг тенглигини инкор этиб, ўз миллатини бошқа миллатлардан юқори кўйиш, унга имтиёзлар яратишга интилиш, унинг манфаатларини бошқа миллатлар манфаатларидан афзал кўриш.

Миллатлараро тотувлик – миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири бўлиб, у муайян ҳудуд, давлатда турли миллат вакилларининг ҳамжиҳат яшаши, ҳамкорликда фаолият юритишини ифодаловчи тушунча.

Миссионерлик – (лотин. «missio» феълидан «юбориши», «вазифа топшириши», миссионер «вазифани бажарувчи») бир динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилиш билан боғлиқ назарий ва амалий фаолиятни билдиради.

Модернизм – динни ҳозирги замон воқелигига мослаштиришни ёқлаб чиқувчи оқим.

Мутаассиблик – (араб. «ғулув кетиши», «чукур кетиши») муайян ғояларнинг тўғри эканига қаттиқ ишониш, уларга мукласидан берилиш, «ўзгалар» ва «ўзгача» қараш ва ғояларга муросасиз муносабатда

бўлиш, бошқа фирмә ва мазҳабларни бутунлай рад этган ҳолда, уларни тан олмаслик.

Мушрик – Аллоҳни таниб-билиб, Үнга бошқа нарсаларни шерик қилувчи киши.

Мўътазилия – (араб. «ажралиб чиқмоқ») Ислом оламидаги энг катта эътиқодий бузук таълимотнинг номи.

Носих – (араб. «кетказувчи», «ўзгартирувчи») ўзидан олдин келган бир ҳукмни бекор қилиб келган кейинги оят.

Нурчилар – ҳаракатга Туркияning Битлис вилоятидаги Нурса қишлоғида туғилган, фаолиятининг илк даврлариданоқ диний мутаассибликка ва кескин фикрлашга мойилигини намойиш этган Сайд Нурсий (1876 – 1960) томонидан асос солинган. Ташкилотнинг стратегияси узоқ даврга мўлжалланган бўлиб, аста-секинлик билан ёшларни исломийлаштириш ва пантуркизм ғояларини сингдириш, ўз вакилларини раҳбар лавозимларга ўтказиши таъминлаш орқали «Нурчилар» жамоасига мойил шахсларни ҳокимият тепасига чиқаришга асосланган.

Онг – инсонга хос бўлган фикрий жараён, тафаккур шакли.

Панисломизм – XIX асрнинг охирларида Ўрта Шарқда вужудга келган ислом мамлакатларини ягона байроқ остида бирлаштириш ғоясини кўтариб чиқсан сиёсий оқим.

Прозелитизм – тўғридан-тўғри бирон-бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечишига ва ўзга динни қабул қилишга мажбур қилишни англатади.

Радикализм – (лотин. radix – «томир», «илдиз», «ўзак») мақсад-муддаони кескин, муросасиз амалга ошириш, ўёки бу ишдаги мавжуд аҳволни тубдан ўзгартиришга интилишни англатади.

Салафийлар – (араб. «салаф» – «аждодлар», «аввал яшаб ўтганлар») исломда ҳадисларга кўра, Пайғамбар Мухаммад (алайхиссалом) замонида ҳамда ундан кейинги икки даврда яшаган мусулмонлар тушунилади. Шунга кўра, ислом уламолари илк мусулмонларни «салаф солиҳ», яъни «солиҳ аждодлар» деб ҳисоблашади. Ҳозирги пайтда эса, bemazҳабликни тарғиб қилувчи оқимлар ўзларига «салафийлар» номини кўйиб олиб, гўёки, юқоридагилар йўлидан юраётганини даъво қиласди.

Секта – (араб. «фирқа») фақат ўзини ҳақ дин, инсонларни нажотга етказувчи деб даъво қиласдиган, аслида эса муайян сиёсий ва иқтисодий мақсадларни кўзлайдиган гурух.

Секуляризм – барча динлар ва турли қарашларни тенг ҳурмат қилиш, барча фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги. Айни вақтда мазкур атама бир маъноли тушунча бўлмай, вақт, минтақа ва мамлакатга қараб тинимсиз ривожланиб боради.

Секуляризация – (лотин. «илоҳийлик ва абадийликни ифодаламаган ўткинчи, вақтинчалик борлиқнинг характеристикаси») жамият ва дин муносабатларидаги ўзгаришлар динамикасини кўрсатиб берадиган ва ифодалайдиган жараён ҳисобланади. Шу тарзда дин ўз аҳамиятини йўқотмайди, унинг ижтимоий хулқقا ва дунёқарашга таъсири камаймайди. Секуляризация атамаси илк бор 1646 йилда Франция элчиси Лонгвил томонидан Вестфал сулҳидан олдинги музокаралар давомида ишлатилган. Августин давридан бошлаб, дунёвий маъносини англатади. Оддий тил билан айтганда, «секуляризация» дунёвийликни англатади.

Сепаратизм – (лотин. «ајкрайиб чиқишига, алоҳида бўлишга интилиш»). Ҳокимиятни конституцияга зид

йўллар билан қўлга киритишга интилевчи кучларнинг сиёсатга аралашишларини билдиради.

Сунна – исломда «Пайгамбар йўли».

Суфий – исломдаги тасаввуйфий оқим вакили.

Таблиғчилар – (араб. «етказиш») ислом байроби остида фаолият кўрсатадиган, аммо ислом дини асосларини бузадиган, диний ҳаракат ҳисобланади. «Таблиғчилар жамоаси»га Мұхаммад Илёс Кандехлавий (1885–1944) исмли шахс томонидан 1927 йилда Шимолий Ҳиндистоннинг Меват шаҳрида асос солинган. Дастреб Ҳиндистондаги мусулмонлар орасида фаолият юритган ҳаракат II жаҳон урушидан кейин Миср, Туркия, Саудия Арабистони ва айрим Европа мамлакатлари тарқалди. Ҳозирда ҳаракатнинг асосий қароргоҳлари Ҳиндистоннинг Бхопал, Покистоннинг Райвин ва Бангладешнинг Дакка шаҳарларида жойлашган. «Таблиғчилар» дунёвийликни инкор этувчи, сиёсийлаштирилган ва мутаассиб диний мағкурани ташвиқот қилиш ва унинг тарафдорларини кўпайтириш орқали ўз таъсирини бутун дунёга ёйишни мақсад қиласди. Ўтган асрнинг 90-йилларида Ўзбекистонда ҳам уларнинг қисман фаолияти кузатилган.

Такфир – мусулмонни имонсизликда айблаш, коғирга чиқариш.

Тасаввүф – истеъмолда «суфийлик», «суфизм», «тариқат» ёки «тариқатчилик» атамалари билан маънодош бўлиб, унинг келиб чиқиши масаласида бир қатор қарашлар мавжуд. Кўпчилик олимлар суфий сўзи арабча «сүф» сўзидан ҳосил бўлган, унинг лугавий маъноси жун ва жундан тўқилган матодир деб, суфийлар кўп ҳолларда жун чакмон ва қўй терисидан тикилган пўстин кийиб юрганликлари учун уларни «жун кийимлилар» (форсча «пашминапўш»), яъни «суфийлар» деб юритганлар. Бу оқим VII аср охири

VIII аср бошларида Ислом дини асосида вужудга келген ҳамда ўз таълимотини Куръон ва ҳадисларга асосланиб ривожлантирган. Баъзи ўлкаларда тасаввуф ислом таълимотининг муайян кўриниши вазифасини бажарган.

Тафсир – (араб. «баён қилиш») Куръон оятларига шарх, изоҳ бериш.

Террор – (лотин. «қўрқитиш», «ваҳимага солиш») ўз фикрини зўравонлик йўли билан бошқаларга ўтказиш. Бу йўлда суннат, кўпорувчилик каби усуллардан фойдаланилади.

Туркистон ислом ҳаракати – (собиқ «Ўзбекистон ислом ҳаракати») 1996 йилда ташкил топган диний-экстремистик ташкилот. Унинг таркибига 1992–93-йилларда фаолияти тутатилган «Ислом лашкарлари» (Наманган), «Адолат уюшмаси» (Наманган), «Ўзбекистон Ислом уйгониш партияси», «Одамийлик ва инсонпарварлик» (Кўқон) каби қатординий-экстремистик гурухларнинг фаоллари кирган. Ҳаракатнинг асосий мақсади Марказий Осиё ҳудудида «Буюк ислом халифалиги»ни тузиш, унда мусулмонлар яшайдиган Кавказ ва Россия Федерациясининг Волгабўйи республикаларини ҳам қамраб олишдан иборатdir.

Фанатизм – мутаассиблик.

Фарз – ислом дини таълимотига кўра, инкор қилиб бўлмайдиган даражада қатъий далил билан бажарилиши талаб қилинган амалга айтилади.

Фатво – фақиҳнинг динда пайдо бўлган янги муаммоларни Куръон ва ҳадисста зид келмайдиган равишда ҳал қилиб чиқарган ҳукми.

Фақих – шариат ҳукмларини мукаммал билган, фикҳ илми билан шуғулланувчи шахс.

Фирқа – ақоидга доир бир ёки бир неча масала юзасидан маҳсус фикрга эга бўлган кишиларнинг

ташкилий гурухи, жамоаси. «Фирқа» сўзи маълум бир тоифага нисбатан ишлатилади.

Фикҳ – (араб. «билиш», «теран англаш», «чукур тушуниш») яъни англамоқ ва тушунмоқ маъносида ишлатилади. Истилоҳда ижтиҳод йўли орқали муайян далиллардан чиқариб олинган амалий ҳукмларни билишни англатади. «Фаҳм» сўзи ҳам «англамоқ» маъносини ифода этади, лекин бу икки сўз синоним эмас, чунки фаҳм мутлақ суратда, яъни содда шаклда англамоқ ва «фикҳ» эса дикқат билан чукур англаб олиш, яъни бир нарсани ички мазмуни ва барча жузъиёти билан тушуниб олиш маъносида ишлатилади.

Фундаментализм – (лотин. «асос») муайян ижтимоий ҳодисанинг дастлабки, бирламчи кўриниши.

Халқаро терроризм – давлатлар, халқаро ташкилотлар, сиёсий партия ва ҳаракатларни бекарорлаштиришга қаратилган сиёсий кўпорувчилик фаолиятини ифодалайди. У энг оғир жиноят бўлиб, узоқ давом этган жараёнларнинг ҳосиласи ҳисобланади.

Хорижийлар – (араб. «ажралиб чиққанлар», «исёнчилар») Ислом динидаги дастлабки пайдо бўлган экстремистик диний-сиёсий оқим.

Шаҳид – (араб. «гувоҳ») ислом динига кўра, имонэътиқоди, Ватан озодлигини ҳимоя қилиш йўлида ҳалок бўлган ва жаннатга киришига шаҳодат (гувоҳлик) берилган киши.

Экстремизм – (лотин. «ақл бовар қилмас даражада», «хаддан ошиш») ўз мақсади йўлида турли ҳаддан ортиқ кескин тадбир-чоралар кўришга тарафдорлик, жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга зид бўлган кескин радикал қараашлар.

Эътиқод – (араб. «ишонч», «имон») – инсон фаолияти учун маънавий асос, йўл-йўриқ ва мўлжал бўлиб хизмат қилувчи, ақл, ҳис ва ирова воситасида англанган билимлар, муайян ҳодиса, воқелик ёки

нарсага қатъий муносабат, фоя ва тасаввурлар ифодаси бўлган тушунча.

Эътиқод эркинлиги – хоҳлаган динга эътиқод қилиш ҳуқуқи, киши онгида чукур ўрнашиб қолган ва амалга оширилиши шахснинг кундалик эҳтиёжига айланган интилиш, хатти-ҳаракат ва дунёқараашлар тизими.

Куръони карим – Ислом динининг бирламчи муқаддас манбаси, 23 йил мобайнида Мухаммад (алайхиссалом)га Жаброил фаришта орқали баъзан оят-оят, баъзан эса тўлиқ сурा тарзида нозил қилинган илоҳий китоб.

Фоя – фикр ва қарашлардан ташкил топган муайян мақсад сари йўналтирувчи тафаккур.

Хадис – (араб. «янги», «сўз») Мұхаммад Пайғамбар (алайхиссалом)нинг айтган сўzlари, қилган ишлари ҳақидаги ривоятлар.

Ҳижрат – (араб. «бирор нарсадан ажраш») шариятда Пайғамбар (алайхиссалом)нинг Маккани тарк этиб, Мадинага боришларига қиёсан ислом дини йўлида мусулмонларнинг яшаб турган ерларини ташлаб, бошқа юртларга кўчиб кетиши назарда тутилади.

Хизбут-тахрир ал-исломий – (араб. «Ислом озодлик партияси») ташкилотига 1953 йилда Тақийиддин Набаҳоний (1909–1979) томонидан асос солинган. Даставвал Фаластинни озод қилишни мақсад қилган Набаҳоний, кейинчалик бутун дунё мусулмон мамлакатларини бирлаштирувчи ягона халифалик давлатини қуришни бош мақсад деб эълон қилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

1. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2012. – 624 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 40 б.
3. Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрири). Ўзбекистон Республикасининг қонуни. – Тошкент: Адолат, 1998.
4. Терроризмга қарши кураш тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. – Тошкент: Адолат, 2000.
5. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик ҳакидаги кодекси. – Тошкент: Адолат, 2001.
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. (2008 йил 1 июлгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан киритилган) – Тошкент: Адолат, 2008.
7. «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори // «Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўпами», 2003 й., 15–16-сон, 135-модда.
8. Терроризмга қарши кураш тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2004. 5-сон.
9. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2004. 9-сон.

10. Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тұғрисида // Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, ПҚ-451 сон. 2006 йил 25 август.
11. «Баркамол авлод йили» давлат дастури. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.
12. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
13. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
14. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.
15. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 538 б.
16. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашамиз. 10-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
17. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 262 б.
18. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 328 б.
19. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
20. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.
21. «Инсон манфаати, ҳуқук ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир» // Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. «Халқ сўзи», 2012 йил 8 декабрь.

22. Каримов И.А. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 36 б.
23. Алимов У. Суннат ва ҳадис. – Тошкент: Sharq, 2012.
24. Алимов У. Сўраган эдингиз... 1-жилд. – Тошкент: Мовароуннахр, 2009. – 256 б.
25. Алимов У. Сўраган эдингиз... 2-жилд. – Тошкент: Мовароуннахр, 2012. – 200 б.
26. Алиев Ж. Зулмат гирдоби. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – 32 б.
- ✓ 27. Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. – 122 б.
- ✓ 28. Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси // ЮНЕСКО Халқаро меъёрий хужжатлари. – Тошкент: Адолат, 2004.
- ✓ 29. Диний бағрикенглик ва мутаассиблик: (юз саволга-юз жавоб) Масъул муҳаррир О.Юсупов. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013. – 156 б.
- ✓ 30. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари / Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013. – 246 б.
- ✓ 31. Жўраев Ш. Бузғунчи даъватчилар. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – 40 б.
32. Закурлаев А.К. Ўзбекистон ривожига таҳдид солаётган ғайриқонуний диний оқим ва террорчилик ташкилотлари. Тариқатчилик, аслият ва моҳият. – Тошкент, 2010. – 134 б.
33. Ислом. Энциклопедия. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2004. – 313 б.

34. Ислом зиёси ўзбегим сиймосида (Кайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри). – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2005. – 360 б.

35. Ислом маърифати: аслият ва талқин. Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – 160 б.

36. Комилов К., Ҳасанбоев Ў., Ҳошимов Н. Диний экстремизм ва халқаро терроризм – жамият тараққиётига таҳдид. (Маърифий-услубий қўлланма). – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – 32 б.

37. Комилов К., Ҳасанбоев Ў., Ҳошимов Н. Ўзбекистон барқарор тараққиёт йўлдида (Маърифий-услубий қўлланма). – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – 24 б.

38. Мелиқўзиев Ж. Ҳалокат тузоги. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013. – 32 б.

39. Раҳимжонов Д. Маърифат – тинчлик асоси. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. – 196 б.

40. Сафарова Н.О. Терроризм (тариҳий-фалсафий таҳлил) – Тошкент: NOSHIR, 2009. – 214 б.

41. Тинчликни асраш – муқаддас бурч / У.Қўшаев, А.Ахмедов, Ш.Жўраев ва б.; Мастьул мухаррир А.Очилдиев. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – 32 б.

42. Тинчлик ва осойишталик – олий неъмат. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2013. – 144 б.

43. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. Масъул мухаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Шарқ, 2012. – 336 б.

44. Шермуҳамедов К. Жаҳолат тўри. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – 48 б.

- ✓ 45. Фойибназаров Ш. Халқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбаи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 296 б.
46. Ҳидоят ортига яширинган залолат /Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – 136 б.
47. Ҳорун Яҳё. Ислом террорни лаънатлайди. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003. – 76 б.
48. Абдул Қодир Авда. Ат-ташриъ ал-жиноий ал-исламий муқоранатан би-л-қонун ал-вадъий. – Байрут: Дор ал-котиб ал-илмийя, 1993. 1/275.
49. Абдурраҳмон Жазирий. Ал-Фикҳ ала-л-мазаҳиб ал-арбаа. – Байрут: Дор ал-қутуб ал-илмийя, Ж. 1. 2003.
50. Абу Абдуллоҳ Ҳароний. Сифату-л-фатва ва-л-муфти ва-л-мустафтий. – Байрут: Ал-Мактаб ал-исломий, 1976.
51. Ал-Мавсуға ал-фикхийя ал-кувайтийя. Визаротул-авқоф ваш-шуунил-исламийя. – Кувайт: Дарус-саляси. 1983.
52. Аҳмад Шалабий. Ал-Ислом. – Коҳира: Дор ан-наҳда ал-мисрийя, 1997.
53. Бартольд В.В. Халиф и султан. Соч., Т. VI. – Москва, 1966.
54. Босворт К.Э. Мусульманские династии. – Москва: Наука, 1971.
55. Ваҳба Зуҳайлӣ. Ал-фикҳу-л-исломий ва адиллатуху. – Дамашқ: Дор ал-фикр, 1985.
56. Ваҳба Зуҳайлӣ. Мақиғ ал-ислам мин иттибӯъ ар-рисалат ал-илаҳийя ал-ухро ва мин ал-анбиё ва ар-русл ва ал-қутуб ал-илаҳийя. 2003 йилда Маккада ўтказилган Ислом олами лигасининг «Давлатларро ҳамкорликда ислом ва замонавий маданият» номли конференциясида сўзлаган нутқи. (<http://www.themwl.org/Subjects/default.aspx?d=1&l=AR&cid=16&cidi=114>)

57. Жалолиддин Суютий. Адаб ал-фатиаа / Мұхәммәд Ҳилол таҳқиқи. – Қохира: Дор ал-оғоқ ал-арабийя, 2007.
58. Ибн Абдул Барр. Ал-Изтизкор. – Қохира, Дор ал-ваъй, Ж. 4. 1993.
59. Имом Алоуддин Косоний Ҳанафий. Бадөниу-саноиъ фи тартиб аш-шароиъ. – Байрут: Дор ал-күтуб ал-илмийя, Ж. 9. 2003.
60. Ибн Манзур. Лисону-л-араб. – Байрут: Дор ас-Содир, Ж. 15. 2003.
61. Ибн Ҳажар Асқалоний. Фатхул борий бишархи саҳиҳ ал-Бухорий. – Қохира: Дор ал-ҳадис, Ж. 1. 2004.
62. Имом Қарафий. Ал-Фурук / Халил Мансур таҳқиқи. – Байрут: Дор ал-күтуб ал-илмийя, Ж. 1. 1997.
63. Имом Газзолий. Файсалу-т-тафриқа байна-л-ислам ва-л-зиндиқа. – Дамашқ, 1993.
64. Имом Шотибий. Ал-Мувафақот / Мұхәммәд Абдуллоҳ Диroz таҳқиқи. Ж. 4. – Байрут: Дор ал-маърифа, 2007.
65. Мавсұат ал-ҳадис аш-шариф. – Ширкат Саҳр ли-барамиж ал-қосиб. 1991–1996 (CD-ROM).
66. Мони' ибн Ҳаммод ал-Жуҳаний. Ал-Мавсұат ал-муяссыра фий ал-адян вал мазоҳиб вал ахзоб ал-муосира. 5-нашр. 1–2-жилд. – Ар-Рийод: Дар ан-надва ал-оламийя, 2003.
67. Muhammad Tahir-ul-Qadri. Fatwa on suicide bombings and terrorism. – London: Minhaj-ul-Quran International, 2010.
68. Мұхәммәд Абу Захро. Ал-Жарима ва-л-уқуба фи-л-ғиққа ал-исламий. – Дамашқ: Дор ал-ғиқр ал-арабий, 1998.
69. Мұхәммәд Ҳайр Ҳайкал. Ал-Жиҳод ва-л-қитол фи-с-сиёсати-ш-шаръийя. – Дамашқ: Дор Ибн Ҳазм, 1996.
70. Носир Абдуллоҳ Маймон. Ал-Фатва: хатаруҳа, аҳаммиятуҳа ва мушкилатуҳа фи-л-аср ал-қазири. – Макка, 2008.

71. Рамазон Бутий. Ал-Жиҳод фи-л-ислам: кайфа нафхамуҳу ва кайфа нуморисуҳу. – Дамашқ: Дор ал-Фикр, 1993.

72. Рамазон Бутий. Ас-Салафийя: марҳала заманийа муборака лаа-мазҳаб исламий. – Дамашқ: Дор ал-Фикр, 2005.

73. Тавфиқ Ибрагим. Вперед к кораническому Исламу. Восток (ORIENT) Ислам минбаре, №4. 2006.

74. Файрузободий. Ал-Қомус ал-муҳит. – Байрут: Ар-Рисола, 2005.

75. Юсуф Қарзовий. Зоҳирату-л-ғулув фи-т-такфир. – Қоҳира: Мактабат Ваҳба, 1990.

Интернет орқали фойдаланишига тавсия этиладиган веб-саҳифалар:

1. <http://www.tiu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети веб-сайти;
2. <http://www.markaz.tiu.uz> – Тошкент ислом университети қошидаги Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази веб-сайти;
3. <http://www.religions.uz> – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита веб-сайти;
4. <http://www.muslim.uz> – Ўзбекистон мусулмонлари идораси веб-сайти;
5. <http://www.buxoriy.uz> – Тошкент ислом институти веб-сайти;
6. <http://www.bukhari.uz> – Имом Бухорий халқаро маркази веб-сайти;
7. <http://www.hidoyat.uz> – «Мовароуннаҳр» нашриёти веб-сайти;
8. <http://www.ziyonet.uz> – Ахборот таълим тармоғи;

МУНДАРИЖА

Кириши	3
I БОБ. ИСЛОМ - ТИНЧЛИК, БАГРИЕНГЛИК ВА МАЪРИФАТ ДИНИ	
1.1. Тинчликпарварлик ислом динининг моҳияти.....	6
1.2. Ислом динида бағриенглик гоялари	13
1.3. Ислом – билим ва маърифат дини	23
II БОБ. ДИНИЙ МУТААССИБЛИК, ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРЧИЛИКНИНГ ШАКЛЛАРИ, ГОЯВИЙ ИЛДИЗЛАРИ ҲАМДА ЗАМОНАВИЙ КЎРИНИШЛАРИ	
2.1. «Мутаассиблик», «экстремизм» ва «терроризм» тушунчаларининг мазмун-моҳияти.....	34
2.2. Диний мутаассиблик ва экстремизм келиб чиқшишининг тарихий-ижтимоий илдизлари	45
2.3. Марказий Осиё минтақасига фаолияти кузатилган диний-экстремистик ҳаракатларнинг ўзига хос ҳусусиятлари.....	51
2.4. Соглом ва маърифий мазмунга эга бўлган соғ исломий тушунчаларнинг гаразли мақсадларда талқин этилиши	66
III БОБ. ДИН НИҚОБИДАГИ МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАРДАН АСРАШНИНГ МАЛЬНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЙЎЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ	
3.1. Ёшлилар – дин ниқобидаги мафкуравий таҳдидларнинг асосий объектлари: муаммолар ва вазифалар	106
3.2. Диний мазмундаги маҳсулотларни экспертиза қилиши тизимининг дин ниқобидаги мафкуравий таҳдидларга қарши курашдаги аҳамияти	112
3.3. Ёшлиларда интернетдаги ёт гояларга қарши мафкуравий иммунитетни шаклантиришининг долзарб масалалари	123
Хулоса	137
Изоҳлар	141
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати	152

Диний-маърифий нашр

А.ҲАСАНОВ, О.ЮСУПОВ,
Х.ШЕРМУҲАМЕДОВ, У.ҒАФУРОВ
Ж.КАРИМОВ

ДИНИЙ МУТААССИБЛИК:
МОҲИЯТ, МАҚСАДЛАР ВА
ОЛДИНИ ОЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Муҳаррир Нӯъмон АБДУЛМАЖИД

Бадиий муҳаррир Уйғун СОЛИХОВ

Техник муҳаррир Зиёдбек ЎРИНОВ

Саҳифаловчи Толибжон ҚОДИРОВ

Мусаҳҳиха Нодира ОХУНЖОНОВА

Нашриёт лицензия рақами: AI 146. 2009.14.08.

Босмахонага 2013 йил 24 декабрда топширилди. Босишга 2013 йил 26 декабрда ружсат этилди. Офсет қоғози. Қоғоз бичими $84 \times 108 \frac{1}{32}$. Ҳарф гарнитураси PT Serif. Офсет босма усули. Ҳисоб-нашриёт т.: 5.92 Шартли б. т.: 10,0.

Адади: 300 нусха.

291-сон буюртма. Баҳоси келишилган нархда.

«Movarounnahr» нашриётида тайёрланди.

Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шахар

Зарқайнар 18-берккӯча 47а-үй.

Электрон почта: m-nashr@yandex.ru.

Тел: (8-371) 227-34-30

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

100113, Тошкент шаҳар,

Чилонзор-8, Катортол кӯчаси, 60.

